СТБ – Марказий банк томонидан банк сектори доирасида ўтказиладиган секторал таваккалчиликларни баҳолаш;

таваккалчилик – мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги, шунингдек банк хизматлари, маҳсулотлари, технологиялари ёки амалиётларидан мазкур мақсадда фойдаланиш таваккалчиликлари;

таваккалчилик индикаторлари – Банкнинг соҳа бўйича ички ҳужжатларида, жумладан таваккалчилик методологиясида келтирилган, мижоз ва операциялар таваккалчилигини олдиндан ёки операция амалга оширилгандан сўнг мониторинг қилиш (кузатиш) имкониятини берувчи мезон, аломат ва сигналлар тўплами;

таваккалчилик методологияси – таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайтириш чора-тадбирлари кўрсатилган Банкнинг ички ҳужжатлари, жумладан тартиб сифатидаги ва методология тусидаги ҳужжатлар;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс – террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

учинчи томон — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган ташкилотлар;

фронт-офис ходимлари – қуйи таркибий бўлимадаги мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлар;

шубҳали операция – тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назоратни ўтказиш вақтида Банкда унинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлигига шубҳа пайдо бўлган операция;

юқори мансabdор шахслар — чет давлат ва Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан ҳарбий тузилмаларида, ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (*шу жумладан собиқ*);

юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси – чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган ва ўз иштирокчиларининг (*пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг*) ёхуд бошқа бенефициарларнинг манфаатларини кўзлаб даромад (*фойда*) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир (*фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жсамоавий инвестициялар ва/ёки ишончли бошқарувнинг бошқа шакллари*);

ЯТГ – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс.

1.3. Ҳужжатнинг таркибий қисмларига ўзгартиришлар ёки қўшимчаларни тасдиқлаш ҳамда қисмларнинг таъсир доираси

4. Ҳужжатда белгиланган вазифалар, функциялар, чора-тадбирлар, ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларни ички назорат тизимининг барча иштирокчилари, жумладан мижозларга хизмат кўрсатувчи (*фронт-офис*) ёки операцияларни ўтказувчи ва текширувчи (*назорат қилувчи, бэк-офис*) ходимларга етказиш, улар билан ички назорат хизмати ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш ҳамда ҳужжатнинг амалийлигини яхшилаш мақсадида, кунлик вазифалар тақсимооти ва рўйхатлар (*"чеклист"*) сифатида иловалардан фойдаланилади.

5. Ҳужжат асосий мати ва иловалардан иборат бўлиб, барча қисмлари Банкнинг таркибий бўлинмаларига ҳамда уларда фаолият юритаётган ходимларга ижро учун мажбурийдир.

6. Ҳужжатнинг барча қисмлари мижозларга ички ҳужжат сифатида кўрсатилиши мумкин, бироқ ҳужжат талаблари юзасидан мижозларга фақат маълумот уларга иктибос келтирилган ёзишмалар (*ҳужжат ёки электрон хат*) сифатида тақдим этилади.

7. Мазкур ҳужжатдаги барча иловалар, унинг асосий матнини тўлдирувчи амалий қондалар сифатида хизмат қилади.

8.1-Иловадан ташқари барча иловалар соҳадаги халқаро стандартлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари, Банкнинг соҳа бўйича ички талаблари ўзгаришига ҳамда таваккалчиликлар (*жумладан заифликлар, таҳдидлар ёки оқибатлар*) ўзгаришига қараб, ички назорат хизмати таклифига кўра Банк бошқарувининг қарори билан тасдиқланган ҳолда ўзгартирилиб (*тўлдирилиши ёки қисман бекор қилинишини инобатга олган ҳолда*) бориши мумкин.

9. Бироқ ички назорат хизмати жиддий деб ҳисобланган ўзгаришлар, Банкнинг кузатув кенгаши муҳокамасига ҳам киритилиши мумкин, кузатув кенгаши муҳокамасида тасдиқланган иловалар (*қондалар*) кенгаш йиғилиши баённомаси билан ҳужжатлаштирилади.

10. Хужжатнинг 1-иловасига мувофиқ, Юқори таваккалчилик даражаси белгиланган миқозлар ҳамда операцияларнинг қўшимча тоифалари, гумонли ва шубҳали операцияларнинг қўшимча индикаторлари, аломатлари, мезонлари ёки шартлари белгиланади.

11. Хужжатнинг 1-иловаси ички назорат тизимининг Банкдаги соҳа таваккалчиликларини тезкор равишда бошқариш (*янги оралиқ заифликлар, таҳдид, оқибат ёки таваккалчиликлар пайдо бўлиши биланоқ уларга нисбатан чоралар кўрилиши*) мақсадида, хизмати раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳар ойнинг биринчи жумаси кун ичига килинади ҳамда Банкнинг бош банкдаги ва қуйи таркибий бўлинмаларига ҳамда уларнинг ходимларига ижро учун мажбурий ҳисобланади.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ МАЛАКАСИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ОШИРИБ БОРИШ

2.1. Ички назорат тизими ходимларининг ўқитилиши ва малакасини ошириб бориш

12. Ички назорат хизмати раҳбари миллий ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган курсларда камида бир йилда бир марта, халқаро ташкилотлар тренингларида (ўқиш, курс) икки йилда бир марта соҳа бўйича кўникма ва билимлар бўйича ўқиши керак.

13. Ички назорат хизматининг бошқа ходимлари камида бир йилда бир марта соҳа бўйича тажриба, кўникма ва янгиликлар бўйича билимларни беришга мўлжалланган миллий ташкилотларда ташкил этиладиган махсус ўқув курсларида малака ошириши керак. Ички назорат тизимининг бошқа ходимлари, жумладан бўлинмалар раҳбарлари ва миқозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлар Марказий банк, махсус ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органлари томонидан соҳага оид янгиликлар ва қонунчилик ҳужжатлари доирасида ташкил этиладиган тренингларида мунтазам иштирок этишлари шарт;

14. Ички назорат тизимининг ички назорат хизматида ташқари қисмига ўқишлар (*материаллар*) асосан ички назорат хизмати томонидан ташкил этиладиган техник-ўқувлар, тренинглари, ўқишлари, инструктажлари орқали етказилиб борилади. Малака ошириш бўйича Марказий банк, махсус ваколатли давлат органи ёки бошқа ўқиш бўйича ташкилотлар томонидан ташкил этилган, банкнинг ички назорат хизматида ташқари ходимлари ҳам иштирок этиши мумкин бўлган техник-ўқувлар, жумладан масофадан ўқитиш тизимларида ички назорат хизмати ва бошқа ходимлар биргаликда иштирок этишлари мумкин.

15. Мазкур бандларда келтирилган бошқа ташкилотлар томонидан ўқитиш хизматларини тақдим этиш бўйича ташкилий масалалар (*харид, ходимларни бошқариш шартлари*) Банк бошқаруви кўрсатмаларига асосан Бош банкнинг харидлар ва ходимларни бошқариш масалаларида масъул бўлган таркибий бўлинмалари томонидан ташкил этилади.

Ички назорат хизмати ўз ходимларини, миқозларга бевосита хизмат кўрсатувчи банк бўлинмалари (*масъул ишчилар, кассирлар ва шу каби*), юридик хизмат, ички аудит ва хавфсизлик хизмати ходимларини қуйидаги мақсадлар билан мунтазам равишда қайта тайёргарликдан ўтказишни ташкил этади:

соҳа бўйича сўнгги янгиликлар ҳақидаги ахборотга эга бўлишни таъминлаш;
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ахборотга эга бўлишни таъминлаш;
терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ахборотга эга бўлишни таъминлаш;
соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш.

Бош банк ички назорати томонидан камида бир йилда 2 марта, қуйи бўлинма ички назорати томонидан камида ҳар чоракда махсус тренинглари (*соҳа бўйича янгиликларга*

тегишли деб баҳоланган барча ходимлар иштирокида) ўтказилади. Бундай ўқишлар бўйича махсус режа-график бош банки ички назорати учун ходимларни бошқариш бўйича масъул департамент томонидан, қуйи бўлинма ички назорати томонидан ўтказилиши лозим бўлган ўқишлар режаси ички назорат хизмати раҳбари ёки унинг тегишли ўринбосари томонидан ҳар йилнинг январь ойи давомида тасдиқланади.

Барча таркибий бўлинмалар раҳбарлари ўз ваколати доирасида қайта тайёргарликдан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича ички назорат хизматига кўмак беришлари керак.

2.2. Ички назорат хизмати томонидан халқаро стандартлар/амалиётлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички қоидалардаги ўзгариш ҳамда кўшимчалар юзасидан ташкил этиладиган ўқиш механизмлари

16. Қуйи таркибий бўлинмалардаги раҳбарларнинг (*бўлим, сектор, хизмат, фронт-бэк офислар раҳбарлари кабиларнинг*) соҳа бўйича билим ва кўникмалари “Лавозимга мувофиқликни баҳолаш комиссияси” синовлари ва суҳбатлари орқали алоҳида баҳоланади.

17. Қуйи таркибий бўлинмалардаги фронт ва бэк-офисларга янги ишга қабул қилинаётган/қабул қилинган бошқа ходимлар Бош банк ички назорати томонидан ишлаб чиқиладиган, қуйи бўлинма ички назорати томонидан қисқа инструктаж сифатида ўтиладиган (*2 соатдан ошмаган*), натижаси тест саволлари орқали баҳоланувчи бирламчи инструктаждан ўтишлари лозим.

18. Инструктаж доирасида юқоридаги 16-бандда келтирилган ходимлар қуйи бўлинма ички назорати кузатувида автоматлаштирилган тест тизимида синовдан ўтиши, биринчи уринишда 70 баллдан кам тўплаган ходимларга бир ҳафта муддат ва ички назорат тизимига онд ҳужжатлар рўйхати (*Бош банк ички назорати томонидан шакллантирилади*) ва ходимнинг фаолиятидан келиб чиқувчи материаллар (*шорт-листлар, жумладан мазкур қоидалар иловалари*) электрон тақдим этилиши лозим.

19. Бир ҳафтадан сўнг, янги ходим қайта тест синовларидан ўтиши керак, бунда иккинчи уринишда 70 баллдан кам натижа кўрсатган ходимга яна уч иш кунидан иборат ўқиш муддати белгиланади.

20. Иккинчи уринишда тест синовларида 70 баллга тенг ёки ундан кўп натижа кўрсатган ходим бўйича натижа аниқланган иш кунидан кечиктирмасдан ходимлар билан иш олиб боровчи бўлинмага қуйи бўлинма ички назорати томонидан ходимнинг соҳа бўйича кўникма/билимлари етарлилиги бўйича хизмат ёзишмаси тақдим этилиши лозим.

21. Иккинчи уринишда 70 баллдан кам натижа кўрсатган ходимга яна беш иш кунидан иборат муддат берилиб, тест синовлари қайта ўтказилади.

22. Учинчи уринишда етарли натижа кўрсатмаган ходим бўйича, унинг соҳа бўйича билимлар етарли эмаслиги ёки билимларни эгаллай олмаслиги бўйича маълумотни (*инструктаж ва тестлар натижаларини*) илова қилган ҳолда, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш (*ёки муддатли меҳнат шартномасини унинг муддати тугамасдан иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш*) таклифи билдирилган хизмат ёзишмаси ички назорат хизмати томонидан ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ходимлар билан иш олиб боровчи бўлинмага тақдим этилиши керак (*Асос: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ички меҳнат тартиб қоидалари янги таҳрирининг 2.20-банди, 3-хатбоиши*).

Учинчи уринишда юқоридаги бандларда келтирилган салбий натижаларни кўрсатган ходим бўйича қуйи таркибий бўлинма раҳбари (*бошқарувчи, бошлиқ*) мустақил равишда чоратадбирларни кўришлари керак.

23. Учинчи уринишда юқоридаги бандларда салбий ёки ижобий натижани кўрсатган ходим бўйича келгуси соҳа бўйича қуйи бўлинма ички назорати томонидан бошқа бўлинмалар

учун режалаштирилган техник ўқувларда алоҳида эътибор бериш мақсадида, хизмат ўзишмаси орқали бош банк ички назоратига иш куни охиригача билдирилиши керак;

24. Тест саволлари ҳар бири 1 балл тизимида баҳоланувчи, 10 та саволдан иборат тестлар тўпламлари сифатида тақдим этилади, тестнинг умумий вақти 30 дақиқадан ошмаслиги лозим.

III. МИЖОЗЛАРНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТЕКШИРИШ ВА УЛАРНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ УСТИДАН МОНИТОРИНГНИ АМАЛГА ОШИРИШ

3.1. Миждозларни лозим даражада текшириш шарт бўлган ҳолатлар

25. Бош банкнинг бўлинмалари ва қуйи таркибий бўлинмалар 2-иловада келтирилган ҳолларда миждозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак.

26. Банкнинг тўлов агентлари ва тўлов субагентлари, агар агентлик ва (ёки) субагентлик шартномасида кўрсатилган бўлса, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, миллий ички назорат қоидалари ҳамда мазкур Қоидалар талабларига риоя қилган ҳолда, миждозни лозим даражада текшириш бўйича чораларни кўриш мақсадида миждознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиши мумкин.

3.2. Миждозларни хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш (onboarding) ва рўйхатлар билан олдиндан солиштириш (pre-screening)

27. Миждозларни хизмат кўратиш учун қабул қилишдан олдин қуйидаги минимал шартлар қўлланилади (*onboarding va pre-screening*):

Ҳисобварақ айнан миждознинг идентификация ва давлат рўйхатида кўрсатилган номларнинг ўзи бўйича очилиши керак. Идентификация маълумотлари кейинчалик ўзгарган ёки номувофиқ ҳолатлар аниқланган пайтда, Банкнинг таркибий бўлинмалари (ҳодимлари) томонидан ҳолат аниқланган иш кунининг охирига қадар “номувофиқ ҳолат” сифатида баҳоланиб, 12-иловаси гумонли операциялар бўлимидаги 3 ёки 5-бандларда белгиланган гумонли ёхуд шубҳали операциялар бўлимидаги 10-бандда келтирилган шубҳали операция тақдим этилиши лозим (*кўрсатилган мезон ёки аломатларнинг мазмунан энг яқини танланади*);

резидент жисмоний шахсларга, иш ҳақи лойиҳаси доирасида банк карталари, жамғарма/муддатли омонатлар, бир марталик операциялар учун (валюта айирбошлаш ёки халқаро пул ўтказмалари операциялари) ҳисобварақам очилишида;

хорижий валютадаги ҳисобварақлар фақат миждознинг фаолияти манзил(лар)и бўйича ўрганилиб, ҳақиқатда ҳисобвараққа эҳтиёжи тасдиқланган ҳолларда, ташқи иқтисодий фаолият бўйича шартномаларида Рўйхатдаги, Санкциялар рўйхатидаги ёки ФАТФнинг қора рўйхатидаги мамлакатлар аниқланмаган ҳолларда ҳамда ҳисобвараққа нақд хорижий валюта кирими режалаштирилган бўлса, бундай кирим операцияси мувофиқ бўлган ҳолларда очилади;

юрidik шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга, фақат уларнинг резидентлиги бўйича тегишли маълумотнома (*солиқ органи томонидан берилади*) мавжуд бўлган ҳолларда ёки уларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон ҳудудида бўлган ҳолларда ҳисобварақ очилади;

ҳисобварақ фақат миждоз ва унга алоқадор шахслар (*жисмоний шахслар ишончнома берган жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг бошқарувчи/таъсисчи/акциядорлари ҳамда бенефицир мулкдори*) Рўйхат, Санкциялар рўйхати ва юқори мансабдор шахслар рўйхати билан солиштирилгандан сўнг очилади;

Рўйхат, Санкциялар рўйхати ва юқори мансабдор шахслар рўйхати билан тўлиқ мос келган шахсларга ҳисобварақ очилмайди;

мижозларга ҳисобварақлар, агар улар билан режалаштирилган муносабатларда “ўрта” ёки “юқори” таваккалчилик даражаси белгиланиши лозим бўлган аломат/мезонлари ва таваккалчилик индикаторлари мавжуд бўлмаса, мазкур қоидаларнинг 3.3-бўлимида келтирилган талаблар бўйича лозим даражада текширишнинг одатий чора-тадбирлари бажарилгандан сўнг ҳисобрақам очилади;

мижозларга ҳисобварақ, агар улар билан режалаштирилган муносабатларда “ўрта” ёки “юқори” таваккалчилик даражалари белгиланганиши бўлса 3.5-бўлимида келтирилган талаблар бўйича лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари бажарилгандан сўнг ҳисобрақам очилади;

агар мижоз Рўйхат ёки Санкциялар рўйхати билан тўлиқ мос келса, унга ҳисобрақам очиш тақиқланади (*ҳисобрақам учинчи томонлар воситасида очилган бўлса, банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартномани тузиш тақиқланади*);

агар мижоз ёки унинг томонларидан бири (*жисмоний шахснинг ишончнома орқали мурожаат қилаётган вакили, юридик шахснинг бошқарувчилари, таъсисчилари ёки бенефициар мулкдори*) ФАТФнинг қора рўйхатидаги давлатлари билан боғлиқ бўлса (*турган, яшаётган ёки рўйхатдан ўтган бўлса*), унга ҳисобрақам очиш тақиқланади (*ҳисобрақам мазкур қоидаларнинг 3.3-бўлимида келтирилган тартибда учинчи томонлар функциялари орқали очилган бўлса, банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартномани тузиш тақиқланади*);

агар мижоз Юқори мансабдор шахслар билан тўлиқ мос келса, унга ички назорат хизмати томонидан “юқори” таваккалчилик даражаси белгиланади ҳамда мижозга ҳисобварақ фақат Бошқарув раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари томонидан рухсат этилгандан кейин очилади;

агар мижоз мазкур бандда келтирилган солиштириш (*pre-screening*) жараёнида Рўйхат, Санкциялар рўйхати, юқори мансабдор шахслар рўйхати, ФАТФнинг қора рўйхатидаги мамлакатлар билан тўлиқ мос келмаса (*тўлиқ эмаслиги аниқ бўлса*) ҳамда ички назорат хизмати томонидан дастурий усулда (*“Внутренний контроль” модули воситасида*) маъқулланса, Банкнинг таркибий бўлинмалари ҳисобварақ очиш жараёнини давом эттиришлари мумкин;

мазкур шартлар Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ходимлари (*бош банкда муносабатларни ўрнатилиш ташаббусини кўрсатган департаментлар, филиал/БХО/БХМларда фронт-офис ёки сотилиш бўйича масъул бўлинмалар*) томонидан мижозлар билан муносабатларга киришиш жараёни тугашидан олдин амалга оширилиши керак.

28. Мижозни хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш жараёнида, яъни олдиндан текшириш босқичида, мижозга мазкур қоидаларнинг 1-иловада келтирилган мезон, тоифа ёки аломатлардан бири тўғри келса, бундай мижозлар зудлик билан “юқори” таваккалчилик тоифасига киритилиши, уларга нисбатан мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўлланиши лозим. Норезидент жисмоний шахсларга ҳисобрақамлар 33-иловада келтирилган қоидалар асосида очилади.

29. Мижозни хизмат кўрсатиш учун қабул қилишда, мижоз тақдим этган маълумотларнинг етарлилигига, тақдим этилган ҳужжатлар мувофиқлиги, Таваккалчиликлар методологиясида келтирилган риск индикаторлари асосида “ўрта” ёки “юқори” даражадаги таваккалчилик тоифаси белгиланиши мумкин (*банкнинг ходимларида мижозни хизмат кўрсатиш учун қабул қилиш ёки операцияни амалга ошириш жисмоний фаолиядан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга йўналтирилганлиги бўйича шубҳа пайдо бўлганда*).

30. Бундай ҳолатларда Банкнинг таркибий бўлинмалари ҳолатни ички назорат хизматига ҳолат аниқланган пайтдан эътиборан 5 дақиқа ичида телефон орқали хабар қилиши, 1 соат ичида хизмат ёзишмаси орқали билдириши лозим.

31. Банкнинг таркибий бўлиналари (*жумладан ички назорат хизмати*), агар миқозга у билан муносабатга киришдан олдин “юқори” таваккалчилик даражаси белгиланган бўлса, миқозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини ва комплекс таҳлилни миқоз билан муносабатга киришишдан ёки ҳисобварақ очишдан олдин амалга оширишлари керак.

32. Банкнинг таркибий бўлиналари миқозларни хизмат кўрсатиш учун қабул қилишда қуйидаги кетма-кет жараёнларни амалга оширишлари шарт:

Агар миқоз юқори мансабдор шахс (*шунингдек унга алоқадор шахс ёки яқин қариндоши бўлса*), 2-иловада келтирилган Юқори мансабдорни тасдиқлаш шаклини тўлдириш ҳамда ички назорат хизматига тўлдирилган шаклни бундай миқоз аниқланган пайтдан бошлаб 30 дақиқа ичида маълумлаш ва Бошқарувда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

норезидент жисмоний шахслар учун ички назорат хизмати тасдиқлаган барча ҳужжатлар ҳамда электрон жадвалларни тўлдирилган ҳолда тақдим этиш.

33. Жиноий гуруҳ аломати мавжуд бўлган ёки шундай гуруҳлар эканлиги тасдиқланган миқозлар (*қурол ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар, оммавий қирғин қуроли билан боғлиқ миқозлар, таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этувчилар, наркотик воситалар ишлаб чиқарувчилари ёки сотувчилари, ҳатто тиббий йўналишида бўлса ҳам*) билан муносабатга киришиш таъқиқланади.

34. Мазкур бўлимда кўрсатилган шартлар бўлмаган ҳолларда, Банкнинг таркибий бўлиналари ва ходимлари миқозга ҳисобварақ очишни давом эттириши мумкин.

Комплаенс-назорат департаменти миқозларга профил (шахсий ҳисобварақ) ҳамда ҳисобрақамлар очилишида дастурий ёки бевосита тарзда иштирок этиш ва мазкур жараёнларни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

3.3. Миқозларни лозим даражада текширишнинг одатий чора-тадбирлари

35. Бош банк таркибий бўлиналари ва қуйи таркибий бўлиналардаги барча бевосита миқозларга хизмат кўрсатувчи ходимлари томонидан миқозларни лозим даражада текшириш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

35.1. Миқознинг шахсини текшириш ва идентификация қилиш (*мазкур қоидаларнинг 3, 4 ва 5-иловаларига мувофиқ маълумотлар киритилган электрон идентификация сўровнома ИНДМнинг “Идентификация клиентов” бўлимида электрон тарзда ҳисоби юрийтилади, АБТнинг мос бўлимида Банкнинг таркибий бўлиналари томонидан тўлиқ қўлда ёки қисман автоматлаштирилган ҳолда тўлдирилади*);

35.2. миқоз номидан иш кўраётган шахсни идентификация қилиш, шахсини ва ваколатларини тегishли ҳужжатлар (*юридик шахсларда юқори бошқарув органи қарори ҳамда буйруқлар, жисмоний шахсларда нотариал тасдиқланган ишончнома*) асосида текшириш, бунда шахси ва ваколати тўғрисидаги маълумотлар идентификация анкетасининг “қўшимча маълумотлар” қисмига миқоз биоан муносабатга киришиш бўйича масъул бўлган ходим томонидан муносабатга киришишдан олдин киритилади, мазкур қоидаларнинг 3, 4 ва 5-иловаларига мувофиқ маълумотлар киритилган электрон идентификация сўровнома миқозлар вакиллари бўйича ҳам киритилади, 6 ва 7-иловалардаги сўровномалар ёки очиқ манбалар орқали аниқланади;

35.3. миқознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш 3, 4 ва 5-иловаларига мувофиқ маълумотлар киритилган электрон идентификация сўровномада тегishли жойга киритилади, 6 ва 7-иловалардаги сўровномалар ҳамда очиқ манбалар орқали аниқланади;

35.4. 6 ва 7-иловага асосан ўрнатилган иш муносабатлари ёки ўтказилиши режалаштирилаётган операцияларнинг мақсади ва характерини ўрганиш;

35.5. мазкур қоидаларнинг 8-иловага мувофиқ, миқоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай миқоз ва унинг фаолияти, таваккалчилик хусусияти, шу жумладан зарур бўлганда маблағлар манбаси тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Фронт-офис ходимлари учун маблағлар манбаларини ўрганиш учун лозим бўлган ҳужжатлар асосан 15 ва 16-иловада келтирилган талабларни ўз ичига олади, бироқ булар билан чекланмайди.

36. Маблағлар манбасини ўрганишда ва миқоздан ёзма маълумот ёки тасдиқланган ҳужжат сифатида талаб қилишда айнан БХМнинг 500 баробарига тенг ёки ундан ошган миқдордаги нақд пул маблағларига асосий эътибор қаратилади (*агар банкнинг фармойишлари, тартиблари ва бошқа ички ҳужжатлари билан алоҳида қоидалар белгиланмаган бўлса*), бироқ миқознинг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда (*таваккалчилик индикаторларига кўра*), банк ходимлари томонидан кичикроқ миқдордаги нақд операциялар бўйича ҳам маблағлар манбаси сўралиши мумкин.

Мазкур банд талаблари фронт ва бэк-офисларнинг ички назорат хизмати ходимлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатларидан келиб чиқади, аммо асосий маълумотлар фронт-офис ходимлари томонидан миқоздан, махсус сўровнома ва базалар орқали ёки миқознинг ҳужжатларидаги маълумотлардан келиб чиқиб олинади.

Бош банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан банкнинг вендорлар, акциядорлар, инвесторлар, банклар, халқаро пул ўтказмалари тизимлари ва бошқа ҳамкорлари билан муносабат ўрнатилишида, мазкур қоидаларда келтирилган муддатлар ва талаблар доирасида ташаббускор бўлинма томонидан миқозларни лозим даражада текиштириш амалга оширилади (*масалан, халқаро молия институтлари бўйича маъмул департамент, халқаро пул ўтказмалари билан ишлайдиган департамент ва ҳоказо*).

37. Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат хизмати ходимлари бенефициар мулкдорнинг юқори мансабдор шахс эканлигини аниқлаш мақсадида, таваккалчиликларни бошқариш тизимларидан (World-Check) ёки ИНДМдан фойдаланишлари шарт (махсус сўровномаларда миқоз томонидан кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар) ва миқозни лозим даражада текшириш бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, миқоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга нисбатан 11, 12, 13, 14 да келтирилган чора-тадбирларни қўллашлари шарт.

38. Миқозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда Бош банк ва қўйи таркибий бўлинмалар ходимлари (асосан фронт-офис ёки Бош банк таркибий бўлинмалари), тўлов агентлари ва тўлов субагентлари (агентлик ва / ёки субагентлик шартномасида кўрсатиладиган талаблар доирасида) бу ҳақда ички назорат хизматига хабар бериши (хизмат ёзишмаси орқали) ва бундай миқоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришиш ёки бундай миқознинг операцияларини амалга оширишдан воз кечиши ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

Бунда лозим даражада текшириш имконияти мавжуд эмаслиги деганда, мазкур қоидалар талаблари бўйича миқоздан сўралган маълумот/ҳужжатларнинг умуман тақдим қилинмаслиги ёки банк ходимлари томонидан мустақил олинган маълумотлар миқоз тақдим қилган маълумотларга/ҳужжатларга тўғри келмаслиги, бир вақтда операцияни бажаришни сўралиши аммо маълумотлар/ҳужжатлар асоссиз кечиктирилиши, шунингдек атайлаб нотўғри ёки ҳақиқийлигига шубҳа туғиладиган маълумотлар/ҳужжатлар тақдим этилиши назарда тутилади, жумладан 6 ва 7-иловалардаги ҳамда маблағлар манбаси бўйича маълумот/ҳужжатлар ҳам.

39. Банкнинг таркибий бўлинмалари мавжуд миқозларга нисбатан уларнинг аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўриши ва тегишли вақтда бундай мавжуд муносабатларни лозим даражада текширишни, бундай текширишлар қачон ўтказилганлиги ва умуман ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини ҳамда олинган маълумотларни етарличилигини ҳисобга олган ҳолда ўтказишлари керак.

Банкнинг таркибий бўлинмалари юридик ва жисмоний шахслар бўлган барча мижозлар билан муносабатга киришишдан (шартнома тузилиши ёки ҳисобрақам очилиши) олдин лозим даражада текшириш бўйича махсус сўровномаларни мижозлар тўлдиришини, мазкур сўровномадан электрон сканер нусха олиб, АБТдаги мижоз профилига электрон юкланишини, шунингдек мазкур сўровномадан келгусида мижоз фаолиятини (операцияларини) баҳолашда фойдаланиши лозим, бундай талаб омонат ҳисобрақами очилишидаги, иш ҳақи лойиҳаси бўйича банк картаси очилишидаги, бир марталик операциялар учун техник ҳисобрақам очилишидаги ҳолатлар бундан мустасно.

Сўровнома бўйича Рўйхат, Санкция рўйхатларида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича, шунингдек юқори мансабдор шахс эмаслиги бўйича тасдиқлар мавжуд бўлса, ҳисобрақам очиш ва мижоз билан муносабатга киришишни давом эттириш мумкин.

Рўйхат, санкциялар ёки юқори мансабдор шахслар ҳамда ФАТФ қора рўйхатидаги давлатлар билан боғлиқ мижозлар аниқланиши, (жумладан юқори мансабдор шахслар билан боғлиқ шахслар ва уларнинг яқин қариндоши) рўйхатида эканлиги (учала ҳолатдан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжудлиги) ҳисобрақам очиш ва муносабатга киришишни тўхтатишга сабаб бўлади.

3.4. Учинчи томон мижозларни лозим даражада текширишнинг одатий чора-тадбирларини амалга ошириш ("Customer Due Diligence" – CDD)

40. Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида масофадан банк ҳисобварагини очиш учун ариза билан мурожаат қилганда, мазкур Қоидаларнинг 3.3-бўлимида келтирилган мижозни лозим даражада текшириш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар Давлат хизматлари марказлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилиши ва Банкнинг таркибий бўлинмалари қўрилган чора-тадбирларнинг натижаларига ишониши мумкин.

Бунда Банкнинг таркибий бўлинмалари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлишига;

рўйхатдан ўтказувчи органнинг мижозларни лозим даражада текшириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилинишига ишонч ҳосил қилиши керак.

Мазкур қоидаларнинг 3.1, 3.2 ва 3.3-бўлимлари кўрсатилган талаблардан бири бажарилмаган тақдирда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлари Банкнинг таркибий бўлинмалари масъул ходимлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилганда, Банкнинг таркибий бўлинмалари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади. Бунда банк ҳисобварағи шартномаси ва офертасида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар Банк томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилади (намунавий шартнома ва оферталарга киритилиши лозим бўлган қўшимчалар ички назорат хизмати томонидан).

41. Банкнинг таркибий бўлинмалари мазкур Қоидаларнинг қоидаларнинг 3.1-бўлимида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги

жавобгарлик Банкнинг таркибий бўлинмалари зиммасида қолади. Бунда Банкнинг таркибий бўлинмалари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлари юзасидан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий ички назорат қоидалари ва мазкур Қоидалар асосида ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Банкнинг таркибий бўлинмалари мазкур банднинг иккинчи-тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган тадбирлардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши керак.

Банк ва унинг таркибий бўлинмалари (жумладан филиал ёки банк хизматлари марказлари/офислари) мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисида ўз таваккалчиликлардан келиб чиқиб, мустақил равишда қарор қабул қилади (қарор бўлинма раҳбари томонидан лозим даражада текширишнинг оддий ва кучайтирилган чора-тадбирлари натижаларини инобатга олган ҳолда қабул қилинади) ҳамда мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.

Банкнинг таркибий бўлинмалари шартномада ва (ёки) шартнома офертасида банк томонидан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим (шартнома ёки оферталар намуналарини ишлаб чиқишга масъул бўлган бўлинмалар томонидан назорат қилинади).

3.5. Мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари (“Enhanced Due Diligence” – EDD)

42. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга ошириладиган операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат хизмати ушбу мижозга нисбатан 10-иловада келтирилган лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари шарт:

Мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини, мижоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ҳамда маблағлар манбаларини ўрганиш имкони бўлмаган тақдирда, Банкнинг таркибий бўлинмалари ички назорат хизматига бу ҳақда ёзма хабар (мижознинг маълумотлари кўрсатилган билдиришнома таркибий бўлинма раҳбари ва ички назорат хизматига берилади, мижоз маълумотлари ва ҳужжатлари илова қилинади) тақдим этиши, бундай мижоз билан амалий иш муносабатларига киришиш ёки бундай мижознинг операцияларини амалга оширишни рад этиши керак.

Оффшор ҳудудлар билан боғлиқ мижозлар ёки уларнинг операциялари аниқланганда, 31-иловада келтирилган қоидалар бўйича чоралар кўрилади.

3.6. Мижоз ва унинг томонларини идентификация қилиш (“Know Your Customer” – KYC)

43. Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 3, 4, 5, 6 ва 7-иловаларида кўзда тутилган сўровномалар маълумотлари асосида, шунингдек таъсис ҳужжатлари, паспорт маълумотлари, операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

Мижозлар билан мулоқот фақатгина миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлар (жамғарма касса ходимлари, бухгалтерия ҳисоби бўлими масъул иждочилари, конверсион, ташқи иктисодий фаолият, кредит бўлимилари ходимлари ва бошқалар) томонидан амалга оширилади.

Бироқ, миждоз билан муносабатларга киришишни ёки миждознинг жорий ва режалаштирилган операцияларни рад этиш, шунингдек миждоз билан шартномавий муносабатларни тугатиш ҳолатларида, фақат қайси қонунчилик ҳужжатлари ҳамда банкнинг ички ҳужжатларига асосан ҳолат юзага келганлиги бўйича миждозга маълумот бериш мақсадида, ички назорат хизмати ходимлари банкнинг таркибий бўлимилари ходимларидан (асосан раҳбар ёки унинг ўринбосаридан бири) бири иштироки таъминланган ҳолдагина миждоз билан муносабатга киришиши мумкин.

Ички назорат хизмати ходимлари миждозни лозим даражада ўрганиш учун керакли қўшимча маълумотларни фақатгина ушбу миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлар орқали ёки дастурий жиҳатдан ўрнатилган ҳолларда, миждознинг ўзидан масофавий хизматдаги мулоқот каналлари ҳамда электрон почта воситасида олади.

Барча миждозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган миждозлар бундан мустасно) бўйича идентификация анкеталари ИНДМ ёрдамида электрон шаклда тўлдирилади. Гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган миждозлар бўйича анкеталар реестри ИНДМда ва алоҳида электрон шаклда юритилади.

Мижоз анкетасида, бевосита бенефициар мулкдор ва маблағлар манбасини аниқлаш ҳамда комплекс таҳлил давомидаги бошқа маълумотлар қўшимча тарзда киритилиши мумкин.

Электрон шаклда тўлдирилган миждоз анкетаси қозғош шаклида чиқарилганда (давлат органларига тақдим этиш мақсадида ёки банкнинг ички хизмат текширувлари ва ўрганишлари давомида) филиал бош бухгалтери, у бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари ва ички назорат хизмати ходими томонидан тасдиқланади.

Ички назорат хизмати ходимлари қуйи таркибий бўлимиларда миждозлар бўйича анкеталарнинг белгиланган тартибда тўлдирилишини назорат қилиб боради.

44. Жисмоний шахсларга нисбатан – миждозларни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) ёки миждознинг биометрик маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда Банкнинг таркибий бўлимилари жисмоний шахс-миждоз идентификациясини амалга оширишда:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат) асосида амалга оширилганда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши;

биометрик маълумотлар асосида амалга оширилганда эса ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим.

45. Юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганда, Банкнинг таркибий бўлимилари улардан қуйидагиларни олишлари лозим:

юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлари;

юридик шахсларнинг раҳбарлари тўғрисидаги ҳамда таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар.

Мазкур маълумотлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими орқали олиниши мумкин, бироқ ушбу тизимдан маълумотларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар бевосита миждозни ўзидан олинади.

Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида Банкнинг таркибий бўлинмалари пировард натижада миждознинг мулкдори бўлган ёки миждозни назорат қилувчи миждознинг бенефициар мулкдори – жисмоний шахсни идентификация қилиши, ишончли манбадан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан қуйида келтирилган маълумотларни ўрганиш орқали, бенефициар мулкдорнинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни қўриши керак (бунда пировард натижада бенефициар мулкдор бўлган жисмоний шахсларни аниқлаш мақсадида, дастлаб барча корхонага эгалик қилувчи жисмоний шахслар улушлари аниқланади, яъни юридик шахс таъсисчиси юридик шахс бўлса, жисмоний шахсга таъсисчи/бошқарувчилар чекланмаган ҳолда аниқланади):

миждознинг мулк ва бошқарув тузилмаси;

миждознинг таъсисчилари (жамият акцияларининг/улушларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари/иштирокчилари) тўғрисидаги;

пировардида юридик шахсга эгалик қилувчи жисмоний шахс (лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотлари;

агар қўрилган чоралар бўйича назорат қилувчи улушга эга бўлган шахс бенефициар мулкдор эканлигига шубҳа туғилса ёки улушга бўлган мулк ҳуқуқи бошқарувини амалга оширувчи шахслар бўлмаса, юридик шахс устидан назоратни бошқа усуллар билан амалга ошираётган шахс(лар)нинг (агар мавжуд бўлса) шахсий маълумотлари.

Бунда, акциядорлик жамияти бўлмаган юридик шахсларнинг барча таъсисчилари – жисмоний шахслар, акциядорлик жамиятларининг камида ўн фоиз улушга эга акциядорлари/иштирокчилари (жисмоний шахсларга) идентификация қилиниши шарт, яъни акциядорлик жамиятининг таъсисчиси бўлган:

жисмоний шахс камида ўн фоиз акцияга/улушга эга бўлса;

акциядорлик жамияти қуйи жамиятнинг камида ўн фоиз акцияга/улушга эга бўлса;

акциядорлик жамияти бўлмаган юридик шахс бўлса, унда мазкур банднинг талаблари асосида лозим даражада ўрганилиши керак.

Чел эл корхоналари, хорижий корхоналар, чет элдаги юридик шахсларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда доимий муассасалари бўйича лозим даражада текшириш бўйича бошқа корхоналар билан бир хил чора-тадбирлар қўлланилади, мазкур корхоналарга ҳисобрақам очилишида таъсисчилар бўлган жисмоний шахсларнинг маълумотларини олиш имконияти мавжуд бўлмаса (миждоз тақдим этмаса ёки очик манбалардан ўрганиш имконияти бўлмаса), бундай миждоз билан муносабатга кирилиш таъқиқланади.

Чет эл корхоналари, хорижий корхоналар, чет элдаги юридик шахсларнинг ваколатхоналари ҳамда доимий муассасаларининг таъсисчилари / акциядорлари / иштирокчилари мазкур бандда келтирилган талаблар асосида лозим даражада текширилади.

Мазкур Қондалар тасдиқлангунга қадар шартномалар тузилган юридик шахслар бўлган миждозлар бўйича, Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан қўрилган тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, таркибий бўлинмалар юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсни идентификация қилиши ва унинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни қўриши керак.

Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан қўрилган тегишли чоралар бенефициар мулкдорни аниқлаш имконини бермаса, таркибий бўлинмалар юқори раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахсни идентификация қилиши ва унинг шахсини текшириш юзасидан ўринли чораларни қўриши керак.

Агар миждоз ёки миждознинг бенефициар мулкдори мулкчилик таркиби тўғрисида маълумотни ошкор қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (жамият акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди (бундай миждоз бўйича у рўйхатдан ўтказилган давлат органи томонидан тақдим этиладиган махсус маълумотнома миждознинг ҳужжатларига қўшиб тикиб қўйилади).

46. Банкнинг таркибий бўлинмалари барча бевосита миждозларга хизмат кўрсатувчи ходимлари юридик шахс – миждозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим;

миждознинг таъсисчилари / акциядорлари / иштирокчилари (капиталидаги) таркибига ва уларнинг шахсларини аниқлашга;

миждоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

миждоз устав фонди (капитали/акциядорлик капитали)нинг рўйхатга олинган ва тўланган миқдори.

47. Юридик шахсни ташкил этмаган ҳет эл тузилмаларига нисбатан ушбу Қоидалар билан юридик шахслар учун ўрнатилган талаблар қўлланилади.

48. Миждозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар тақдим этилган санада амалда бўлиши керак. Миждоз томонидан тақдим этиладиган ёки очик манбалардан олинган маълумотлар, улар олинганидан кўпи билан 6 ҳафта муддат оралиғида тасдиқланган ёки базадан юкланган бўлиши керак.

49. Миждозлардан олинган ахборотлар (ҳужжатлар) ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда, Банкнинг таркибий бўлинмалари ушбу ахборотларни (ҳужжатларни) текшириш (верификациялаш) бўйича чораларни кўришлари лозим. Бундай ҳолатларда, Банкнинг таркибий бўлинмалари тегишли ташкилотларга миждозлар ҳақидаги ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш учун мурожаат қилиши ёки ишончли очик маълумотлар (давлат базалари ва реестрлари) асосида қўшимча тасдиқлашни амалга ошириши мумкин.

50. Юридик шахслар бўлган миждозларни (ёки якка тартибдаги тадбиркорларни) ҳамда уларга боғлиқ бўлган жисмоний шахсларни лозим даражада текшириш мақсадида, Банкнинг таркибий бўлинмалари юридик шахсларнинг тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахслари томонидан тўлдириладиган, Банк бошқаруви (ранс ёки унинг тегишли ўринбосари) томонидан тасдиқланадиган махсус сўровномани ва юридик шахслар билан боғлиқ жисмоний шахслардан биометрик маълумотлар асосида идентификациядан / верификациядан / авторизациядан ўтишни талаб қилиш ҳуқуқига эгалар, бундай ҳолатларда юридик шахсларнинг таъсисчилари (акциядорлари) масофадан идентификация қилиниши мумкин.

Юридик шахслар ёки ЯТТлар учун хорижий валютада 33-илова талабларига асосан ҳисобракам очилади.

3.7. Норезидент-банклар бўйича лозим даражада текшириш ҳамда унинг қучайтирилган чора тадбирлари

51. Норезидент-банк билан ҳисоб варақ очган ҳолда вакиллик муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида норезидент-банкни идентификациялашдан ташқари Банк қуйидагиларни амалга ошириши керак:

норезидент-банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш (очик манбалардаги ва норезидент-банк тақдим этган маълумотлар асосида вакиллик муносабатларини бошқариш бўйича масъул бўлган Банкнинг таркибий бўлинмаси томонидан ички назорат хизмати тақдим этилади);

очик маълумотлар асосида норезидент-банкнинг обрўсини ва назорат сифатини, шу жумладан, ушбу банкка нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроли тарқатишини молиялаштиришга оид қондабузарликлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган ёки борилмаганлигини ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан унга нисбатан чоралар кўрилганини аниқлаш (очик манбалардаги маълумотлар ва норезидент-банк тақдим этган маълумотлар асосида вакиллик муносабатларини бошқариш бўйича масъул бўлган Банкнинг таркибий бўлинмаси томонидан ички назорат хизмати тақдим этилади);

норезидент банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича кўриладиган чора-тадбирларни баҳолаш (ички назорат хизмати томонидан Банкнинг таркибий бўлинмалари тақдим этган маълумотлар ва

Wolfsberg AML Questionnaire ёки ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилган рус тилидаги сўровнома асосида, шунингдек таваккалчиликларни баҳолаш асосида тақдим этилади);

“транзит ҳисобварақлар”га нисбатан – банк-респондент банк-корреспондентдаги ҳисобварақлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга ўз мижозини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрганлиги, шунингдек мижоз тўғрисида зарур бўлган идентификация натижасида олинган маълумотларни банк-корреспондентнинг сўровига асосан тақдим қилиш имкони мавжудлиги бўйича тегишли тасдиқни олиш (Wolfsberg AML Questionnaire ёки ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилган рус тилидаги сўровнома асосида аниқланади ҳамда ички назорат хизмати томонидан Банкнинг таркибий бўлинмаси орқали корреспондент банкдан тасдиқнома олинади);

транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш (Банкнинг масъул таркибий бўлинмаси томонидан техник имконияти яратилиши лозим);

корреспондентлар ўртасида мажбуриятларнинг аниқ ва тўлиқ тақсимланишини таъминлаш (корреспондентлик муносабатлари бўйича мақсадлар, “транзит ҳисобварақлари ишлатилиши”, маълумотларнинг сақлаб борилиши мажбурияти, маълумотлар сўровга асосан тақдим этилиши мажбурияти каби мазкур банддан келиб чиқувчи талаблар корреспондент банк билан тузилган шартномага киритилиши Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан таъминланиши лозим).

Норезидент-банклар билан ҳисоб варақ очган ҳолда вакиллик муносабатларини ўрнатилганда Халқаро молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаш департаменти бу ҳақда Банк Ички назорат хизматига маълум қилиши ҳамда вакиллик муносабатлари ўрнатилган норезидент банклардан 21-иловага мувофиқ тасдиқланган маълумотларини олиши, шунингдек мазкур бандда келтирилган тасдиқномаларни олиши ёки халқаро талабларга жавоб берувчи “Wolfsberg Group Questionnaire” анкетасини олиши лозим.

Норезидент-банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қарор Банк бошқаруви томонидан қабул қилинади.

Банк транзит молиявий муассаса сифатида фаолият юритган ҳолда, ёки транзит молиявий муассаса билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатаётган/ўрнатган бўлса, техник чекловлар халқаро электрон ўтказма бўйича ички электрон пул ўтказмага боғланган жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги талаб қилинаётган маълумотнинг сақланишига тўсқинлик қилган ҳолларда, жўнатувчи молиявий муассасадан ёки бошқа транзит молиявий муассасадан олинган барча маълумотлар бўйича ёзувларни беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари керак (мазкур мажбурият шартномада ҳам кўрсатилиши лозим).

52. Банкнинг таркибий бўлинмалари вакиллик муносабатлари ўрнатилаётган норезидент-банклар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар қўлланилаётганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши керак (вакиллик муносабатларини ўрнатишдан олдин, Wolfsberg AML Questionnaire ёки бошқа сўровномалар асосида).

53. Банкнинг таркибий бўлинмалари, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар ҳудудида жойлашган норезидент-банклар ёки уларнинг шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари билан вакиллик муносабатларини давом эттириш жараёнида Банк улар билан амалга оширилаётган барча операцияларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

54. Банкнинг таркибий бўлинмалари (фаолият йўналиши корреспондентлик алоқалари билан боғлиқ бўлимлар):

рўйхатдан ўтган давлатларининг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган банклар томонидан ҳисобварақлари фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган норезидент-банклар билан муносабатлар ўрнатмаслиги шарт;

ҳалқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк-корреспондентлар билан ўзаро алмашиши мумкин;

жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратиши ва батафсил таҳлил қилиши лозим;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда жойлашган Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, таркибий бўлинмалари ва ваколатхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириши керак.

Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, таркибий бўлинмалари ва ваколатхоналарида улар жойлашган мамлакатлар қонун ҳужжатларида тақиқ мавжудлиги сабабли, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли чораларни кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, бундай таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан, Бош Банкка ахборот берилишини талаб қилинади.

Ўз навбатида ички назорат хизмати бу ҳақда Марказий банкка ва махсус ваколатли давлат органига хабар бериши ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш бўйича тегишли қўшимча чораларни кўриши шарт.

Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, таркибий бўлинмалари ва ваколатхоналари фаолияти доирасида, агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида Банк ички қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур Қоидаларда келтирилган талабларга риоя қилишлари керак.

Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, таркибий бўлинмалари ва ваколатхоналарида ўзлари жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидаларга асосан, ички назоратни амалга ошириш фаолияти уларнинг раҳбарлари ёки Банк раҳбарияти (Кузатув кенгаши ва Бошқарув) ваколат берган бошқа ходимлар томонидан олиб борилади.

3.8. Халқаро пул ўтказмалари ва ички ўтказмалар бўйича лозим даражада текшириш чора-тадбирлари

55. Банк халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича хизматларни кўрсатувчи компаниялар (бундан буён матнда халқаро пул ўтказмалари тизимлари деб юритилади) билан муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида, банкнинг шу турдаги муносабатлар бўйича масъул таркибий бўлинмаси бундай ташкилотларни қоидаларнинг 21-иловада келтирилган ёки Халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи анкета (Wolfsberg AML Questionnaire) шаклида идентификациялаши лозим. Бундан ташқари қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

халқаро пул ўтказмалари бўйича халқаро пул ўтказмалари тизимлари иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;

очиқ маълумотлар асосида ташкилотнинг обрўсини, жумладан, ушбу ташкилотга нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид камчиликлар юзасидан тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;

электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан иш муносабатлари Банк бошқаруви қарорига асосан ўрнатилади.

56. Банкнинг халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича масъул бўлинмаси:

бундай хизматларни кўрсатувчи бўлинмалари (тўлов агентлари, тўлов субагентлари, шохобча, бўлим ва шу кабилар) ва ушбу бўлинмалар ходимларининг ҳисобини юритиши;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоригача бўлган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи); агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилишлари;

норезидент-банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёки миқдорнинг идентификация рақами ёки жисмоний шахслар учун туғилган санаси ва жойи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилишини талаб қилиши шарт.

Банк норезидент-вакил банклардан ва халқаро пул ўтказмалари тизимларидан улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ пул маблағларини жўнатувчилари ва қабул қилувчилари ҳақидаги қўшимча маълумотларни уч иш куни давомида олиш имкониятига эга бўлишлари керак (мазкур жиҳат барча пул ўтказмалари тизимлари билан тузилган/тузиладиган шартномаларга ва келишувларга киритилиши шарт).

Бундай имконият мавжуд бўлмаганда, тижорат банклари бундай халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан шартномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

Банкнинг халқаро пул ўтказмалари тизимлари бўйича масъул бўлинмаси, шунингдек, Банк ва бундай тизимлар ўртасида тузилган шартномаларда ёки уларга киритиладиган ўзгаришларда Миллий ички назорат Қоидалари (38- ва 38¹-бандлари) ҳамда мазкур банд талаблари киритилишини таъминлаши шарт (талабларнинг шартномаларга киритиладиган матни бўлинманинг хизмат ёзишмаси орқали сўралганда, ички назорат хизмати томонидан тақдим этилади).

Ўзбекистон республикаси ичида ва халқаро даражада нақд ёки нақдсиз пул ўтказмалари билан боғлиқ хизматларнинг янги турлари жорий қилинишидан олдин, бундай хизматларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликлар ички назорат хизмати томонидан баҳоланиши учун Банкнинг айнан шу янги хизмат турини жорий қилиш бўйича масъул (ташаббускор) таркибий бўлинмаси томонидан хизмат ёзишмаси (пул ўтказмаси тизимининг имкониятлари ва шартлари кўрсатилган ҳужжатни илова қилган ҳолда) орқали Бош банк ички назоратига мурожаат қилиши лозим. Янги хизмат туридаги таваккалчиликларни баҳолаш, ва қоида тарихида (техник ёки амалий қийинчиликларсиз бўлганда) 7 иш кунидан ошмаслиги керак.

Пул ўтказмаси тизими бўйича таваккалчиликлар аниқланган ҳолда, Бош банк ички назорати томонидан ташаббускор бўлинмага таваккалчиликларни баҳолаш натижаси, хизматни жорий қилиш мумкинлиги, таваккалчиликларни камайтириш бўйича тавсия этиладиган чора-тадбирлар ва уларнинг бажарилиши муддатлари кўрсатилган маълумотнома тақдим этилади.

Пул ўтказмаси бўйича тизим, технология ёки хизмат турини жорий қилиш бўйича масъул бўлинмалар раҳбарлари жорий қилиниши режалаштирилган тизим бўйича таваккалчиликлар аниқланган тақдирда, ички назорат хизмати раҳбари билан биргаликда таваккалчиликларни камайтириш

SWIFT тизими орқали банк ўтказмаларини, шу жумладан омонат ёки банк картаси ҳисобрақами орқали жўнатишда, қуйи таркибий бўлинмалардаги SWIFT ўтказмалари (банк ўтказмалари) бўйича масъул ходимлари Банк миждози бўлган жўнатувчи-жисмоний шахс ҳақидаги мазкур бандда кўрсатилган маълумотларни (БХМнинг 50 баробаригача, тенг ёки ошганлигига кўра) SWIFT хабарининг тўлов мақсади (ёки қўшимча маълумотлар) қисмида акс эттириши лозим.

Шунингдек мазкур Қоидалар кучга кирган кундан эътиборан, хориждан банк ўтказмаларининг (SWIFT тизими орқали) қабул қилиниши бўйича қуйи таркибий бўлинмаларда миждозларга хизмат кўрсатишда (жумладан, SWIFT бўйича маълумот беришда ва миждоз SWIFT орқали хориждан банк картасига ёки омонат ҳисобрақамига маблағ тушишни билдирганда) қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишлари шарт:

Миждоз SWIFT ўтказмаси орқали маблағ олишни режалаштирганлигини билдирган пайтнинг ўзида, унга Банкнинг SWIFT бўйича реквизитлари билан бирга, мазкур бандда келтирилган маълумотлар юборилмаган ҳолларда, банк ўтказмалари Бош банкнинг ўтказма бўйича масъул бўлинмаси томонидан ҳисобрақамга қирим қилинмаслиги (жиддий асослар мавжуд бўлса, масалан ўтказмада бошқа камчиликлар мавжуд бўлса ўтказма келган банкка қайтариб юборилиши) мумкинлиги тўғрисида оғзаки огоҳлантириш бериш;

миждоздан банк ўтказмаси бўйича тегишли тартиб-қоидалар (эълонлар, шартнома ёки оферта шартлари) билан танишганлигини оғзаки сўраш;

жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобрақами, банк картаси, SWIFT ўтказмалари бўйича шартномалари (ёки оферталари) шунингдек, миждоз танишиши мумкин бўлган бошқа маълумотномаларда мазкур банднинг талабларини қиритиш;

жисмоний шахс ҳисобрақамига халқаро пул ўтказмаси ёки банк ўтказмаси тизими орқали келиб тушган барча ўтказмалар, бундай ўтказмаларнинг томонларидан бири ИНДМдаги блокировка тизими ҳамда SWIFT Transactions Screening тизими орқали автоматик тарзда Рўйхатлар билан солиштирилиши;

рўйхат билан минимал мослик аниқланган ҳолда, операция блокировка қилиниши;

блокировка қилинган операциялар томонлари дастлаб лозим даражада текширилиши учун банкнинг операция бўйича масъул бўлган таркибий бўлинмаси ходимлари томонидан қуйи бўлинма ички назоратига 5 дақиқада телефон орқали мурожаат қилиши;

қуйи бўлинма ички назорати томонидан тўлиқ мослик текширилиб, 10 дақиқа ичида масъул ижрозига телефон орқали хабар берилиши ва Рўйхат (ёки санкциялар) билан тўлиқ мослик аниқланган ҳоллардаги чоралар кўрилиши;

контрагент бўйича маълумот етишмаган ҳолларда, контрагентнинг шахсини тасдиқловчи (Ўзбекистон ёки хорижий давлат томонидан берилган паспорт, ID ҳужжат, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ҳарбий гувоҳномалар) ҳужжатни миждоздан сўраш;

миждоз томонидан маълумот оғзаки тақдим этилмаган ҳолларда, халқаро ва банк ўтказмасини ҳисобрақамга қирим қилиш, чиқим қисмини тўхтатиб туриш (амалга оширмаслик, фронт-офис томонидан);

мижоз томонидан маълумот оғзаки тақдим этилмаган ҳолларда, халқаро ва банк ўтказмасини ҳисобрақамга кирим қилиш, чиқим қисмини тўхтатиб туриш (амалга оширмаслик, фронт-офис томонидан);

халқаро пул ўтказмаси чиқим қисмини операциядан эртаси куни пул ўтказмалари тизимлари томонидан Бош банк ички назоратига электрон тарзда тақдим этиладиган реестрлар воситасида контрагентнинг идентификация маълумотлари Рўйхатдаги шахс билан солиштириш (қуйи бўлинма ички назорати томонидан реестр олинган вақтдан эътиборан 3 соат ичида);

тўлиқ мослик аниқланмаган ҳолларда, мижозга билдириш учун масъул ижроچига қуйи бўлинма ички назорати томонидан телефон орқали мурожаат қилиниши;

қуйи бўлинма ички назоратидан бундай мазмундаги хабар олингандан сўнг, қуйи таркибий бўлинма (фронт-офис) томонидан мижозга зудлик билан телефон орқали мурожаат қилиниши ва операция мижоз ташриф буюришига кўра давом эттирилиши (бажарилиши);

тўлиқ мослик аниқланган ҳолларда, мазкур қоидаларнинг V-бобида чоралар кўрилиши.

Банк жўнатувчи бўлган ҳолларда, пул ўтказмаси мазкур бандда белгиланган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали хизматларни кўрсатиш тақиқланади.

58. Базавий ҳисоблаш миқдорининг 36 бараварига тенг ёки ундан ошган суммадаги юборилаётган ички электрон пул ўтказмалари бўйича маълумотлар халқаро пул ўтказмалари учун қайд этилгани каби жўнатувчи тўғрисидаги идентификация жараёнида олинган маълумотларни ҳамда олувчи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак, жўнатувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумот олувчи Банк томонидан бошқа манбалар орқали олинishi мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Бу ҳолатда Банк жўнатувчи бўлган ҳолларда, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини, шунингдек ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақамини (идентификатор) қўшиб қўйиш етарли, агар ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки идентификатор операцияни жўнатувчи ёки олувчига кузатиб бориш имконини берса.

Банк базавий ҳисоблаш миқдорининг 36 бараваридан ошмаган суммадаги ички электрон пул ўтказмаларини жўнатувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда ушбу ҳисобварақнинг рақами ёки операциянинг хос рақами) маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлашлари керак.

3.9. Юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари, юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш ва улар томонидан амалга оширилаётган операцияларни чуқур мониторинг қилиш

59. Юқори мансабдор шахс билан муносабатга киришишни назорат қилиш мақсадида, Refinitive компаниясининг World-Check-One ва World-Check-Data рўйхатларидан фойдаланилади. Бироқ, самарадорликни ошириш мақсадида, мижоз билан муносабатга киришишни бошлашдан олдин ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилган, лозим даражада текшириш бўйича махсус сўровнома орқали мижознинг юқори мансабдор шахс ёки у билан боғлиқ шахс эканлиги аниқланиши мумкин.

Мижоз сўровномада юқори мансабдор шахс ёки бундай шахс билан боғлиқ эканлиги тасдиқлаган ҳолда 11, 12, 13-иловалар талаблари қўлланилади.

60. Юқори мансабдор шахс билан муносабатга киришиш бўйича ижобий қарорни қабул қилган қуйи таркибий бўлинма мижозга 13-иловада келтирилган муддатда ҳисобрақам очади, лозим даражада текширишнинг чуқурлаштирилган чора-тадбирларини қўллай бошлайди, чуқурлаштирилган чора-тадбирлар 14-иловада келтирилган.

IV. ГУМОНЛИ ВА ШУБҲАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ, ТАҚДИМ ЭТИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

4.1. Гумонли ва шубҳали операцияларни мезон ҳамда аломатлари, аниқлаш механизмлари, тақдим этиш ва расмийлаштириш қоидалари

60. Мазкур ички Қоидалардан келиб чиққан ҳолда гумонли ва шубҳали операциялар аниқланган ҳолатда маълумотларни ички назорат ходимларига маълум қилиш Банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари мажбурияти ҳисобланади.

Банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари ўзларининг фаолиятига боғлиқ равишда миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари, шунингдек маълум бўлган гумонли ва шубҳали операциялар бўйича Бош банк ички назоратига ёки қуйи бўлинма ички назоратига ёзма маълум қилишлари, дастурлашган ҳолларда АБТ орқали триггер, сигнал, аломат ҳақида электрон хабар беришлари лозим.

61. Бунда гумонли ва шубҳали операциялар аниқланган кундан эртаси иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Бош банк ички назоратига ёки қуйи бўлинма ички назоратига тақдим қилиниши шарт.

Оперативликни ошириш мақсадида, айрим мезон ва аломатлар бўйича гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар ҳақидаги маълумот, агар бундай мезон ва аломатларни автоматлаштирилган усулда аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, ички назорат хизмати томонидан бошқа бўлинмалардан сўралиши мумкин, бундай ҳолларда ходимлар ўз фаолиятлари доирасидаги миждозлар ва (ёки) операциялар бўйича маълумотларни зудлик билан тақдим этишлари лозим.

Тақдим қилиш шартлари автоматлашганлиги ёки автоматлашмаганлигига кўра тегишли қоидалар асосида амалга оширилади, бироқ автоматлаштирилган тарзда аниқланган гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда далолатнома ва реестр сифатида чоп этилиб, миждоз ёки операция бўйича масъул бўлинма раҳбари ҳамда ички назорат хизмати томонидан имзоланиб, тикиб борилиши шарт.

62. Гумонли ва шубҳали операцияларнинг айримлари АБТдаги воситаларидаги хабар бериш дастурлари (триггер, сигнал, аломат) ёрдамида фронт-офис томонидан хабар қилиниши, ўтган операцион кун учун бэк-офис томонидан таҳлил давомида аниқланиб, ички назорат хизматига хабар қилиниши, ички назорат хизмати томонидан мустақил таҳлил ИНДМдаги таҳлил дастурлари орқали аниқланиши мумкин, бунда ҳар бир мезон ёки аломат учун алоҳида қоидалар белгиланади (4-Иловада келтирилади).

63. Миждозларни идентификациялаш ва улар операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ банкининг бевосита миждозларга хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) ходимлари томонидан ўтказилади, улар шубҳали ва (ёки) гумонли аломатлари мавжуд операциялар аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда зудлик билан хабар бериши лозим.

Миждозлар операцияларининг кейинги текшируви Ички назорат хизмати ходимлари томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, миждознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Гумонли ва (ёки) шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар аниқланганда банкининг миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизматининг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан миждозга мувожаат қиладилар.

64. Операциялар 15-Иловада келтирилган гумонли мезон/аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб, мазкур иловада келтирилган шубҳали мезон/аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади.

65. Ички назорат хизмати ходимлари миждоз ва операция ҳақидаги маълумотларни ўрганадилар, тегишли маълумотларни махсус журналга ва миждоз анкетасида қайд этадилар ҳамда етарли асослар мавжуд бўлганда Ички назорат хизмати раҳбарига операцияни гумонли ёки шубҳали сифатида таснифлаш ҳақида таклиф юборадилар.

4.2. Юқори таваккалчилик даражасининг қўшимча тоифалари ҳамда гумонли ва шубҳали операциялар бўйича қўшимча мезон ёки аломатларнинг белгиланиши

66. Мазкур қоидалар билан гумонли ва шубҳали операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланади, шунингдек Марказий банк томонидан (махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда) ишлаб чиқиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган услубий қўлланмалар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни дастлабки аниқлаш индикаторлари тизimini амалга жорий қилинади.

67. Юқоридаги бандда келтирилган мақсадларда, мазкур қоидаларнинг 1-Иловасига асосан Юқори таваккалчиликка даражаси белгиланган миждозлар ҳамда операцияларнинг қўшимча тоифалари, гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларнинг қўшимча индикаторлари, аломатлари, мезонлари ёки шартлари (бундан кейинги матиларда “1-илова”) белгиланади.

68. 1-Иловада келтирилган юқори таваккалчилик тоифалари ва қўшимча гумонли/шубҳали операциялар аломат ёки мезонлари Ички назорат хизмати раҳбари ва Бошқарув раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари томонидан имзоланади ҳамда қоида тариқасида (ўзгариш ёки қўшимчалар киритилмаган, ҳеч қайси аломат/мезон бекор бўлмаган пайтларда эълон қилинмаслиги мумкин) ҳар ойнинг биринчи санасидан кечиктирмаган ҳолда банкнинг таркибий бўлинмаларига ЭҲА ва алоқа канали орқали юборилади.

69. 1-Иловада белгиланадиган барча қўшимча аломат ва мезонлар, юқори таваккалчилик турлари банкда соҳа бўйича вужудга келадиган янги заифликлар, таҳдидлар, таваккалчилик ва оқибатларни камайтириш учун мўлжалланган бўлиб, барча таркибий бўлинмалар ва ходимлар томонидан ижро қилиниши мажбурийдир.

70. 1-Иловада қўшимча аломат ва мезонлар ёки юқори таваккалчилик турлари белгиланишидан ташқари, уларнинг ижро қилиниши муддати, механизми (воситалари), вазифалар ҳамда ижро қилувчи ходимлар қадамма-қадам, тартиб билан кўрсатилади.

71. Банкнинг таркибий бўлинмаларидаги ходимлар барча мураккаб (фронт-офис миждоз ва ҳужжатлар билан ишлаш доирасида, бэк-офис таҳлил доирасида), ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

4.3. Шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва уларни МВДОга юбориш тартиби

72. Ички назорат хизмати ходимлари миждоз ва операция ҳақидаги маълумотларни ўрганадилар, тегишли маълумотларни махсус журналга ва миждоз анкетасида қайд этадилар ҳамда етарли асослар мавжуд бўлганда Ички назорат хизмати раҳбарига операцияни гумонли ёки шубҳали сифатида таснифлаш ҳақида таклиф юборадилар.

73. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда Ички назорат хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақида Банк раҳбариятига маълум қилади.

74. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган ҳоллар, Банк раҳбарияти ички назорат хизмати раҳбарининг билдиришномаси орқали банк раҳбариятига, жумладан тегишли йўналиш раҳбари бўлган раис ўринбосарига бундай ҳоллар аниқланган иш кунининг охиригача тақдим этилиши лозим.

75. Асосли шубҳалар таваккалчилик даражасини бошқариш эҳтиёжи орқали келиб чиқиши мумкин ҳамда бундай ҳолаларга банк ходимлари билан, ғайриоддик ва мураккаб схемаларга эга операциялар, мунтазам равишда шубҳали операцияларни амалга ошираётган (масалан 3 ой давомида 10 мартадан ортиқ) асос бўлиши мумкин, аммо ҳар бир ҳолат ҳақиқатда банк раҳбариятига тақдим қилиш учун жиддий асосга эгаллиги ички назорат хизматининг маслаҳатлашувлари орқали аниқланади.

76. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолатда мазкур Миллий ички назорат қоидалари ҳамда мазкур қоидалар билан белгиланган мезонлар ва аломатлардан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

77. Банкнинг таркибий бўлинмаларидан олинган хизмат ёзишмалари бўйича гумонли операциялар комплекс таҳлили доирасидаги хабарномалар бош банк томонидан шакллантирилади.

78. Қўйи бўлинмалар кун давомида гумонли ва шубҳали хабарномаларни бош банк ички назоратига тақдим этиб борадилар.

79. Кун охирида, қонда тариқасида 17.00 га қадар барча хабарномалар тўпланади. Бироқ, заруратга кўра, кун давомида бир неча марта хабарномалар қабул қилиниб, алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда текширилиши ва МВДОга юборилиши мумкин.

80. Банкнинг таркибий бўлинмалари ва қўйи бўлинма ички назорати томонидан тақдим этилган хабарномалар доирасида қатъий белгиланган талаблар, яъни ҳисобрақамлар, миқдор номи, MoneyOreg.exe дастуридаги каталоглар (мамлакатлар, ҳудудлар ва бошқа регистрлар), шунингдек операция суммаси ҳамда валютаси бўйича маълумотлар дастурий усулда келтирилган вақтгача текширилади.

81. MoneyOreg.exe дастуридаги қатъий белгиланмаган маълумотлар (контрагентлар маълумотлари, операция бўйича асос ҳужжат, операциянинг мазмуни ва қўшимча маълумотлар каби) визуал тарзда тақсимот бўйича вазифа юклатилган ходим томонидан текширилади.

82. Текширув давомида ҳатолик ёки бўш қолдирилиши мумкин бўлмаган маълумот турлари аниқланса, ҳатолик тури кўрсатилган ҳолда алоқа канали орқали тегишли қўйи бўлинма ички назоратига (ходим айрим сабабларга кўра ишда бўлмаган пайтда, бошқа қўйи бўлинма ички назоратига) хабарнома қайтарилади ҳамда телефон орқали зудлик билан хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта юбориш талаб этилади.

83. Қўйи бўлинма ички назорати томонидан ҳатоликлар 17.30 га қадар бартараф этилиб, тўғрилانган хабарнома қайта юборилиши лозим.

84. Ҳатоликлар бартараф этилган хабарномалар Махсус ваколатли органга алоқа канали орқали 18.00 га қадар юборилиши лозим.

85. Хабарномалар TG.exe дастури ёрдамида Microsoft Excel дастурига ўгирилади ҳамда қарор қабул қилиш учун ички назорат хизматига белгиланган шаклдаги қарор билан биргаликда тақдим этилади. Мазкур қарор лойиҳаси гумонли/шубҳали хабарномаларни шакллантирган ёки қўйи бўлинма ички назорати томонидан тақдим этилган хабарномаларни текширишда иштирок этган бўлинмалар ходимлари ва раҳбарлари томонидан имзоланади.

86. Қарор натижада ички назорат хизмати раҳбари томонидан имзоланади, имзоланган қарорлар ва уларнинг иловалари хронологик тартибда тикилади ва охириги мазкур қоидаларда келтирилган муддатлар давомида сақланади.

87. Миқдор операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, Ички назорат хизмати қўйидаги чораларни кўриши керак:

- шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар бериш;
- миқдор тўғрисида қўшимча маълумот олиш;
- миқдорнинг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;

мижознинг операциялари устидан мониторингни кучайтириш.

88. Шубҳали операция ҳақидаги хабар Ички назорат хизмати томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.

4.4. Нақдлаштириш ва фаолияти тури ёки тавсифига мос келмайдиган юридик шахс (ёки ЯТТ) бўлган мижозларни ҳамда уларнинг операцияларини аниқлаш, таҳлил қилиш тартиби

89. Нақдлаштириш фаолияти ёки фаолият тури тавсифи/турига номувофиқ (номувофиқ корхоналар) операцияларни аниқлаш мақсадида, ИНДМдаги автоматлаштирилган дастурлардан фойдаланилиши мумкин.

90. Номувофиқ корхоналар ва уларнинг операцияларини аниқлаш аввало режалаштирилган операциялар доирасида юридик шахслар бўйича фронт-офис, кейинги навбатда жорий ва ўтган кун учун операцияларни таҳлил қилиш дорисида юридик шахслар бўйича бэк-офис, кейинги ўринларда қўйи бўлинма ички назорати ва бош банк ички назорати вазифалари ҳисобланади.

91. Нақдлаштириш ва фаолияти тури ёки тавсифига мос келмайдиган юридик шахс (ёки ЯТТ) бўлган мижозларни ҳамда уларнинг операцияларини аниқлаш, таҳлил қилишнинг тартиби, техник ва методологик усуллари 16-иловада келтирилган.

V. РЎЙХАТДАГИ ШАХСЛАР ИШТИРОКИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА БУНДАЙ ОПЕРАЦИЯЛАР АНИҚЛАНГАНДА ҚЎРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

5.1. Операцияларни аниқлаш

92. Банкнинг таркибий бўлинмалари, шу жумладан, улар ўзининг тўлов агентлари ва (ёки) тўлов субагентлари орқали операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт. Солиштириш жараёни қўйидаги икки босқичдан иборат бўлади:

АБТ ва ИНДМдаги “Поиск подозрительных лиц” бўлимига юкланган шахслар рўйхати билан, махсус қидириш тизими орқали, барча масъул ходимлар томонидан операцияни бажаришдан ёки мижоз билан муносабатга киришишдан олдин амалга оширилади;

қидириш тизими орқали текширилмасдан ўтказилган ҳолларда ҳамда операциялар бўйича контрагентлар (жумладан хорижий контрагентлар) ИНДМдаги “Поиск подозрительных лиц” блокировка тизими орқали, техник жиҳатдан операция “Ўтказилди” (Проведён) ҳолатига ўтказилишидан олдин.

93. Мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келган тақдирда Банкнинг таркибий бўлинмалари бу операцияни кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туради (юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўяди.

94. Тўхтатиб қўйиш ва тўхтатиб туриш жараёнлари, тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки мол-мулк ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар бериш, шунингдек тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ёки тўхтатиб турилган мол-мулк бўйича русхат бериш (тиклаш) жараёнлари “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида террорчилик фаолиятида ёки оммавий

киргин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш бўйича НИЗОМ талабларига биноан амалга оширилади.

95. Тўлиқ мос келиши тушунчаси остида мижоз ёки операция иштирокчисининг идентификация маълумотлари Рўйхатда келтирилган барча тегишли маълумотлар билан аниқ ва бир хилда бўлишини англатади.

96. Қўйидаги ҳолатларда ҳам операцияни тўхтатиб туриш ва пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим:

агарда операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият қўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси - юридик шахс Рўйхатга киритилган шахснинг мулкда ёки назорат остида бўлса.

97. Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганда Банкнинг таркибий бўлинмалари ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдори қўрсатилган ҳолда бу ҳақда ички назорат хизматига шубҳали операция тўғрисида хабар юбориш лозим.

98. Мазкур йўналишдаги хабарномаларни махсус ваколатли давлат органига хабар бериш Бош банк ички назорати томонидан 3 соат ичида, бироқ ҳолат аниқланган куннинг охирига қадар, мазкур қондаларнинг 4.3-бўлими талаблари доирасида амалга оширилади.

5.2. Рўйхатга киритилган шахслар иштирокидаги операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

99. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида ёки операцияни амалга оширишда Банкнинг ходимлари томонидан мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан ва мижозни хабардор қилмасдан Ички назорат хизматига хабар берилиши керак.

100. Ўз навбатида Ички назорат хизмати қўйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:

мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдори ёки операция қатнашчиларидан бирининг шахсини имкон даражасида батафсил идентификациялаш;

қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур Қондаларда белгиланган тартибда ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган операцияни аниқлаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган операция бажарилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Банк раҳбариятига имзолаш учун фармойиш тайёрлаш ва киритиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бўлган шубҳали операция тўғрисидаги хабарни махсус ваколатли давлат органига юбориш учун тайёрлаш;

мижоз ҳақида қўшимча маълумотларни олиш (шу жумладан, фаолият тури, активлари миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар ва шу кабилар);

мижознинг пул маблағлари ёки молиявий ҳолатининг манбасини, шу жумладан, мижоздан маълумот олиш орқали аниқлаш бўйича чораларни кўриш;

операция ҳақидаги маълумотни махсус журналга киритиш.

101. Банкнинг таркибий бўлинмалари фақат мазкур бандда кўрсатилган чоралар қўлланилганидан сўнг, Рўйхатга киритилган шахсни унинг операцияси тўхтатиб турилганлиги ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида хабардор қилишга ҳақли.

102. Операция тўхтатилган тақдирда миждознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

103. Миждоз топшириғи операциялари тўхтатилган миждозларнинг топшириқлари рўйхатга олинган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек операция тикланишига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим. Операциялари тўхтатилган миждозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади. (қуйи бўлинма ички назорати томонидан махсус жилдга хабарнома берилгандан кейин 10 дақиқа ичида жойлаштирилиши лозим).

104. Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан ишга солмай тўхтатиб қўйиш Банкнинг бевосита эғалик қилаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларга нисбатан амалга оширилади.

105. Банкнинг таркибий бўлинмалари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат беришни “Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3327) ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш бўйича НИЗОМ талаблари асосида амалга оширилади.

VI. ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, БАҲОЛАШ, ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ БҲЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

6.1. Миждозлар ва уларнинг операцияларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича чора-тадбирлар

106. Банкнинг таркибий бўлинмалари таваккалчилик даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайитириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак.

107. Миждозларнинг таваккалчилик даражаси қуйи бўлинма ички назорати томонидан беш хил йўналишдаги асослар натижасида юқори даражада белгиланади.

108. Биринчи йўналишда, 22-иловадаги аломат/мезонлардан бирига ёки бир нечтасига жавоб берувчи миждознинг таваккалчилик даражаси ИНДМда ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда “юқори” белгиланиши керак (бунда фронт-офис ходимлари аломат/мезон аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қуйи бўлинма ички назоратига хизмат ёзишмаси орқали билдиришлари шарт, қуйи бўлинма ички назорати ҳам мезон/аломатни ҳисобрақам очилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан хатловдан ўтказиши лозим).

109. Иккинчи йўналишда қуйи бўлинма ички назорати, миждоз 23-иловадаги операцияларнинг бирини бажарадиган бўлса, бундай миждозни “ўрта” даражадаги

таваккалчилик тоифасига киритилиши лозим (бунда таваккалчилик даражасини белгилаш муддатлари юқоридаги банд талабларига кўра белгиланади, операциялар улар бажарилгандан эртаси иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қуйи бўлинма ички назоратига биринчи бўлиб аниқлаган бўлинма ходимлари томонидан хизмат ёзишмаси орқали маълум қилинади).

110. Учинчи йўналишда, юқоридаги бандда келтирилган операциялардан бирини ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда кетма-кет икки марта ёки иккитасини кетма-кет тарзда амалга оширган миқозлар аниқланган ҳолда, уларнинг таваккалчилик даражаси “юқори” даражада белгиланиши шарт (*муддатлар ва масъуллар юқоридаги бандда келтирилган талаблар бўйича белгиланади*).

111. Тўртинчи йўналишда миқозлар, операциялар, Банкнинг маҳсулотлари, хизматлари, технологиялари ёки амалиётларининг таваккалчиликлари баҳоланиши, СТБ ва МТБ натижалари давлат органлари томонидан эълон қилиниши ёки санаб ўтилган таваккалчиликларни баҳолаш доирасида ўзгаришлар эълон қилиниши орқали янги хатарлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, Бош банк ички назорати томонидан тегишли ёзишмалар орқали Банкнинг таркибий бўлинмалари ва қуйи бўлинма ички назорати хабар қилинади, шунингдек лозим бўлган ҳолларда, таваккалчиликни бошқариш мазмундаги Банкнинг соҳа бўйича ички ҳужжатларига тегишли муддатларда ўзгаришлар киритилади ҳамда ўн иш кунидан иборат муддатда ўзгаришлар қуйи бўлинма ички назоратига бош банк ички назорати томонидан техник ўқув (бевосита ёки онлайн) ўтказиш воситасида етказилади.

112. Юқоридаги умумий ҳолатлардан ташқари, бешинчи йўналишда миқознинг (ҳисобрақам очилиши режлаштирилган ёки ҳисобрақам очилган ва банк ҳисобварағи тўғрисидаги шартнома тузилиши режлаштирилган, шунингдек бир марталик операцияни амалга ошираётган) таваккалчилик даражаси ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган, чоп этиладиган ёки махсус дастурий воситаларга (масалан CRM ёки “Банк-миқоз” дастурий мажмуасига) интеграция қилинган махсус сўровномалар ҳамда сигнал воситалари орқали аниқланиши мумкин. Бундай сўровномалар/сигналлар фронт-офис ходимлари томонидан миқоз билан муносабат ўрнатиш давомида тақдим этилади. Миқоз томонидан ёзма/электрон тўлдирилган сўровнома орқали ёки махсус дастурий воситалар сигналлари орқали таваккалчиликларни баҳолаш ҳамда миқоз билан муносабатларни ўрнатиш/давом эттириш бўйича кўрсатмалар ва чора-тадбирлар Банкнинг қўшимча ички ҳужжатлари билан белгиланади.

113. Юқоридаги бандларда келтирилган йўналишлар (бешта йўналиш) доирасида юқори даражани белгилаш учун асослар мавжуд бўлмаса, миқозларнинг таваккалчилик даражаси ўзгартирилмайди, яъни паст даража сақланиб қолади.

114. Банкнинг таркибий бўлинмалари, мазкур бобда келтирилган йўналишларда миқознинг ёки операциянинг таваккалчилик даражасини юқори деб белгилаш учун асос бўлган мезон ёки аломат аниқланган ҳолда, бу ҳақда Банкнинг таркибий бўлинмалари, миқоз билан муносабат ўрнатилган ёки операция амалга оширилган иш кунидан кечиктирмасдан ички назорат хизматига ёзма хабар бериши лозим.

115. Таваккалчилик даражаси миқознинг анкетасида қуйи бўлинма ички назорати томонидан ИНДМ воситасида белгиланади, бироқ бош банк таркибий бўлинмалари томонидан хизмат ёзишмаси орқали миқознинг таваккалчилик даражасини “юқори” деб белгилаш учун асос бўладиган маълумотлар тақдим этилган ҳолларда, миқознинг таваккалчилик даражаси унинг анкетасига Бош банк ички назорати томонидан ҳам белгиланиши мумкин, иккала жараён ҳам ички назорат хизмати томонидан ҳолат аниқланган иш кунининг охиригача амалга оширилиши лозим.

116. Банкнинг таркибий бўлинмалари, бир вақтнинг ўзида мазкур қондаларнинг 1 ва 15-иловаларида келтирилган (агар иловада гумонли ёки шубҳали операциянинг қўшимча

мезони/аломати белгиланган бўлса) мезонларга эга бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларини шаклланиши билан боғлиқ ва ўтказилиши режалаштирилган операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органига дархол хабар беради ҳамда узоғи билан уч иш куни мобайнида уларнинг ўзаро алоқадорлигининг таваккалчилик даражасини аниқлаш мақсадида тўлиқ таҳлил қилганидан сўнг бундай операцияларни амалга оширади.

Тўхтатиб туриш қўйи бўлинма ички назорати хизмат ёзишмасига асосан қўйи таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади, бироқ уч иш куни мобайнида махсус ваколатли давлат органи кўрсатмаси мавжуд бўлмаса ёки миқдор тақдим этган унинг операцияларини асослантирувчи ҳужжатлар етарли деб баҳоланса, унда миқдорнинг операциялари тўртинчи иш кунининг бошланишидаги 2 соат ичида ички назорат хизматининг хизмат ёзишмаси орқали қайта тикланиши лозим.

Бунда операциялар тўхтатиб турилган вақтда юридик шахс бўйича жойига чиққан ҳолда ўрганиш, чуқурлаштирилган мониторинг ва комплекс таҳлил ўтказилиши керак, миқдордан олинган маълумотлар, операциялар мазмунини ва характери, муносабатлар мақсадлари, очик манбалардан олинган ҳамда маблағлар манбалари тўғрисидаги маълумотлар мос келиши чуқурлаштирилган ҳолда таҳлил қилинади.

Жисмоний шахс бўйича лозим даражада текширишнинг оддий/кучайтирилган чоратадбирларини кўриш мобайнида илгари олинган маълумотлар/ҳужжатлар, маблағлар манбаси бўйича жорий операциялар бўйича олинган маълумотлар юзасидан комплекс таҳлил амалга оширилиши керак, миқдор масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда банкка маълумот тақдим этмаган ҳолда, тўхтатиб туриш давом эттирилади.

117. Миқдор томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, Ички назорат хизмати зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб боради.

6.2. Миқдорнинг манзиллини ўрганиш

118. Миқдорнинг манзиллини ўрганиш қўйи таркибий бўлинма ходимлари (масъул ходим қўйи таркибий бўлинма раҳбарининг оғзаки кўрсатмасига асосан белгиланади) ва қўйи бўлинма ички назорати томонидан асосан юридик шахслар бўлган миқдорларга нисбатан улар ҳисобрақам очиш мақсадида мурожаат қилган пайтдан бошлаб 3 иш куни давомида 24-илова талабларига ўрганилиши лозим.

6.3. Юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган миқдорларнинг ҳисобини юритиш

119. Юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган миқдорларнинг ҳисоби дастурий усулда ИНДМда юритилади.

120. Таваккалчилик даражаси юқори белгиланган миқдор рўйхати юридик шахс, ЯТТ ва жисмоний шахс тоифалари бўйича алоҳида белгиланади, ИНДМдаги махсус дастурлар орқали маълум санага, шунингдек маълум даврга алоҳида реестрар сифатида шакллантирилиши мумкин.

121. Таваккалчилик даражаси “юқори” белгиланган миқдорлар операциялари ИНДМдаги махсус дастурда кунлик операциялар рўйхати (режалаштирилган ва ўтказилган) мониторинг кунлик қилиб борилади.

122. Таваккалчилик даражаси юқори бўлган миқдорлар реестри (ҳисоби) доимий ўзгариб турадиган техник жараён ҳисобланади ҳамда таваккалчилик даражаси ўзгартирилганда миқдорнинг идентификация анкетасидаги “қўшимча маълумотлар” қисмига бу ҳақда қўйи бўлинма ички назорати томонидан қайта баҳоланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда киритилиши керак.

123. Таваккалчилик даражаси бўйича реестр (давр учун) ҳар ойнинг 15 санасида (мазкур сана иш куни бўлмаганда бу санадан кейинги иш кунидан) электрон тарзда шакллантирилади

ва қуйи бўлинма ички назорат хизмати томонидан ойлик маълумотлар базаси сифатида саклаб борилади.

6.4. Таваккалчилик даражаси “ўрта” ва “юқори” баҳоланган миждозлар бўйича лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари: мониторинг ва бошқариш (камайтириш)

124. Таваккалчилик даражаси “ўрта” деб белгиланган миждозлар бўйича Банкнинг таркибий бўлинмалари ва қуйи бўлинма ички назорати (охирги беш иш кунидаги операцияларини ўрганиб бориш орқали) доимий мониторингни амалга оширадилар.

125. Таваккалчилик даражаси “юқори” деб белгиланган миждозлар бўйича, Банкнинг таркибий бўлинмалари (бундай миждозларнинг охириги 30 иш кунидаги операцияларини ўрганиб бориш орқали), қуйи бўлинма ички назорати кунлик доимий мониторингни амалга оширадилар.

126. Мазкур қондаларнинг 3.3 ва 3.5-бўлимларида келтирилган мониторинг давомида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробарига тенг ёки ундан ошадиган операцияларга (мазкур бандларда келтирилган муддатлар давомидаги) алоҳида эътибор берилади (ИНДМда мониторинг бўйича яратилган имконият бўйича), операция миждознинг лозим даражада текшириш давомида олинган ёки мониторинг даврида амалга оширилган операциялари мазмунига/характерига мос келмаса, бундай операциялар ҳақида миждоздан қўшимча маълумотларни олиш бўйича ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, унга телефон орқали, масофавий хизматлар ҳамда расмий хат орқали билдирилади.

127. Юридик шахслар(ЯТТлар)нинг маблағлар манбалари ҳамда операциялар характерини ёритувчи ҳужжатлар/маълумотлар 17-иловада келтирилган, бироқ улар билан чекланмайди (яъни ички ҳужжатлар билан маблағлар манбаларини асословчи ҳужжатлар қўшимча равишда белгилаб борилиши мумкин, мазкур бандда келтирилган ҳужжатларнинг тасдиқланган электрон манбаси/иқтибоси ёки рангли сканерланган нусхаси қабул қилинади).

128. Юридик шахслар ва уларнинг операциялари бўйича чуқурлаштирилган мониторинг давомида юқоридаги бандда келтирилган маълумот/ҳужжатлар талаб қилиниши, миждоз электрон тарзда ёки қуйи таркибий бўлинмага ташиф буюрган ҳолда маълумот/ҳужжатларни 2 иш кунида тақдим этиши лозим.

129. Комплекс таҳлил, миждозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини қўриш жараёни бир иш кунини ичида амалга оширилади, жами кучайтирилган чора тадбирлар умумий тарзда 3 иш кунидан ошмаслиги лозим.

130. Юридик шахслар ва уларнинг операциялари бўйича чуқурлаштирилган мониторинг давомида маълумотлар/ҳужжатлар олиниши қонда тарикасида фронт-офис ходимлари томонидан амалга оширилади, бироқ зарурат бўлган ҳолларда (масалан, маълумот тезкор равишда олиниши лозим бўлган ҳолатлар) ички назорат хизмати томонидан электрон хат ёки бошқа ахборот алмашируви тизимлари орқали миждоздан бевосита олиниши мумкин.

131. Жисмоний шахсларнинг маблағлар манбалари ҳамда операциялар характерини ёритувчи ҳужжатлар/маълумотлар 16-иловада келтирилган, бироқ улар билан чекланмайди (яъни ички ҳужжатлар билан маблағлар манбаларини асословчи ҳужжатлар қўшимча равишда белгилаб борилиши мумкин, мазкур бандда келтирилган ҳужжатларнинг тасдиқланган электрон манбаси/иқтибоси ёки рангли сканерланган нусхаси қабул қилинади):

132. Миждозлар ва уларнинг операцияларида маблағлар манбасини ёки операциялар характерини аниқлаштирувчи ҳужжатлар/маълумотлар юқоридаги бандлардагидан фарқ қилса, бундай ҳужжатларни маблағлар манбаси ёки операция характерини белгиловчи мувофиқ ҳужжат эканлиги ички назорат хизмати томонидан ҳамкорликда баҳоланади, ноодатий ҳужжат қабул қилинганда, тасдиқланган ҳужжатнинг электрон нусхасини олиш етарли.

133. Маблаглар манбаси ёки операциялар характерини асословчи ҳужжатлар бундай маблагларни оловчи миқоз томонидан асл нусхада тақдим этилганда, ҳужжатлардан нусха олиниб, миқозга қайтарилиши лозим, бироқ бундай ҳужжатлар миқоз томонидан электрон почта тизими ёки масофавий хизматлар орқали тақдим этилиши мумкин.

134. Жисмоний шахс бўлган миқозлар, уларнинг операциялари бўйича юқори таваккалчилик мониторинги ва уни бошқариш 19-иловада келтирилган (рўйхатлар билан солиштириш ишлари автоматлашган тарзда амалга оширилиши туфайли, айрим вазифаларда "автоматик" хусусияти кўрсатилган бўлса, бундай вазифаларда ходимлардан ташқари мазкур хусусият қўшиб кўрсатилган).

135. Юридик шахслар ёки ЯТТлар бўлган миқозлар, уларнинг операциялари бўйича юқори таваккалчилик мониторинги ва уни бошқариш 20-иловада чора-тадбирлардан иборат бўлади.

6.5. Миқозлар ва уларнинг операциялари бўйича аниқланган таваккалчиликларни ҳужжатлаштириш бўйича чора-тадбирлар

136. Миқозлар ва уларнинг операциялари доирасида аниқланган тизимли (донимий тусга айланган, миқозлар ёки уларнинг операциялари бўйича ички назорат хизматида жиддий деб баҳоланган), миқозлар ёки операцияларнинг умумий таҳлили натижасида келиб чиққан таваккалчиликлар юзасидан янги таваккалчилик омиллари (риск фактор) сифатида банкнинг ички ҳужжатларида камида бир ойда бир марта қайд этилади (ҳужжатлаштирилади).

137. Юқоридаги бандда келтирилган таваккалчилик таҳлили давомида СТБ ва МТБ натижалари инобатга олиниши лозим, шунингдек, тизимга таҳлид солаётган янги таваккалчиликлар турлари ҳамда уларни камайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар тўпламларини ўз ичига олиши лозим.

6.6. Вакиллик (респондент) ҳамда ресурс жалб қилиш ёки жойлаштириш бўйича муносабатларидаги таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш

138. Банкда вакиллик ҳисобрақамини очиш бўйича мурожаат қилган, ресурс жалб қилиш ёки ресурсни жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан Бош банк таркибий бўлинмалари томонидан мурожаат қилинган ҳолатлар таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолаш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, камайтириш ва ҳужжатлаштириш жараёнлари бир хил тарзда амалга оширилади.

139. Банкда бошқа банкнинг вакиллик (респондент) ҳисобрақами(Logo/Лоро)ни очиш, ресурс жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан Бош банк таркибий бўлинмаларидан Бош банк ички назоратида хизмат ёзишмаси орқали билдирилади.

140. Бу турдаги мурожаатлар келиб тушган пайтдан бошлаб, Бош банк ички назоратидаги бўлим томонидан (вазифалар тақсимотига кўра) ҳамкорлар (банк ёки ресурс тақдим этувчи молиявий нобанк ташкилотлар) таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш мақсадида 25-иловага мувофиқ чора-тадбирлари кўрилади.

141. Таваккалчиликлар бошқа банкда банкнинг вакиллик ҳисобрақамини очиш ҳамда ресурс жалб қилиш/жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш йўналишида таваккалчилик методологиясидан келиб чиқиб, мурожаат келиб тушган кундандан сўнг, барча ҳужжатлар ва маълумотлар тўпланган пайтдан бошлаб, 3 иш кунидан кечиктирилмаган муддатда (етарли маълумотлар/ҳужжатлар олингандан сўнг), бироқ маълумот тўплаш, таҳлил қилишни (умумий жараён 30 иш кунидан ошмаган ҳолда) инобатга олган ҳолда аникланади ва баҳоланади.

142. Муносабат ўрнатилган ва (ёки) ўрнатишга ижобий қарор қабул қилинган вакил банкларнинг таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида 26-иловада келтирилган чора-тадбирлар кўрилади.

143. Келгусида, мазкур бўлимда келтирилган муносабатлар доирасида таваккалчилик баҳоланиши натижалари банкнинг йиллик ҳисоботида, таваккалчилик аппетити декларациясида ва таваккалчиликлар картаси (32-илова) да Банкнинг кузатув кенгаши ва (ёки) Бошқарувининг қарор қабул қилиши учун ҳужжатлаштирилади.

144. Норезидент-банк томонидан жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар талаблари бузилиши ҳолатлари ҳақида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, Бош банкнинг таркибий бўлинмалари (корреспондентлик алоқалари бўйича масъул бўлинма ва Бош банк ички назорати) ушбу вакил банк билан ҳамкорликни тўхтатишгача бўлган тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши керак.

Бунда таклиф ички назорат хизмати томонидан ташаббускор бўлинма (мазкур қоидалат тасдиқланган пайтда Халқаро молия институтлари ва инвесторлар билан ишлаб борадиган департаменти) га ва Бошқарувга ҳолат аниқланган иш қунидан кечиктирмасдан билдиришнома/хизмат ёзишмаси орқали тақдим этилиши, ташаббускор бўлинма ўз навбатида 3 иш куни давомида корреспондент ҳисобрақам орқали амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб қўйиши ҳақида SWIFT тизими ва электрон хат орқали ҳамкорга хабар бериши лозим.

Шунингдек, келгусида ҳамкорнинг вакиллик ҳисобрақамини ёпиш бўйича Бошқарувнинг қарори ижобий бўлган ҳолларда, бундай қарор қабул қилинган вақтдан эътиборан 10 иш кунида вакиллик ҳисобрақамлари ёпилиши лозим.

145. Мазкур бўлимда келтирилган чора-тадбирлар доирасидаги таъқиқлардан ташқари, қуйидаги тоифадаги ҳамкорлар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш (агар таваккалчиликни аниқлаш ёки баҳолаш давомида асосли маълумотлар аниқланса) таъқиқланади (ҳамкорлик муносабатлари бўйича масъул бўлган бўлинма томонидан муносабатга киришиш бўйича хизмат ёзишмаси ички назорат хизматига тақдим этилмайди):

ФАТФнинг “қора” рўйхатидаги давлатларда рўйхатга олинган ҳамкорлар;

Оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган ҳамкорлар;

Банк билан муносабатлардан “Ичма-ич ҳисобварақлар”¹ (“nested” accounts) мақсадида фойдаланиши эҳтимоли мавжуд ҳамкорлар;

рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган “қобик” ҳамкорлар (shell banks).

6.7. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари билан муносабатлардаги таваккалчиликни баҳолаш ва аниқлаш

146. Халқаро республика ҳудудида пул ўтказмаларини амалга оширувчи тизимлар ҳисобланган ташкилотлар (провайдер, оператор) Банк билан ҳамкорлик ўрнатиш истагини билдирганда, уларнинг таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш камайтириш ва ҳужжатлаштириш мақсадида 27-иловада келтирилган чора-тадбирлар қўлланилади.

147. Мазкур йўналишдаги ҳамкорлар таваккалчиликлари ҳамкорлик ўрнатиш йўналишида таваккалчилик методологиясидан келиб чиқиб, мурожаат келиб тушган кундан сўнг, барча ҳужжатлар ва маълумотлар тўпланган пайтдан бошлаб, 3 иш кунидан кечиктирилмаган муддатда (етарли маълумотлар/ҳужжатлар олингандан сўнг), бироқ

¹ Nested accounts / Ичма-ич ҳисобварақлар. Ичма-ич вакиллик муносабатлари деганда бир қатор респондент банкларнинг ушбу банкнинг бевосита респондент банки билан муносабатлари орқали операцияларни амалга ошириш ва бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш учун банкнинг вакиллик муносабатларидан фойдаланиши тушунилади. (Жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ рискларни оқилона бошқариш бўйича банк назорати бўйича Базел қўмитасининг 2-иловасидаги 43-изоҳ).

маълумот тўплаш, таҳлил қилишни (умумий жараён 30 иш кунидан ошмаган ҳолда) инобатта олган ҳолда аниқланади ва баҳоланади.

148. Муносабат ўрнатилган ва (ёки) ўрнатишга ижобий қарор қабул қилинган пул ўтказмалари тизимларининг таваккалчилигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида 28-иловада келтирилган чора-тадбирлар кўрилади.

149. Ҳамкор (ҳалқаро пул ўтказмаси тизими) билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор Банк бошқаруви томонидан қабул қилинади, бундай қарорлар қабул қилиниши таваккалчилик аппетитини (риск аппетитини) белгилайди.

150. Келгусида, мазкур бўлимда келтирилган муносабатлар доирасида таваккалчилик баҳоланиши натижалари банкнинг йиллик ҳисоботида ва таваккалчилик аппетити декларациясида Банкнинг кузатув кенгаши ва (ёки) бошқарувининг қарор қабул қилиши учун ҳужжатлаштирилади.

151. Мазкур бўлимда келтирилган чора-тадбирлар доирасидаги таъқиқлардан ташқари, куйидаги тоифадаги ҳамкорлар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш (агар таваккалчиликни аниқлаш ёки баҳолаш давомида асосли маълумотлар аниқланса) таъқиқланади (ҳамкорлик муносабатлари бўйича масъул бўлган бўлинма томонидан муносабатга киришиш бўйича хизмат ёзишмаси ички назорат хизматига тақдим этилмайди):

ФАТФнинг “кора” рўйхатидаги давлатларда рўйхатга олинган ҳамкорлар;

Оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган ҳамкорлар;

Банк билан муносабатлардан “Ичма-ич ҳисобварақлар”² (“nested” accounts) мақсадида фойдаланиши эҳтимоли мавжуд ҳамкорлар;

рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган “қобик” ҳамкорлар (shell companies).

152. Пул ўтказмаси бўйича ҳам жўнатувчи ва ҳам қабул қилувчи томонларга хизмат кўрсатилган тақдирда, Бош банк таркибий бўлинмаси (Чакана бизнес департаменти) куйидагиларга мажбурдирлар:

шубҳали операция тўғрисида хабар юбориш заруриятини аниқлаш мақсадида ҳам жўнатувчи томондан, ҳам қабул қилувчи томондан олинган барча маълумотларни ҳисобга олиш;

шубҳали пул ўтказмаси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мамлакатда шубҳали операция тўғрисидаги хабарни ваколатли органларга юбориш ва пул ўтказмаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиш.

153. Банк пул ўтказилишида воситачи (транзит банк) сифатида иштирок этганда, Бош банк таркибий бўлинмаси (Чакана бизнес департаменти):

электрон тўловларга илова қилинадиган жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотларни, жўнатув тўғрисидаги маълумотлар билан бирга юборилишини ва беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланишини таъминлашлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, бундай ўтказмалар ҳақида махсус ваколатли давлат

² Nested accounts / Ичма-ич ҳисобварақлар. Ичма-ич вакиллик муносабатлари дегаанда бир қатор респондент банкларнинг ўшбу банкнинг бевосита респондент банки билан муносабатлари орқали операцияларни амалга ошириш ва бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш учун банкнинг вакиллик муносабатларидан фойдаланиши тушунилади. (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ рискларни оқилона бошқариш бўйича банк назорати бўйича Базел қўмитасининг 2-иловасидаги 43-изоҳ).

органига хабар беришни амалга ошириш (хизмат ёзишмаси орқали, фронт-офис, бэк-офис ёки қўйи бўлинма ички назорати томонидан, дастлаб аниқлаган ходим эканлигига кўра, ҳолат аниқланган кундан кечиктирмасдан).

6.8. Банкда таваккалчиликларни баҳолаш бўйича ҳисобот ҳужжатлаштирилиши ва Банкнинг таваккалчилик аппетити бўйича баёнот

154. Соҳа таваккалчиликлар бўйича асосий ҳисобот, қоида тариқасида йилнинг биринчи ярми охирига қадар ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилади, Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланади ҳамда Банкнинг кузатув кенгашига, бошқарувига, Банкнинг таркибий бўлинмаларига ҳамда Марказий банкка тақдим этилади (ЭҲА ва Lotus Notes дастурлари орқали, электрон тарзда).

155. Таваккалчилик бўйича асосий ҳисоботда, оралиқ баҳолаш (масалан, мамлакатлар, миждозлар, хизматлар, маҳсулотлар, технологиялар, ёки лойиҳалар бўйича ўтказилган қўшимча баҳолашлар) натижалари инобатга олинади.

156. Таваккалчилик бўйича ҳисобот тўлиқ ва оммавий кўринишларда тасдиқланади, оммавий кўринишда маълумотлар оммага тақдим этиладиган даражада (банк сирини, тижорат сирини ва бошқа сирлар бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатлари талаблари доирасида) чекланган ҳолда расмийлаштирилади.

157. Таваккалчилик бўйича асосий ҳисобот, қоида тариқасида қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади, бироқ булар билан чекланмайди (ички назорат хизмати раҳбари томонидан қўшимча маълумотлар киритилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин):

МТБ ва СТБнинг охириги натижалари, банкдаги соҳага оид таваккалчиликлар соҳаларининг умумий тавсифи, шунингдек МТБ ва СТБнинг йўналишлари бўйича банкнинг аниқлаган таваккалчиликларини мос келиши ёки келмаслиги бўйича маълумотлар;

таваккалчилик даражаси юқори бўлган миждозлар ва операцияларнинг умумий тавсифи; таваккалчилик даражаси юқори бўлган банк маҳсулотлари / хизматлари / технологиялари / амалиётларининг тавсифи;

вакиллик муносабатлари ва пул ўтказмалари тизимлари билан муносабатлар таваккалчилигининг умумий тавсифи;

юқори таваккалчилик доирасида молиялаштириш тавсия этилмаган лойиҳалар бўйича кейслар ва улар бўйича статистика;

таваккалчиликни камайтириш/бошқариш бўйича амалга оширилган ишлар тавсифи, жумладан МТБ ва СТБда эълон қилинган юқори таваккалчилик соҳаларини камайтириш/бошқариш бўйича қўрилган чора-тадбирлар;

таваккалчиликни камайтириш/бошқариш бўйича амалдаги тавсиялар (Бошқарув ва бизнес бўлинмалар доирасида, қўрилиши учун муддат мавжуд бўлган чора-тадбирлар йиғиндиси);

таваккалчиликлар бўйича Бошқарув ва бизнес йўналишларининг ички назорат хизмати билан муносабатлари таҳлили, таваккалчиликларни бошқариш бўйича самарадорлик жиҳатлари;

таваккалчилик аппетити (риск аппетит) бўйича декларация, Бошқарув номидан, илғор халқаро тажрибада қўлланган шаклларда;

таваккалчилик даражасини баҳолаш инобатга олинган статистик маълумотлар.

158. Таваккалчилик аппетити бўйича баёнот 29-иловада келтирилган ахборотни ўз ичига олади.

6.9. Таваккалчиликни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, амалга ошириш ва ҳужжатлаштириш

159. Ички назорат хизмати Банкнинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган

таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши шарт.

160. Банкнинг таркибий бўлинмалари таваккалчиликлар тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликнинг умумий даражасини, унинг талаб қилинган пасайтириш даражасини аниқлаши ва тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириши керак (қайси бўлима фаолиятида таваккалчилик даражаси аниқланганлигига ва Бош банк ички назорати кўрсатмаларига биноан).

161. Аниқланган таваккалчиликлар назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини яратишга қаратилади.

162. Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик (мижозларнинг турлари ва фаолияти, банк маҳсулотлари ва хизматлари, уларни тақдим этиш каналлари, географик ҳудудлар бўйича ва бошқа) омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат хизмати томонидан ҳамкорликда (вазифалар Таваккалчилик методологиясида келтирилган тақсимотга асосан бажарилади) аниқланади ва баҳоланади.

163. Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, Миллий ички назорат қоидалари ва мазкур қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик (мижозларнинг турлари ва фаолияти, банк маҳсулотлари ва хизматлари, уларни тақдим этиш каналлари, географик ҳудудлар бўйича ва бошқа) омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, маълумотларни ҳодим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

164. Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилиши керак.

6.10. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар

165. Барча жорий қилинаётган ёки ўзгартириш (қўшимча) киритилаётган банк маҳсулотлари, хизматлар турлари, технологиялар ва амалиётлар соҳа бўйича таваккалчиликларни баҳолаш ва камайтириш 30-иловада келтирилган талаблар асосида амалга оширилади.

VII. ИЧКИ НАЗОРАТ ХИЗМАТИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

7.1. Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан муносабатлар

166. Банкнинг таркибий бўлинмалари Миллий ички назорат қоидалари ва мазкур Қоидаларда келтирилган вазифаларнинг бажарилишида ички назорат хизматига қуйидаги вазифаларни амалга оширган ҳолда кўмак берадилар:

Ички назорат хизмати томонидан давлат органларининг сўровлари юзасидан сўралган маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши мақсадида, тегишли ҳужжат ва маълумотларни имкон даражасида тезкор равишда, лекин сўровларнинг бажарилиши учун давлат органлари томонидан белгиланган иш кунининг тугашидан камида уч соат олдинги вақтгача тақдим этадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ даражада амалга оширадilar, мијозларни лозим даражада текшириш ва бундай текширишнинг чуқурлаштирилган чора-тадбирларни ўз ваколатлари ёки мажбуриятлари доирасида кўрадilar, тегишли чораларни кўришнинг имкони чекланган ёки бўлмаган ҳолларда, ички назорат хизматиға хизмат ёзишмаси орқали (тезкорликни таъминлаш мақсадида, дастлаб телефон орқали) хабар берадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш натижаси бўйича ИНДМда мијоз анкетасини электрон тарзда шакллантирадilar, жумладан бенефициар мулкдор, юқори мансабдор шахс ёки мијоз билан муносабат давомидаги мазкур Қоидаларда талаб этилган ва бошқа маълумотларни (масалан юқори таваккалчиликка киритиш бўйича маълумотларни) анкетаға киритадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича электрон базада мијоз ёки унинг операциялари бўйича маълумот, жумладан техник хатолик туфайли мијознинг анкетаси топилмаган ҳолларда, ички назорат хизматиға

Операциялар иштирокчиларини, бундай операцияларни бажаришға киришишдан олдин ИНДМдаги Рўйхат билан солиштириш бўйича функцияға орқали (Поиск подозрительных лиц) электрон тарзда юкланган Рўйхат билан солиштирадilar, Рўйхат билан тўлиқ мос келиш ҳолати аниқланганда, дарҳол ички назорат хизматиға хизмат ёзишмаси орқали (тезкорликни таъминлаш мақсадида дастлаб телефон орқали, одатда 10 дақиқадан ошмаган ҳолда) хабар берадилар. Бундан ташқари, ИНДМда Рўйхат билан солиштириш автоматик тарзда амалға оширилганда, мазкур функция бўйича Банк ички ҳужжатларида белгиланган вазифаларни (Рўйхат билан минимал мослик бўйича операцияларнинг автоматик тўхтатиб турилиши доирасида белгиланган вазифаларни) бажарадилар.

Операциялар иштирокчиларини ИНДМдаги World-Check базаси орқали (Поиск подозрительных лиц функцияси воситасида) операцияни бажаришдан олдин ва мијозлар билан муносабатға киришишдан олдин текширадilar, юқори мансабдор шахслар ёки санкциялар қўлланган шахслар аниқланганда, ички назорат хизматиға 30 дақиқадан ошмаган вақт ичида хизмат ёзишмаси орқали (тезкорликни таъминлаш мақсадида дастлаб телефон орқали) хабар берадилар.

Гумонли операцияларнинг Миллий ички назорат қоидаларида, Банкнинг ички ҳужжатларида ҳамда мазкур Қоидаларда белгиланган мезон ёки аломатлари бўйича операциялар аниқланганда, ички назорат хизматиға хизмат ёзишмаси орқали, бундай операцияларни гумонли деб таснифлаш учун асос бўладиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, хизмат ёзишмаси орқали хабар берадилар. Хабар бериш жараёни уч иш кунидан ошмаслиги лозим. Гумонли операция бўйича қўшимча маълумот/ҳужжат ички назорат хизмати томонидан сўралган (оғзаки ёки ёзма) ҳолларда, имкони бориға тезкор равишда маълумот/ҳужжатни (шу жумладан мијоздан оғзаки ёки ёзма равишда бундай маълумот/ҳужжатни сўраб олиш учун кетган вақтни инобатға олган ҳолда, лекин 2 иш кунидан кеч бўлмаган муддатда) ички назорат хизматиға етказадilar.

Шубҳали операцияларнинг Миллий ички назорат қоидаларида, Банкнинг ички ҳужжатларида ҳамда мазкур Қоидаларда белгиланган мезон ёки аломатлари бўйича операциялар аниқланганда, ички назорат хизматиға хизмат ёзишмаси орқали, шу пайтгача операция ва мијоз бўйича олинган маълумотларни / ҳужжатларни илова қилган ҳолда, хабар берадилар.

Миллий ички назорат қоидалари, мазкур Қоидалар ҳамда бошқа ички ҳужжатлар билан таваккалчилик даражаси юқори деб баҳоланган мијозлар ёки операциялар аниқланган ҳолларда, мазкур ҳолат бўйича ички назорат хизматиға ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб уч

соат ичида, лекин ҳолат аниқланган иш кунидан кеч бўлмаган муддатда хизмат ёзишмаси (тезкорликни таъминлаш мақсадида, дастлаб телефон орқали) хабар берадилар.

Таваккалчиликларнинг миллий (махсус ваколатли давлат органи томонидан) ёки секторал (Марказий банк томонидан) даражада баҳоланиши давомида, ички назорат хизмати томонидан сўралган статистик маълумотларни давлат органлари томонидан белгиланган муддатдан бир иш куни олдин тақдим этадилар.

Ички назорат хизмати сўровига асосан, миқозларни лозим даражада текшириш, лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари, гумонли ва шубҳали операциялар, Рўйхат билан боғлиқ ҳолатлар, маълумотларнинг махфийлиги ва сақланиши йўналишларида бошқа маълумотларни тақдим этадилар.

167. Ички назорат тизимининг вазифаларини бажариш мақсадида, Бош банкнинг бўлинмалари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Янги хизмат, маҳсулот, технология ёки амалиёт жорий қилинишидан олдин, уларнинг паспортлари, бизнес-жараёни, шунингдек бундай хизмат, маҳсулот, технология ёки амалиётларнинг таваккалчилик хусусиятларини (маҳсулот параметрлари / миқозлар доираси / мамлакатлар доираси / тақди этиш канали хусусияти ва таваккалчиликнинг бошқа омилларини тўлиқ очиқ берадиган маълумотларни) хизмат ёзишмаси орқали ички назорат хизматига тақдим этадилар;

янги хизмат, маҳсулот, технология ёки амалиёт жорий қилинишида, ички назорат хизмати томонидан таваккалчиликни камайтириш бўйича таклиф этилган чора-тадбирлар кўрсатилган дастурни Бошқарув Раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари имзоси билан тасдиқлайдилар ва ички назорат хизматига бундай чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланган электрон нусхасини тасдиқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этадилар;

янги хизмат, маҳсулот, технология ёки амалиёт жорий этилишидан олдин, уларнинг статистик маълумотларини, Марказий банк томонидан тавсия этилган таваккалчилик даражасини баҳолаш бўйича статистик жадвалларда келтирилган минимал маълумотлар доирасида тезкор олиш бўйича техник имкониятни яратадилар.

таваккалчиликларнинг миллий (махсус ваколатли давлат органи томонидан) ёки секторал (Марказий банк томонидан) даражада баҳоланиши давомида, ички назорат хизмати томонидан сўралган статистик маълумотларни давлат органлари томонидан белгиланган муддатдан бир иш куни олдин тақдим этадилар;

қуйи бўлинмаларга ва ходимларга Миллий ички назорат қоидалари ва мазкур Қоидалар талабларини етказиш мақсадида, йилига 2 мартадан кам бўлмаган ҳолда техник ўқувлар ташкил этадилар;

рўйхат, санкциялар ва юқори мансабдор шахслар рўйхати билан тўлиқ мос келиш ҳолатлари аниқланганда, миқозга ва операцияга нисбатан Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган фармойиш ҳамда ички назорат хизматининг ёзма кўрсатмаларини бажарадилар.

Гумонли, шубҳали операцияларнинг Миллий ички назорат қоидалари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларда белгиланган аломат ва мезонлари бўйича аниқланган операцияларни ички назорат хизматига белгиланган муддатларда хизмат ёзишмаси орқали (миқоз ёки операция ва унинг иштирокчиларига тегишли ҳужжатлар / маълумотлар билан биргаликда) еткази.

Миқозлар ва операциялар бўйича барча маълумотлар ва ҳужжатларни, жумладан электрон маълумотларни (махсус базаларда) сақланиши бўйича амалий ёрдам кўрсатадилар, ички назорат хизматининг махсус хоналари ва электрон базаларига кириш имкониятини (доступни) тақиқлайдилар.

168. Банкнинг чет элда шўъба банки, филиали ва ваколатхонаси мавжуд бўлган ҳолатда, чет элдаги шўъба банкнинг, филиалнинг ва ваколатхонанинг ички назоратни амалга оширишга масъул бўлиниши Бош банк ички назоратига ҳисобдордир.

7.2. Ички аудит департаменти билан муносабатлар

169. Ички аудит департаменти ёки бошқа назорат хизматлари томонидан аниқланган ички назорат тизимининг камчиликлари ўз вақтида Бошқарув Раисига маълум қилинади. Маълумотни олгандан сўнг, Бошқарув Раиси аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

170. Ички аудит департаменти билан ички назорат хизмати ўртасидаги муносабатлар қуйидагилардан ташкил топади:

Ички аудит департаменти ўз Низомига мувофиқ, ваколатлари доирасида, қонун ҳужжатлари ва ички қоидалар бўйича талабларнинг Банкда бажарилишини текшириб бориши мумкин, ички назорат хизмати ички аудит текширувларида мавжуд маълумотларни ўзаро алмашиш учун тақдим этади.

Ички аудит департаменти ИНДМнинг Бош банк ва қўйи бўлинмалар ички назорат хизматлари учун бириктирилган рухсатларидан (доступларидан) ички назорат хизмати ходимлари томонидан олинган маълумотлардан ёки ички аудит департаменти учун махсус ишлаб чиқилган дастурий воситалар рухсатларидан фойдаланган ҳолда, электрон маълумотларни текширишни амалга ошириши мумкин.

Текширувлар натижасида, Бош банкнинг бўлинмаларида соҳа бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини Бош банкдаги ҳар бир таркибий бўлинма бўйича алоҳида, қўйи бўлинмаларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ёки минтакавий бўлинма доирасида жамланган ҳолда, масъул бўлинма раҳбари имзоси билан тасдиқлаши мумкин.

Соҳа бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек ички назорат тизимини мустаҳкамлаш бўйича тавсияларни ички назорат хизматиغا, Бошқарувга ҳамда Кузатув кенгашига тақдим этиш ваколатига эга.

Шунингдек, ташқи аудит ва ички аудит натижалари бўйича камчиликларни бартараф этиш ва ички назоратни кучайтириш бўйича тавсиялар қўпол тарзда бажарилмаган (масалан мунтазам равишда ўз вақтида бажарилмаган ёки умуман бажарилмаган) ҳолларда, мазкур материалларни Кузатув кенгашига тизимли камчилик сифатида тақдим этиши мумкин.

7.3. Банкнинг хориждаги қўйи бўлинмалари билан муносабатлар

171. Ички назорат тизими вазифаларини бажариш мақсадида, Банкнинг хориждаги қўйи бўлинмалари, жумладан ваколатхона, филиал ёки шўъба банклари билан муносабатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Хорижий шўъба банкларнинг ёки филиалларнинг раҳбари ва ички назорат хизмати ходими Кузатув кенгаши берган ваколат орқали, Банк бошқаруви томонидан тайинланади.

Мазкур бўлинмалар раҳбарлари Банк бошқарувиغا, ички назорат ходимлари Ички назорат хизмати раҳбарига бўйсунди ҳамда ҳисобдордир.

Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари агарда улар жойлашган мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларида мазкур Қоидаларига нисбатан енгилроқ ички назорат чоралари белгиланган бўлса, улар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур Қоидаларга риоя қилишлари керак.

Қоидалар ва Банкнинг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари ўзлари жойлашган хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатлари бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш йўналишидаги чора-тадбирларни амалга оширадilar. Агар улар жойлашган мамлакатлар ва Ўзбекистон қонунчилиги, жумладан Банкнинг ички ҳужжатлари ўртасида соҳа бўйича ихтилофлар мавжуд бўлса, хорижий қўйи

бўлинмалар учун алоҳида тартиб (ихтилофларни имкони борида бартараф этувчи, Ўзбекистон ва Банк ҳужжатлари талабларини амалга жорий қилиш имконини берувчи) ишлаб чиқиладиган ҳамда Кузатув кенгаши орқали тасдиқланади.

Ички назорат хизмати ҳамда Бош банк таркибий бўлинмалари хориждаги қуйи бўлинмаларнинг соҳадаги халқаро стандартлар, Ўзбекистон ва улар жойлашган мамлакат қонунчиликлари, шунингдек Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатиши учун бундай бўлинмаларга техник, методологик ва ҳуқуқий ёрдамни кўрсатади.

Хориждаги қуйи бўлинмалар эса, техник жиҳатдан ҳисобрақам очилган мижозлар, уларни лозим даражада текшириш ва лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари, хорижий давлатнинг махсус ваколатли давлат органига тақдим этилган хабарномалар, Рўйхатдаги ва юқори мансабдор шахслар иштирокида аниқланган операциялар тўғрисидаги ҳамда ахборот базаларидаги маълумотларни, ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган махсус шакллар асосида, ҳар ойнинг учинчи санасидан кечиктирмаган ҳолда маълумотларни тақдим этиб боришлари лозим.

Шунингдек, юқори мансабдорлар билан муносабатга киришиш Банк бошқарувининг раиси ёки унинг ваколатли ўринбосари қарори воситасида амалга оширилади, Рўйхат билан тўлиқ мос келиш ҳолатлари вужудга келганда, ҳисобрақамнинг чиқим қисмига банд солиш мазкур Қондаларда келтирилгани каби, Банк раҳбарияти фармойиши орқали амалга оширилади, фармойиш тасдиқланган ҳолда хорижий қуйи бўлинмага уч соатдан ошмаган муддатда махсус каналлар орқали етказилади.

7.4. Банкнинг ва ички назорат хизматининг агентлар ва субагентлар билан муносабатлари

172. Банкнинг агентлар ва (ёки) субагентлар билан муносабатлари қуйидагиларга асосланиши лозим:

Агентлик ва субагентлик хизматини кўрсатиш истагини билдирган Ўзбекистон республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар билан тузиладиган шартномаларда улар томонидан мижозларни лозим даражада текшириш, лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўриши, юқори мансабдор шахслар ва Рўйхат билан солиштириш тартиби, шунингдек, маълумотларни алмашиш ва сақлаш тартиблари кўрсатилган бўлиши лозим.

Агентлик ва субагентлик муносабатлари ҳамда улар бўйича тузиладиган шартномалар лойиҳалари ички назорат хизматида соҳа бўйича таваккалчиликларни баҳолаш учун тақдим этилиши лозим.

Агентлик ва (ёки) субагентлик муносабатлари бўйича лойиҳаларда / шартномаларда соҳадаги таваккалчиликлар аниқланган ҳолларда, таваккалчиликларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ташаббускор бўлинма томонидан ишлаб чиқирилиши, ички назорат хизмати билан келишилиши ҳамда Бошқарув Раиси ёки унинг тегишли ваколатга эга ўринбосари томонидан тасдиқланиши лозим.

Таваккалчиликларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланишидан олдин агентлик ва (ёки) субагентлик муносабатларини ўрнатиш тақиқланади.

Агентлар ва субагентлар ўзларининг мижозлари, Банк иштирокида амалга оширилган операциялари, мижозларни лозим даражада текшириш, лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари ҳамда Рўйхат ва юқори мансабдор шахслар билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларни ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган махсус электрон шакллар асосида махсус каналлар орқали ички назорат хизматида кунлик тарзда тақдим этиш имкониятини яратиши лозим.

Бундан ташқари, агентлар ва (ёки) субагентлар соҳа бўйича зудлик билан чора кўриш эҳтиёжи пайдо бўлганда (масалан, Рўйхат билан тўлиқ мос келиш ҳолати вужудга келганда) ички назорат хизматининг оғзаки ёки ёзма кўрсатмаларига амал қилишлари шарт.

Шунингдек, Банк иштирокида амалга оширилган операциялар ва агент ва (ёки) субагентларнинг бундай операциялар билан боғлиқ мижозлари рўйхати ИНДМга реестр шаклида Банк, агент, субагент учун белгиланган иш кунининг эртасидан кечиктирмаган ҳолда юкланиши учун техник имкониятлар яратилиши лозим.

Реестрлар шакллари ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилади, тегишли бўлинмалар (масалан ахборот технологиялари ва хавфсизлиги бўйича масъул таркибий бўлинмалар) билан келишилади ҳамда агентлик ва (ёки) субагентлик шартномалари орқали расмийлаштирилади.

173. Ички назорат хизмати, ўзининг вазифаларини бажариши мақсадида, агентлардан ва субагентлардан лозим даражада текшириш бўйича маълумотларни сўраб хизмат ёзишмаси орқали мурожаат қилиши ва бу ҳақда телефон орқали агентнинг ёки субагентнинг раҳбари бўлган шахсга билдириши мумкин.

174. Агентлар ва субагентлар, улар билан тузилган шартнома доирасида, ички назорат хизматига маълумотларни сўров тушган пайтдан бошлаб 2 соат ичида (агар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлса, бир иш куни давомида агар бошқа мамлакатда жойлашган бўлса) тақдим қилиши лозим ва бу жиҳат улар билан тузилган шартномаларда мустаҳкамланиши шарт.

175. Агентлар ва субагентлардан маълумотларни қабул қилувчи ходимлар рўйхати ички назорат хизмати томонидан улар билан тузилган шартномада кўрсатилади ёки алоҳида ёзишма орқали белгиланади.

176. Маълумотларни тақдим қилиш мажбурияти ҳамда маълумотлар/ҳужжатлар кетма-кет 3 марта тақдим этилмаган ҳолларда, агент ёки субагент билан муносабатларни тугатиш бўйича ички назорат хизмати раҳбари томонидан бош банкдаги таркибий бўлинмага хизмат ёзишмаси юборилиши мумкин.

177. Банкнинг агентлари ва субагентлари фаолият кўрсатадиган мамлакатларнинг ваколатли органлари фойдаланиши мумкин бўлган тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг реестри Банк маҳсулотларни сотиш ва тармоқларни ривожлантириш департаменти томонидан электрон тарзда юритилади ҳамда банкнинг расмий сайтида эълон қилиб борилади.

178. Мазкур рўйхат агентлик ёки субагентлик шартномалари тузилиши ёки тўхтатилиши баробарида, лекин бундай шартномавий муносабатлар ўзгаришидан бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда янгилаб борилиши лозим.

7.5. Ички назорат тизими самарадорлигини ошириш доирасидаги муносабатлар

179. Ички назорат хизмати ички назорат тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари, жумладан ички аудит департаменти билан қуйидаги муносабатларни амалга оширади:

Ички аудит департаменти текширувлари вақтида аниқланган камчиликларни текширув давомида бартараф этишга ҳаракат қилади, текширув давомида бартараф этилмаган камчиликлар доирасида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини бажариш учун имконияти мавжуд барча ишларни амалга оширади.

Ички аудит департаменти томонидан ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича берилган тавсияларни амалга ошириш учун техник, амалий ҳамда ҳужжатлаштириш чораларини кўради, тавсияларни амалда жорий қилиш мақсадида Банк раҳбарияти ва бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

мижозларни лозим даражада текширишнинг одатий ва чуқурлаштирилган чора-тадбирларини кўриш чекланган ёки имкони мавжуд бўлмаган ҳолларни аниқлаштириш учун Банкнинг таркибий бўлинмаларига техник, методологик ёки ҳуқуқий тавсия/кўрсатмаларни тузади ва банкнинг ички тизими (интранет) ёки бошқа усуллар (масалан бевосита/масофавий таълим материаллари, жумладан онлайн ўқитиш ва тест-синов платформалари) билан ходимларга етказди.

янги жорий қилинаётган хизмат / маҳсулот / технология ёки амалиётнинг Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда таваккалчилик даражасини баҳолайди, таваккалчилик даражаси “паст” бўлмаган ҳолатларда мазкур хизмат / маҳсулот / технология ёки амалиётнинг таваккалчилик даражасини камайтириш ва бошқариш бўйича барча чора-тадбирларни ва уларнинг тавсиявий муддатларини кўрсатган ҳолда таркибий бўлинмага хизмат ёзишмаси орқали етказди.

рўйхат, санкиялар ва юқори мансабдор шахслар рўйхати билан тўлиқ мос келиш ҳолатлари аниқланганда, Банкнинг таркибий бўлинмаларига ёзма ва оғзаки кўрсатмалар беради, жумладан ҳисобрақамнинг чиқим қисмига банд солиш бўйича Фармойиш лойиҳасини ишлаб чиқади, Банк раҳбарияти орқали тасдиқлайди ҳамда Банкнинг таркибий бўлинмаларига, жумладан агентлар, субагентлар ва хорижий қўйи бўлинмаларга етказди.

маҳсус ваколатли давлат органининг таваккалчиликларни миллий баҳолаш ёки Марказий банкнинг таваккалчиликларни секторал баҳолаш бўйича статистик маълумотларини тақдим этиш бўйича сўровини, бундай сўров Банка келиб тушган иш кунидан кечиктирмасдан Банкнинг таркибий бўлинмаларига хизмат ёзишмаси орқали тақдим этади ҳамда бир иш кунидан кўп бўлмаган муддатда жамлаб, ташаббускор органга маҳсус алоқа канали орқали тақдим этади.

агентлар, субагентлар ҳамда хориждаги қўйи бўлинмаларнинг соҳа бўйича фаолиятини оғзаки йўл-йўриқ, ёзма кўрсатма (хизмат ёзишмаси) ҳамда ички ҳужжатлар (жумладан соҳа бўйича Банкнинг ички ҳужжатлари ва методологик-ҳуқуқий ёки тавсиявий ҳужжатлар) орқали мувофиқлаштиради.

агентлар, субагентлар ҳамда хориждаги қўйи бўлинмалар билан муносабатлар юзасидан тузилган лойиҳалар ҳамда шартномаларни ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда бундай лойиҳалар ва шартномаларнинг соҳадаги таваккалчиликларини ўн иш кунидан кеч бўлмаган муддатда баҳолаб, баҳолаш натижаларини хизмат ёзишмаси орқали (таваккалчиликларни камайтириш чора-тадбирларини ҳамда тегишли муддатларни кўрсатган ҳолда) лойиҳанинг ташаббускори бўлган таркибий бўлинмага етказди.

Ички назорат тизими бўйича режали (тасдиқланадиган режага асосан), тезкор (қонунчиликка ва халқаро стандартларга ўзгаришлар киритилганда) ва дастлабки инструктаж туридаги (янги ишга қабул қилинаётган ходимлар учун) техник ўқувларнинг методологик, тавсиявий ва кўрсатма тусидаги материалларни, шунингдек тестларни тайёрлайди ҳамда уларнинг ўқувлар тарзида Банкнинг таркибий бўлинмаларига етказилишини таъминлайди.

ходимларнинг соҳа бўйича малакасини ошириб бориши ва дастлабки инструктаж учун ички тартибни ишлаб чиқади ҳамда Бошқарув қарори билан тасдиқлайди.

180. Банкнинг Бош банкдаги ва қўйи таркибий бўлинмалари, жумладан хориждаги қўйи бўлинмалари, шунингдек барча агентлар ва субагентлари, ички назорат хизмати томонидан ўзининг соҳа бўйича функцияларини бажариши учун маълумот сўралган ҳолларда, бундай маълумотлар ички назорат хизматига тақдим қилиниши лозим. Бунда, маълумотлар техник ва ташкилий жиҳатларни инобатга олган ҳолда қандай муддатларда тақдим этилиши, ички назорат хизматининг сўровида белгиланади, бироқ агентлар ва субагентларнинг маълумотларни тақдим этиши улар билан тузиладиган шартномаларда белгиланиши лозим

ҳамда қонда тарикасида (агар қатта ҳажмли маълумотларни жамлаш талаб этилмаса) бундай муддат шартномаларда уч иш кунидан ошмаган муддат сифатида белгиланиши лозим.

181. Банк бошқаруви ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилади ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди. Ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш Банкнинг Ички аудит департаменти томонидан ҳам олиб борилади.

7.6. Махсус ваколатли давлат органи сўровларининг бажарилиши

182. Махсус ваколатли давлат органи соҳа бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан, Банкнинг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ёзма сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

183. Ички назорат хизматида соҳа бўйича масъул бошқарма ходимлари (тақсимотга кўра) махсус ваколатли давлат органининг ёзма сўровларини махсус каналдан олиш мақсадида ҳар 30 дақиқада текшириб турадилар.

Текшириш давомида сўровни биринчи бўлиб хабарнинг қайта ишланмаганлигини (қизил рангли хабарлар) кўрган ички назорат хизмати ходими, мазкур хабар мазмунига кўра (Марказий банк топшириқлари, махсус ваколатли давлат органи сўровлари/топшириқлари, ёки бошқа хабар эканлигига кўра) ички назорат хизматининг электрон каталогларига зудлик билан юклаши ҳамда тақсимотга кўра (сўров ёки маълумот тақдим этиш бўйича топшириқ мазмунига кўра, бундай вазифаларни ким бажариши бўлинма ичида тақсимланади) ижрога қабул қилиши лозим.

184. Сўров бўйича хабарни қабул қилган ички назорат хизматининг масъул ходими (тақсимотга кўра, бундан кейинги матнларда “сўровлар бўйича масъул ходим”) Бош банк таркибий бўлинмаларига уларнинг фаолиятига мос равишда хизмат ёзишмаси орқали миқозлар ва уларнинг операциялари базасидан текшириш текшириш бўйича 45 дақиқа ичида мурожаат қилади.

185. Миқоз ва (ёки) операциялар аниқланган ҳолда, Бош банк таркибий бўлинмалари улар бўйича қўшимча маълумотларни кўпи билан 75 дақиқа ичида тақдим қиладилар.

186. Тақдим қилинган маълумот махсус ваколатли давлат органи томонидан бериладиган (ўзгартириб борилиши мумкин бўлган шакл) электрон жадвал шаклига киритилади ҳамда тўлдирилиши лозим бўлган қисми (бўш қолган, миқознинг ҳужжатлари ва қўйи бўлинма фаолиятига боғлиқ қисми) қўйи бўлинма ички назоратига махсус канал орқали кўпи билан 1 соат ичида юборилади.

187. Сўров шакли ва тўлдирилган маълумотларни қабул қилган қўйи бўлинма ички назорати АБТ ва ИНДМ орқали, шунингдек миқозлар ва уларнинг операциялари бўйича асл ҳужжатлардан маълумотларни сўраб қўйи бўлинма таркибий бўлинмаларига мурожаат қилишлари, маълумотларни тўлдирган ҳолда кўпи билан 1,5 соат ичида махсус канал орқали қайта юборадилар.

188. Сўровлар бўйича масъул ходим маълумотларни умумлаштиради, тўғрилигини текширади, қўйи бўлинма ички назорати билан номувофиқ ҳолатларни телефон ва махсус каналда маълумот алмашиш орқали аниқлаштиради.

189. Сўровлар бўйича масъул ходим барча маълумотларни жамлаб, тўлиқлигини текшириб бўлгач, 2 соат ичида махсус ваколатли давлат органига махсус канал орқали жавоб қайтаради.

190. Жавобларнинг тезкор равишда ёки 8 соатдан кўп вақт ичида талаб этилишига кўра, сўровлар бўйича масъул ходим махсус ваколатли давлат органи томонидан юборилган сўровларнинг бажарилиш вақтини бошқариши, тезкор равишда маълумот талаб қилинган

сўровларни биринчи даражали вазифа сифатида белгилаши, 8 соатдан кўпроқ вақт белгиланган сўровларни иккинчи ёки ундан кейинги даражага тушириши мумкин.

191. Мазкур ҳолатда, тезкор сўров бўйича муддатни инобатга олган ҳолда, АБТ ёки ИНДМ воситасида аниқлаш имкони бўлган ҳолларда, ички назорат хизматининг бошқа ходимлари сўров бўйича маълумотни аниқлашда сўров бўйича масъул ходимга кўмак беришлари, сўров юқорида келтирилган вақтдан анча қисқа вақт ичида бажарилиши мумкин.

192. Маълумотлар АБТ, ИНДМ, Бош банк таркибий бўлинмалари, қуйи таркибий бўлинмалар ёки қуйи бўлинма ички назорати томонидан аниқланмаган ҳолларда, сўров бўйича масъул ходим томонидан сўров бўйича жавоб 1 соат ичида махсус канал орқали юборилади.

193. Хорижий давлатнинг соҳада иштирок этувчи ваколатли органининг сўрови мавжуд бўлганда, махсус ваколатли давлат органи Марказий банк орқали тегишли сўровни Банкка тақдим этади. Ички назорат хизмати бундай сўров асосида сўралаётган маълумотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

VIII. СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ БУЗИЛИШИ ДАЛИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари бузилиши далиллари бўйича хабар бериш

194. Ички назорат хизмати ходимлари томонидан, банкнинг бошқа ходимлари, миждозлари, ҳамкорлари, вендорлари ва бошқарув органлари томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари бузилиши тўғрисида маълумот аниқланганда (жумладан бошқа бўлинмалар хизмат ёзишмаси орқали билдирган ҳолларда), маълумотлар аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда махсус Lotus Notes дастури орқали бош банк ички назоратига билдириши лозим.

195. Бош банк ички назорати ходимлари, ўз навбатида ҳолатни қуйи бўлинма ички назоратидан олган аниқлаштиришга сарфланадиган вақтни инобатга олган ҳолда, унинг билдиришномасини ички назорат хизмати раҳбари ёки унинг ўринбосарига бир соат ичида етказиши лозим.

8.2. Миждозлар, уларнинг операциялари ва вендорлар бўйича тақдим этилган ахборот доирасидаги кейинги ҳаракатлар

196. Миждозлар, уларнинг операциялари, вендорлар бўйича ахборот тақдим этилган пайтдан бошлаб, бир иш куни давомида ички назорат хизмати раҳбари миждозлар, уларнинг операциялари ва вендорлар доирасида юқори таваккалчилик даражасини белгилаш, гумонли/шубҳали операцияни тақдим этиш, шунингдек, миждозлар ёки вендорлар билан амалий иш муносабатларини тугатиш ёки иш муносабатларига киришмаслик бўйича хизмат ёзишмаси орқали қуйи бўлинма ички назоратига ва раҳбарига кўрсатма бериши мумкин.

8.3. Вакиллик, халқаро пул ўтказмалари тизимлари ёки ресурс жойлаштириш/жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган томонлар бўйича ахборот доирасидаги кейинги ҳаракатлар

197. Вакиллик, халқаро пул ўтказмалари тизимлари ёки ресурс жойлаштириш/жалб қилиш бўйича алоқа ўрнатилган ҳамкорлар доирасида соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан, бундай ҳолат аниқланган иш кунининг охирига қадар бош банк ички назорати ходимлари томонидан ички назорат хизмати раҳбарига билдиришнома бериши лозим.

198. Ички назорат хизмати раҳбари, бундай билдиришномани қабул қилган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ҳамкорлар бўйича қўшимча маълумотларни ёки ҳужжатларни уларнинг узларидан олиш, масалани аниқлаштириш, комплекс таҳлилни амалга ошириш, шунингдек иш муносабатларини тугатиш ёки иш муносабатларига киришишни рад этиш юзасидан Бош

банкнинг таркибий бўлинмаларига хизмат ёзишмасини юбориш бўйича бош банк ички назорати ходимларига кўрсатма бериши мумкин.

199. Бош банкнинг таркибий бўлинмалари ўз навбатида, ҳолат бўйича қабул қилинган қарорни бир иш кунидан кечиктирмасдан бош банк ички назоратига хизмат ёзишмаси орқали билдириши лозим.

200. Бош банк ички назорати, ички назорат хизмати раҳбари кўрсатмасига асосан, агар бош банк таркибий бўлинмалари томонидан ҳолатнинг ҳал қилинганлигига ишонч ҳосил қилмасалар, Бошқарув аъзоларига мазкур ҳолат аниқланган иш кунининг охирига қадар билдиришнома тақдим қилишлари лозим.

8.4. Бош банк таркибий бўлинмалари, Бошқарув аъзолари томонидан соҳага оид қонунчилик талаблари бузилишига оид хабарларни тақдим этиш тартиби

201. Банкнинг бошқарув аъзоларидан ташқари ходимлари бўйича билдиришнома, агар улар соҳага оид қонунчилик талабларини бузганликлари/бузаётганликлари ҳақида тасдиқланган фактлар мавжуд бўлса, қуйи бўлинма ички назорати томонидан ички назорат хизмати раҳбарига ёки бош банк ходимлари ҳақида ички назорат хизмати раҳбари томонидан Бошқарув Раисига (ёки унинг ваколатли ўринбосарига) тақдим этилади.

202. Билдиришнома ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим.

203. Бошқарув аъзолари соҳага оид қонунчилик талабларини бузиши факти бўйича билдиришнома Кенгаш томонидан ваколат берилган қўмитанинг барча аъзоларига электрон хат орқали ички назорат хизмати раҳбари томонидан ҳолат аниқланган кундан эътиборан уч иш кунда маълум қилиниши лозим.

IX. МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, САҚЛАШ МАХФИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЯНГИЛАШ

9.1. Маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш

204. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган тўлиқ ёки қисман хорижий тилда тузилган ҳужжатлар Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан, зарур ҳолларда, давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши шарт.

205. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, Банкнинг таркибий бўлинмалари танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

206. Қуйи бўлинмалар ички назорати махсус журналлар билан таъминланади, махсус журнал ип ўтказиб тикилган, рақамланган ва унинг орқа томонида саҳифалар сони, журнални юритиш бошланган сана (йил, ой, кун) кўрсатилган ва Ички назорат хизмати раҳбарининг имзоси қўйилган бўлади.

207. Махсус журналда операция ҳақидаги барча маълумотлар (махсус журналга киритиладиган маълумот тартиб рақами ва санаси; миждо номи (миждо хос рақамини кўрсатган ҳолда); операция тури, суммаси ва амалга оширилган санаси; миждо контрагенти ҳақидаги маълумотлар; операция юзасидан маълумот тақдим қилган бўлинма номи; операция бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида маълумот, шу жумладан, хабар берилган сана ва рақами ва бошқалар).

208. Миждони лозим даражада текшириш жараёнида олинган миждо тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ миждо анкетасида қайд этилади. Мазкур қоидалар ва соҳа бўйича банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ миждо анкетасига бошқа маълумотларни киритилиши мумкин.

209. Барча мижозлар (лозим даражада текшириш талаб этилмайдиган мижозлар бундан мустасно) бўйича анкеталар махсус дастурлар ёрдамида электрон шаклда тўлдирилади. Гумонли ва (ёки) шубҳали операцияларни амалга оширувчи ва юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозлар бўйича анкеталар реестри электрон шаклда ИНДМда юритилади. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз анкетаси қоғоз шаклида чиқарилганда қуйи таркибий бўлинма бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари ёхуд қуйи бўлинма ички назорати ички назорат томонидан тасдиқланади.

210. Электрон шаклда тўлдирилган анкеталар Банкнинг мижозларнинг идентификациясини амалга оширувчи ходимларига, шу жумладан, тўлов агентлари ва тўлов субагентларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

211. Мижоз анкетаси ИНДМда белгиланмаган муддат давомида сақланади, бироқ Ички назорат хизмати томонидан, ИНДМнинг архив қисмига муносабат тугатилганига 10 йилдан ошган мижозлар анкеталари Бош банк ички кузатуви остида қуйи бўлинма ички назорати томонидан архивлаштирилиши мумкин.

212. Мижоз анкетасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек у томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, қуйи бўлинма ички назорати бундай маълумот олинган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мижоз билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб боради, бироқ дастурий ва АБТнинг техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, таваккалчилик даражаси (маълум таваккалчилик омилига кўра) автоматлаштирилган ҳолда белгиланишига йўл қўйилади.

213. Операциялар тўғрисидаги ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим. Мазкур мақсадда, филиаллар томонидан юборилган маълумотларнинг охириги 7 йил учун ички назорат хизматининг компьютер хотираларида сақланади.

214. Мижозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ олинган электрон ахборот охириги 10 йилдан олдин олинган бўлса, бундай маълумотлар 1 йилда бир марта каттик диск ёки оптик диск хотираларига, ички назорат хизмати ходимлари томонидан архивланади.

215. Архивланган, маълумот билан тўлдирилган хотира дисклари охириги 15 йил учун ички назорат хизмати ходимларининг сейфларида сақланади, ундан олдинги маълумотлар қонунчиликда белгиланган тартибда архивларда сақланади.

216. Ички назорат хизмати ходимларининг компьютер ва электрон хотирага эга бошқа ускуналари, агар технологик ва маънавий эскириш туфайли алмаштириладиган бўлса, тегишли тартибда янги ускуналарга кўчирилади, ёки эски маълумотлар ахборот хавфсизлиги мутахассислари иштирокида хотира ускуналарига ёзилади ва мазкур бўлимда келтирилган тартибда сақланади.

217. Операциялар тўғрисидаги ахборот, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материаллар, ҳисобрақамлар бўйича файллар ва хизмат ёзишмалари, ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижаларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақланиши шарт.

218. Ички назорат хизмати фаолиятида ишлатилган ҳужжатларга (Марказий банк ва махсус ваколатли давлат органи билан ёзишмалар, шу жумладан, махсус ваколатли давлат органига берилган қоғоз ва электрон шаклдаги хабарлар; мижозларнинг қоғоз ва электрон шаклидаги анкеталари; журналлар ва бошқалар) кириш имкониятини чегаралаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита Ички назорат хизмати (масъул ходим) томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда қонунчилик

хужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин камида беш йил мобайнида сақланиши керак.

219. Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат хизмати соҳа билан боғлиқ бўлган ахборотга, шу жумладан, банк архивида сақланаётган хужжатларга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳукуқига эга эмаслар.

220. Банкнинг таркибий бўлинмаларининг ва ички назорат хизматининг ходимлари ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини (ёки шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди, мазкур Қоидаларнинг V-бобида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бундан мустасно.

221. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан, анкетадан миқдорнинг идентификация маълумотларининг тақдим қилиниши қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

222. Миқдорларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда миқдор маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, бироқ миқдор таваккалчилиги юқори баҳоланганда йилига камида бир маротаба, бошқа ҳолларда икки йилда камида бир маротаба янгиланиши лозим.

9.2. Миқдорлар маълумотларини янгилаш

223. Миқдорларни лозим даражада текшириш бўйича электрон сўровномалар ИНДМ воситасида назорат қилинади, жумладан миқдор таваккалчилиги юқори баҳоланганда йилига камида бир марта, бошқа ҳолларда икки йилда камида бир марта янгилаш бўйича миқдор операцияни амалга оширишга уринган ҳолатда қуйи таркибий бўлинмалар ходимларига махсус электрон хабар чиқарилади (операцияни амалга ошириш пайтида).

224. Махсус хабарномани олган вақтда, фронт-офис ходимлари жисмоний шахслар бўйича қуйидагиларни амалга оширишлари шарт (автоматлашган тарзда амала оширилиши мумкин, бунда амалиётлар тизим томонидан бошқарилади):

Агар миқдор операцияларни масофавий хизматлар ёрдамида амалга ошираётган бўлса, миқдорнинг бундай хизмати блоклаш ва электрон почтасига қуйидаги маълумотларни янгилаш юзасидан (маълумотни электрон хат орқали тасдиқлаш, хужжатларнинг электрон нусхаларини илова қилинишини илтимос қилган ҳолда), электрон хат юбориш;

миқдорнинг қайси ҳудудларда яшаётганлиги ёки фаолият кўрсатаётганлигини тасдиқлаш;

миқдорнинг банк операцияларини амалга ошириш мақсадида учинчи шахсга ишончнома берганлиги ёки бермаганлиги бўйича электрон хатдаги тасдиқ;

миқдорнинг шахсини ва унинг ишончли вакили шахсини тасдиқловчи (миқдор учинчи шахсга бундай ишончнома берганлигига кўра) хужжатнинг электрон нусхасини;

ўрнатилган иш муносабатлари ёки ўтказилиши режалаштирилаётган операцияларнинг мақсади ва характерини электрон хатда тавсифлаш;

агар миқдорнинг ҳисобрақамига қирим қилинаётган маблағлар манбасини ҳисобрақам айланмаси орқали тушуниш имконияти мавжуд бўлмаса, ҳамда миқдорнинг маблағлари манбалари юзасидан маълумот етарли бўлмаса, унинг охириги операцияси амалга оширилган санадан олдинги бир ой муддатдаги БХМнинг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган миқдорда қирим қилинган маблағлар манбасини электрон хатда тавсифлаш;

мблағлар манбаси бўйича электрон хатдаги маълумотлар ноодатий (миқдор фаолиятидан фарқ қилувчи, масалан қарз, мерос, топиб олинган ва шунга ўхшаш, хужжат билан тасдиқланиши қийин бўлган) ёки нақд маблағлардан иборат (жумладан бошқа банклар кассалари ва нақд тўлдириш ускуналари орқали тўлдирилган) бўлса, маблағлар манбасини

тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатган ҳолда миждоз электрон хат билан жавоб берган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қайта сўров юбориш (электрон хат орқали).

Мижоз тегишли маълумот ва ҳужжатларни унга сўров юборилгандан кейинги иш кунини давомида тақдим этмаган ҳолда, ёки иккита ва ундан ортиқ сўровга атайлаб номувофиқ ҳужжат тақдим қилганда, миждоз ҳисобрақами чиқим қисмига ҳисобрақамни очган бўлинима томонидан банд солинади.

Ҳисобрақамга солинган банд амалиёти миждозларнинг банкка мурожаатига қадар давом эттирилади, мурожаат қилинган пайтдан бошлаб мазкур бўлим талаблари бажарилади.

Маълумотлар тақдим этилган ҳолларда, маълумот олинган кунининг охирига қадар фронт-офис томонидан миждознинг анкетадаги маълумотлари солиштирилади, маълумотлар фарқ қилмаган ҳолларда, маблағлар манбаси бўйича операцияларни таҳлил қилиш мақсадида бэк-офис ва қуйи бўлинима ички назоратига электрон хат орқали қайта йўналтирилади.

Маълумотлар фарқ қилган ҳолда, фронт-офис томонидан миждоз анкетасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, ўзгартиришлар миждознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга тегишли бўлган ҳолларда, миждозга янги анкета шахсини тасдиқловчи янги ҳужжат маълумотлари кўрсатилган ҳолда шакллантирилади.

225. Бэк-офис ва қуйи бўлинима ички назорати ўз навбатида маълумотларнинг тўғрилигини текширади ҳамда комплекс таҳлил давомида маълумотлардан фойдаланади, комплекс таҳлил давомида шубҳали ҳолатлар аниқланмаса, бу ҳақда миждознинг тегишли электрон анкетасида комплекс текширув санаси ва вақти ҳамда ходимнинг фамилияси ва исми киритилади.

226. Агар миждоз бевосита қуйи таркибий бўлинимада операцияни амалга оширишни режалаштирган бўлса, унда миждознинг ўзидан бевосита мазкур бўлим талабларига кўра ҳужжатлар ва махсус сўровнома асосида бошқа маълумотлар ёки мазкур қоидалар талабларига мос равишда маблағларни тасдиқловчи ҳужжатлар (манба) шаклида олинади.

227. Махсус хабарномани олган вақтда, фронт-офис ходимлари юридик шахслар бўйича қуйидагиларни амалга оширишлари шарт (автоматлашган тарзда амала оширилиши мумкин, бунда амалиётлар тизим томонидан бошқарилади):

Миждодан электрон хат воситасида ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмасдан қуйидаги ҳужжат ва маълумотларни сўраб миждозга мурожаат қилиш:

Миждози лозим даражада текшириш бўйича амалдаги ҳужжатларнинг электрон нусхаларини қайта тақдим қилишини сўраб электрон хат юбориш;

миждоз ҳужжатларини 2 иш кунини давомида электрон хатга илова қилган ҳолда тақдим этиши лозим;

миждознинг тақдим қилган электрон ҳужжатлари бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда, улар очик манбалар орқали верификация қилинади;

верификация қилиниши имконияти мавжуд бўлмаган ҳужжатлар миждознинг ўзидан сўраб олинади;

маълумотлар ва ҳужжатлар олингандан сўнг, миждознинг лозим даражада текшириш давомида олинган маълумотлари билан солиштирилади;

барча маълумотлар мос келса, бу ҳақда идентификация анкетасида тегишли белги (миждодан олинган ҳужжатлар ва маълумотлар идентификация маълумотларига солиштирилган сана ва вақт ҳамда солиштиришни амалга оширган фронт-офис ходими) қўйилади;

мос келмаган маълумотлар аниқланса, мазкур ҳолатни тўлиқ кўрсатиб, бэк-офис ва қуйи бўлинима ички назоратига ҳолат аниқланган иш кунини охиригача хизмат ёзишмаси орқали билдириш.

228. Бэк-офис ва қуйи бўлинима ички назорати, ўз навбатида миждоз ва унинг операциялари юзасидан комплекс таҳлилнинг амалга ошириши ҳамда миждознинг ҳатти-ҳаракатлари ёки операциялари бўйича гумонли/шубҳали хабарномани махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш масаласини кўриб чиқадилар;

229. Мижоз масофавий хизматлардан фойдаланаётган бўлса, унда масофавий хизмат орқали (дастурий равишда кўзда тутилган бўлса) ёки электрон хат орқали миждозга ҳолатни тушунтириш бўйича ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмаган ҳолда муружаат юборадилар (миждоз ўз навбатида муружаатни олган иш кунидан эртаси кундан кечиктирмаган ҳолда тушунтириш бериши лозим);

230. Мижоз маълумотларни ёки ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаган ҳолда, масофавий хизматга (агар уланган бўлса) ва ҳисобрақамнинг чиқим қисмига банд солинади.

231. Банд солинган куннинг охирига қадар, бажарилган амаллар, уларнинг сабабларини, комплекс таҳлил амалга оширилган сана ва вақт ҳамда уни амалга оширган ходим фамилияси ва исмини кўрсатиб, тегишли белгини миждознинг электрон анкетасига киритиб қўядилар.

232. Мижоз барча маълумотларни ва ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этган ҳолларда, бэк-офис ва қўйи бўлинма ички назорати миждозларни лозим даражада текширишнинг стандарт чора-тадбирларини қўллаб, ўтказилган комплекс таҳлил натижаларини (вақти ва санаси, ходим фамилияси ва исми ҳамда комплекс таҳлилда гумонли, шубҳали ёки номувофиқ ҳолатлар аниқланмаганлиги тўғрисида белгини қўйган ҳолда) миждоз анкетасига таҳлил яқунланган кундан кечиктирмаган ҳолда миждознинг электрон анкетасига киритиб қўядилар.

233. Келгусида миждоз муружаат қилган ҳолларда, мазкур бўлимда келтирилган, юридик шахсларнинг маълумотларини янгилаш бўйича чора-тадбирлар, жумладан миждозни лозим даражада текшириш чора-тадбирлари, керак бўлган вақтда лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўлланади.

234. Миждознинг анкетасидаги маълумотлар янгиланиши дастурий усулда назорат қилинади ҳамда янгиланиш муддати келган, бироқ анкетасида ўзгариш бўлмаган миждозларнинг ҳисобрақамлари чиқим қисмига дастурий жиҳатдан банд солинади (жараён ИНДМ воситасида бошқарилади).

235. Миждозни лозим даражада текшириш бўйича маълумотларни такрорий амалга оширилиши қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

миждозни лозим даражада текшириш натижасида аввалги олинган маълумотлар ишончлилигига гумон туғилган тақдирда (фронт-офис операцияларни амалга оширишдан олдин, бэк-офис, қўйи бўлинма ички назорати операциялар таҳлили давомида, лекин ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмасдан);

миждоз томонидан шубҳали (ҳақиқийлигига шубҳа туғилган), нотўғри, ноодатий, ғайриоддий схема аломатлари мавжуд (масалан, операцияда уч ёки ундан ортиқ томонлар иштирок этиши, учинчи шахс бошқариб турганлиги аниқ бўлган миждоз томонидан тақдим этилган), нотўғри (қонунчиликдаги талаблар доирасида расмийлаштирилмаган) ҳужжатлар тақдим этилганда;

миждознинг вакили, юридик шахсларнинг раҳбарияти, таъсисчилари ёки бенефициар мулкдори ўзгарганлиги бўйича маълумотлар аниқланганда (миждоз билан муносабат давомида фронт-офис томонидан, мониторинг вақтида бэк-офис ва қўйи бўлинма ички назорати томонидан аниқланади);

жисмоний шахсларнинг амал қилиш муддати ўтган шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилганда (фронт-офис миждоз операцияларини бажаришдан олдин) ёки АБТ/ИНДМ орқали қўйи бўлинма ички назорати томонидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат амал қилиш муддати ўтган, лекин хизмат кўрсатилаётган (мобил илова ёки бошқа масофавий хизмат орқали бўлиши мумкин) миждозлар аниқланганда;

Бош банк ички назорати томонидан лозим даражада текширишни қайта ўтказиш кўрсатмаси (телефон ёки хизмат ёзишмаси орқали);

Марказий банк ёки махсус ваколатли давлат органининг сўровлари бўлган ҳолларда (мазкур йўналишда фақат очик манбалар орқали лозим даражада текшириш доирасидаги маълумотлар янгиланади).

236. Бир маротабалик операцияларни амалга оширган миждозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар, миждозни лозим даражада текшириш чораларини кўриш талаб қилинган кейинги операцияларни бажаришда янгиланади.

9.3. Банк гуруҳи доирасида мазкур қоидалар талабларини бажаришни таъминлаш механизмлари

237. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ва миждозларни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган маълумотларни алмашиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

Банкнинг хориждаги филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари улар жойлашган/рўйхатдан ўтган мамлакатдаги соҳа бўйича талабларни бажариши, шунингдек мазкур мамлакатлардаги молиявий разведка бўлинмаларига (FIU, Financial Investigation Unit) ҳамда регуляторларга (Марказий банк, Миллий банк, Молия вазирлиги ва ҳоказо) соҳа бўйича талаб этиладиган маълумотларни тақдим этиб бориши лозим;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ва миждозларни лозим даражада текшириш бўйича маълумотларни 1 иш кун ичида электрон тарзда алоқа канали орқали тақдим этишлари шарт;

барча таркибий бўлинмалар билан алоқа канали махсус ҳимоя, шифрлаш ва махфийликни сақлаш тартиб-қоидаларининг халқаро ва Ўзбекистон стандартларига жавоб бериши лозим;

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қуйи бўлинмалар Миллий ички назорат қоидалари ва мазкур қоидалар билан белгиланган талаблар ҳамда Ўзбекистон республикасидаги соҳа бўйича бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритишлари лозим;

агент ёки субагентлардан ташқари, Ўзбекистон ҳудудидаги қуйи таркибий бўлинмаларнинг барчаси Миллий ички назорат қоидалари ва мазкур қоидалар талабларини бажариш мақсадида, Бош банкда ўрнатилган АБТ ва ИНДМ воситалари билан таъминланишлари шарт;

агент ёки субагентларнинг ахборот тизимлари, ахборот алмашиш дастурлари миждозларни лозим даражада текшириш, жумладан идентификациялаш чоралари доирасидаги маълумотларни онлайн тарзда Бош банк АБТ ва ИНДМ воситаларига синхронлаштириш имкониятини бериши лозим;

барча таркибий бўлинмалар, соҳа бўйича маълумотларни ички назорат хизмати томонидан тасдиқланадиган шаклларга мувофиқ ҳисоботларни Бош банк ички назоратига ҳар чоракда (кейинги ойнинг 10 санасига қадар) тақдим этиб боришлари шарт;

комплаенс назоратни, аудитни ва (ёки) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш функцияларини гуруҳ даражасида таъминлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадлари учун зарур бўлган ҳолларда миждозлар, ҳисобварақлар ва операциялар тўғрисидаги маълумотларни олинишини таркибий бўлинма, жумладан агент ёки субагент раҳбари бўлган шахс жавобгар ҳисобланади;

Банк гуруҳининг барча бўлинмаларида маълумотлар ва ҳужжатлар мазкур қоидаларда келтирилган махфийлик ҳамда маълумотларни сақлаш талабларига мос равишда сақланиши ва ҳимоя қилиниши керак.

Х. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

238. Мазкур қоидалар Банкнинг тўлов агентлари ва тўлов субагентларига, шунингдек Банкнинг барча таркибий бўлинмаларига ҳамда шўъба банкларига ижро учун мажбурийдир.

239. Банкнинг таркибий бўлинмаларида, соҳа бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Ички назорат хизмати томонидан амалга оширилади.

240. Мониторинг натижасида салбий ҳолатлар аниқланганда (бўлинма соҳа бўйича мажбуриятларини бажармаётганлиги тўғрисида шубҳа бўлса) ёки бошқа шароит туфайли (масалан соҳадаги таваккалчиликлар даражалари кучайган ҳолларда) Банкнинг таркибий бўлинмалари, жумладан хорижий бўлинмалар ҳамда агент ва субагентлар доирасида ички назорат хизмати ходимлари текширувларни (жойига чиққан ҳолда ёки масофавий, Банк бошқарувининг фармойишига кўра) ўтказиш ҳуқуқига эга.

241. Банкнинг ва унинг таркибий бўлинмаларининг, жумладан агент ва субагентлар ҳамда хорижий қўйи бўлинмаларнинг соҳа бўйича фаолияти доирасида салбий ҳолатлар аниқланган ҳолларда (салбий ҳолатлар), шунингдек олинган маълумотларда салбий ҳолатлар аниқланмаган (ички назорат тизимининг одатий фаолияти) ҳолларда, ички назорат хизмати бу ҳақда Банк бошқаруви ҳамда Кузатув кенгашига (кенгашнинг ваколатли қўмитаси орқали) эркин хабар қилиш ва маълумотларни тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

242. Ички назорат хизмати Банкнинг бошқарувида қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради, шу жумладан, мазкур соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида Бошқарувни хабардор қилиб боради.

243. Ички назорат хизмати раҳбари Банкнинг фойда олишга қаратилган бўлинмаларини бошқариш ва операцияларни амалга ошириш бўйича ваколатга ва молиявий мажбуриятларга эга бўла олмайди, шунингдек лавозимларни қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

244. Банкнинг таркибий бўлинмалари, шу жумладан, Ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимлари Миллий ички назорат қоидалари ҳамда мазкур қоидаларни бузганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

245. Тўлов агентлари ва субагентлари миллий ички назорат қоидалари ва мазкур қоидалар талабларига риоя қилишларини таъминланиши шарт. Банк ўз тўлов агентлари ва тўлов субагентлари томонидан мазкур талабларни бузганлик учун жавобгар ҳисобланади.

246. Мазкур Қоидалар Кузатув кенгашида тасдиқлангандан кундан эътиборан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари”нинг эски таҳрири ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар (Кузатув кенгашининг Қарорлари рақамлари: 51/2017–2017 йил 30 август, 53/2017–2017 йил 6 сентябрь, 5/2019–2019 йил 25 январь, 20/2019–2019 йил 25 февраль, 2020/02–2020 йил 31 январь, 34/1–2021 йил 17 март) ўз кучини йўқотади.

Киритилди:

Комплаенс-назорат департаменти
директори

Келишилди:

Риск менежмент департаменти
директори

Методология бошқармаси
бошлиғи

 Ж.Юсупов

 З.Усманов

 С.Рахматуллаев

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига

1-ИЛОВА

Юқори таваккалчилик даражаси белгиланган миқозлар ҳамда операцияларнинг қўшимча тоифалари, гумонли ва шубҳали операцияларнинг қўшимча индикаторлари, аломатлари, мезонлари ёки шартлари

САНА

№	Таваккалчилик омили (миқоз ёки операция)	Миқоз (ЮШ, ЯТТ, ЖШ)	Миқоз тавсифи	Миқоз томонидан фойдаланилаётган маҳсулот/хизмат		Юқори таваккалчилик даражаси сумма (экв.) ёки транз.	Маъсул бўлиш / ходим	Қўриладиган чоралар
				Маҳсулот / хизмат номи	Операция тавсифи			
1	Операция*	ЖШ	Норезидент жисмоний шахс ёки юридик шахс номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган жисмоний шахс	Ҳисоб-китоб операциялари	Ҳисобрақамга бевосита ёки бидвосита нақд маблағлар кириш қилиш (бир марталик операция-ларда ҳисобрақамсиз), жумладан: - Омонатга; - Банк картасига; - Юридик шахс ҳисобрақамига устав жамғармасини тўлдириш, уставни ошириш, қарз, молиявий ёрдам, айланма маблағ, тушум, айланма маблағ учун, экспорт шартномаси бўйича тушум, импорт шартномаси бўйича маблағлар қайтарилиши; - Валюта айирбошлаш операциялари.	Исталган валюта ва суммада	Филиаллардаги чакана фронт-офис, юридик фронт-офис ва комплаенс-назорат хизмати ходимлари	Фронт офис: 1. Чуқурлаштирилган таҳлил амалга оширилади ва миқоз ҳисобрақамининг (ёки банк картасининг) қисми тўхтатилади, масофавий хизмат (интернет банкинг ёки мобил банкинг) тўхтатилади (уланган бўлса); 2. Миқоздан операциялар бўйича ёзма тушунтириш ҳамда операцияни ёки унинг манбасини асословчи, тасдиқланган, аслидан рангли олинган нусхалари (хорижий банк томонидан нақд чиқим қилинганлиги бўйича ҳисобрақам кўчирмалари, олди-сотди шартномалари, қарз шартномалари, иш ҳақи бўйича маълумотнома, юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари ва бошқалар) олинади; 3. Асосли маълумотлар етарли бўлган ҳолда (комплаенс-назорат ходими маълумотномасига кўра), операциялар тикланади Комплаенс-назорат хизмати ходими: 4. Фронт-офисдан олинган ва ўзи қўшимча ўрганган (барча мавжуд манбалар орқали) маълумотларни тўплайди ва комплекс таҳлилни амалга оширади; 5. Миқозлар ва операциялар бўйича маълумот етарли эканлигига кўра ҳисобрақамга таҳиқ қўйиш ёки таҳиқни бекор қилиш тўғрисида маълумотномани тақдим этади;

№	Таваккал-чилик омили (мижоз ёки операция)	Мижоз (ЮШ, ЯТТ, ЖШ)	Мижоз тавсифи	Мижоз томонидан фойдаланилган маҳсулот/хизмат		Юқори таваккал-чилик даражаси сумма (эқв.) ёки транз.	Масъул бўлишма / ходим	Кўриладиган чоралар
				Маҳсулот / хизмат номи	Операция тавсифи			
								6. Мижознинг комплекс таҳлилида салбий ҳолатлар миқдорига кўра филиал (БХМ) раҳбарига мижоз билан муносабатларни тўхтатиш/туғатиш бўйича таклиф юборади; 7. Бош банкка гумонли/шубҳали хабарномани ҳамда тўхтатиш чоралари бўйича маълумотномани тақдим этади.

*Юқори таваккалчиликка эга бўлган операция тури мисол сифатида келтирилган

Комплаенс-назорат
департаменти директори

(имзо)

Идентификация ва транзакцион
назорат бошқармас бошлиғи

(имзо)

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига

2-ИЛОВА

Мижозлар билан муносабатга киришиш ёки уларнинг операцияларини амалга ошириш, бошқа банк хизматлари / маҳсулотларини тақдим қилиш давомида, лекин бундай жараёнлардан олдин мијозларни лозим даражада текшириш чоралари қўрилиши шарт бўлган ҳолатлар (лозим даражада текшириш чора-тадбирлари қачон қўрилиши керак?)

а) Мијоз билан хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

а.1) юридик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварағини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

а.2) жисмоний шахс банк картасини олиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

а.3) юридик ва (ёки) жисмоний шахслар Банк томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни харид қилиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

а.4) юридик ва (ёки) жисмоний шахслар Банк устав капиталининг бир фоизга тенг ёки ошадиган суммадаги унинг акцияларига эгаллик қилганда;

а.5) жисмоний шахс кредит олиш ёки банк депозит ясейкаларида қимматбаҳо буюмларни сақлаш хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилганда;

б) бир марталик операциялар, шу жумладан улар ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта операцияни бажариш орқали амалга оширилаётган қуйидаги ҳолларда:

б.1) БХМнинг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада мијозлар томонидан банк кассаларидан бошқа банк томонидан берилган банк карталар орқали нақд чет эл валютаси олинishiда;

б.2) жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдорда чет эл валютасининг сотиб оlinishi;

б.3) базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, операцияларни амалга оширишда (нақд ёки нақдсиз, коммунал тўловлар, алоқа тўловлари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни инобатга олган ҳолда);

б.4) мазкур Қондаларнинг 57-бандида назарда тутилган пул ўтказмаларини бажаришда ёки қабул қилишда.

в) Миллий ички назорат қондалари ва мазкур Қондаларида ўрнатилган ҳар қандай истисноларга қарамасдан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда;

г) мијоз тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига ёки етарли эканлигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига

3-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Тугилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрини босадиган бошқа ҳужжат реквизитлари: ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.
7. Уй телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига

4-ИЛОВА

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган

МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

- а) тўлиқ, шунингдек, агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;
- в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;
- г) жойлашган ери (почта манзили), шунингдек рўйхатдан ўтган офисининг манзили ва бош офисининг манзили, агар у биринчисидан фарқ қилса;
- д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;
- е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;
- ж) имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар;
- з) юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда миқдорнинг устав фонди (капитали)даги уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар;
- и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;
- л) телефон рақамлари.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига

5-ИЛОВА

Мижоз анкетасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, мазкур Қоидаларнинг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Мижознинг бенефициар мулкдори тўғрисидаги маълумотлар.
3. Мижознинг юқори мансабдор шахс (унинг онла аъзоси ёки унга яқин шахс) эканлиги тўғрисида белги.
4. Таваккалчилик даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан, таваккалчиликни баҳолаш асослари.
5. Банк томонидан миждозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
6. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — банкдаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.
7. Мижоз анкетаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
8. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
9. Қоғоз шаклидаги миждоз анкетасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги миждоз анкетасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
10. Мазкур қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига 7-ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ / АКБ “Ўзпромстройбанк”

Юридик шахс - мижоз ва операцияларни лозим даражада текшириш бўйича сўровнома (Ўзб.)

Опросник по надлежащей проверки клиентов юридических лиц и их операций (рус.)

1 Юридик шахс номи ва СТИРи / Наименование и ИНН юридического лица:

2 Бенефициар мулкдор*нинг фамилияси, исми ва шарифини кўрсатиш:

Укажте фамилию, имя и отчество бенефициарного собственника*:

3 Бенефициар мулкдор шахсини тасдиқловчи ҳужжати маълумотлари (тури, серия ва рақами, ким ва қачон берган):

Укажте документ, удостоверяющий личность бенефициарного собственника (тип, серия и номер, когда и кем выдан):

3 Агар бошқарувчилардан (директор, бухгалтер), таъсисчилардан бири ёки бенефициар мулкдорлардан бири юқори мансабдор шахс** бўлса, уларнинг лавозими (роли) ҳамда фамилияси, исми, отасининг исмини ёзинг:

Если кто-нибудь из руководителей (директор, бухгалтер), учредителей или бенефициарный собственник являются публичным должностным лицом**, укажте их должность (роль), а также фамилию, имя, отчество:

4 Банк билан ўрнатаётган муносабатларингиз мақсади ва характерини тавсифланг (банк хизматларидан ташқари):

Опиште цели и характер деловых отношений с банком (кроме услуг банка):

5 Миллий валютада режалаштирилаётган операцияларнинг мақсади ва характерини тавсифланг:

Опиште цели и характер запланированных операций в национальной валюте:

6 Агар хорижий валютада ҳисобрақам очилиши режалаштирилаётган бўлса, операцияларнинг мақсади ва характерини тавсифланг:

Опиште цели и характер запланированных операций, если запланировано открытие счётов в иностранной валюте:

7 Барча маълумотлар тўғрилигини тасдиқлайман, нотўғри маълумотлар операцияларнинг рад этилишига сабаб бўлишидан хабардорман:

Подтверждаю правильность всех данных, осведомлён, что неправильные данные могут привести к отказу в операциях:

Сана / Дата: _____ 2022 г. Лавозим / Должность: _____

ФИШ / ФИО: _____

Имзо / Подпись: _____

* бенефициар мулкдор — яқиний ҳолатда мулк ҳуқуқида эгаллик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс ёхуд манфаати ҳўланган ҳолатда пул нибиледари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилайтган юридик шахс;

** юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг ҳоким чикарувчи, иккоро этувчи, мазмурий ёки суд органида, шу жумладан ҳарбий тузилмаларида, ёхуд халқаро ташкилотда доний, вақтинча ёки махсус вазокат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бикарувчи ва юридик административ эга бўлган ҳаракатларни содир этишга вазокатли шахслар, шуниинглек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг танкили сибсатчилари ва сибсатли партиаларининг танкили аъзолари (шу жумладан собик);

* бенефициарный собственник — лицо, которое в конечном итоге владеет правами собственности или реально контролирует клиента, и в интересах которого совершается операция с денежными средствами или иным имуществом;

** публичные должностные лица — лица, назначаемые или избираемые постоянно, временно или по специальному полномочию, выполняющие организационно-распорядительные функции и уполномоченные на совершение юридически значимых действий в законодательном, исполнительном, административном или судебном органе, в том числе военных структурах иностранного государства либо в международной организации, а также высокопоставленные руководители предприятий иностранных государств, известные политики и известные члены политических партий иностранных государств (включая бывших).

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашниш бўйича ички назорат Қондаларига
8-ИЛОВА

Фронт-офис, бэк-офис ва қўйи бўлинма ички назорати томонидан миждозларни лозим даражада текшириш давомида кўриладиган чора-тадбирлар доирасида мониторинг талаблари

1. Миждознинг топширикнома, ариза ёки илтимосномалари мазмунига визуал равишда эътибор бериш, жумладан миллий валютадаги нақд маблағлар, хорижий валютадаги барча маблағлар, шунингдек йирик миқдордаги операцияларига эътибор қаратиш (қунийлик тарзда, лекин миждознинг топширикнома, ариза ёки илтимосномалари бажарилишидан олдин фронт-офис ходимлари томонидан амалга оширилади);

2. Миждознинг барча топширикномалари, аризалари ёки илтимосномалари, жумладан янги ҳисобварақ очиш ёки бошқа хизматдан фойдаланиш бўйича берган аризаларига эътибор бериш ҳамда уларнинг миждоз билан муносабатлар тавсифига (сўровнома, идентификация анкетаси ёки бошқа ҳужжатлар орқали аниқланади) тўғри келишини ўрганиш (фронт-офис ходимлари томонидан шубҳа пайдо бўлган ариза, топширик ёки илтимоснома доирасида олдин тақдим этилган ҳужжат/маълумотларга мослигини текшириш (фронт-офис ходимлари томонидан фақат миждоз топшириғида шубҳа пайдо бўлган вақтда, лекин 15 дақиқа ичида амалга оширилади);

3. Миждознинг ҳисобварақ айланмаларини (электрон, чоп этилган айланма ёки кўчирмалардаги) таҳлил қилиш, бунда кечаги иш қуни учун барча операцияларни визуал тарзда текшириш етарли бўлади (бэк-офис томонидан қунийлик ҳужжатлар йиғмажидди шакллантирилиши ёки чоп этилган кўчирмалар таҳлили давомида амалга оширилади, қўйи бўлинма ички назорати томонидан фақат гумонли ёки шубҳали операциялар таҳлили доирасида амалга оширилади, жараён кечаги иш қуни учун операцияларини кетма-кет текшириш давомида, лекин иш қунининг охирига қадар тугатилиши керак);

4. Миждознинг топширик ёки операцияларида таваккалчилик индикаторлари мавжудлигини ўрганиш (бош банк таркибий бўлинмалари, қўйи таркибий бўлинмалардаги фронт ва бэк-офислар, ички назорат хизмати ходимлари, топширик берилган пайтдан 15 дақиқа ичида, кечаги иш қуни айланмалари доирасида иш қунининг охиригача)

5. Миждозларнинг ҳамкорлари, жумладан пул маблағларини юборувчи ҳамкорлари сони ва доимий ҳамкорлардан пул маблағлари келиб тушишига (жисмоний шахсларда масалан иш ҳақидан ташқари маблағлар тушиши, юридик шахсларда контрагентлар ҳудудига ёки сони ўзгаришига) эътибор бериш (бош банк таркибий бўлинмалари, қўйи таркибий бўлинмалардаги фронт ва бэк-офислар, ички назорат хизмати ходимлари, топширик берилган пайтдан 15 дақиқа ичида, кечаги иш қуни айланмалари доирасида иш қунининг охиригача);

6. Миждознинг гумонли ёки шубҳали мезон ва аломатлар аниқланганда тегишли тартибда хабар бериш.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашниш бўйича ички назорат Қондаларига
9-ИЛОВА

Фронт-офис, бэк-офис ва қўйи бўлимида ички назорати томонидан миждозларни лозим даражада текшириш давомида қўриладиган чора-тадбирлар ҳамда алоҳида вазифалар

1. Миждознинг шахсини текшириш миждоз тақдим этган ҳужжатларга ёки учинчи томон тақим қилган маълумотларига нисбатан банкка муружаат қилган шахснинг мослигини, яъни айнан ҳужжатларда кўрсатилган миждозга хизмат кўрсатилаётганлигини текширишни (фронт офис, миждоз билан муносабатга киришиш тугашидан олдин);

2. Миждознинг шахсини идентификация қилиш махсус (ички назорат хизмати томонидан тақдим этилади) ёки ИНДМдаги электрон идентификация сўровномаларда миждоз ҳақидаги маълумотларни акс эттириш ва сақлаб қўйишни (фронт-офис, ўз фаолияти йўналиши бўйича, миждоз билан муносабатга киришиш тугашидан олдин);

3. Миждоз номидан иш қўраётган шахсини идентификация қилиш, шахсини ва ваколатларини текшириш юридик шахслар бўйича бундай шахсларнинг вакиллари (масалан раис, директор, раҳбар, бош бухгалтер, бош инженер, директорлар ўринбосарлари ва ҳоказо), жисмоний шахслар бўйича улар ишончнома берган бошқа жисмоний шахснинг (яъни ишончнома билан бир жисмоний шахс номидан банкка муружаат қилаётган иккинчи жисмоний шахснинг) маълумотларини ИНДМдаги электрон идентификация сўровномаларида акс эттириш ва сақлаб қўйишни (фронт-офис, миждоз билан муносабатга киришишдан олдин);

4. Иш муносабатларининг ёки операцияларнинг миждозга мувофиқлигини текшириш, бунда миждоз қалбаки ҳужжатлар ёки бошқа миждозларнинг маълумотларига ўхшамайдиган, ноодатий бўлган маълумотлар тақдим этмаслигини текшириб боришни (фронт-офис, миждоз янги ҳужжатларни тақдим этган пайтнинг ўзида);

5. Иш муносабатларининг ёки операцияларнинг миждоз фаолиятига мувофиқлигини доимий равишда ўрганиб боришни, яъни миждознинг жорий ёки охириги операциялари у томонидан тақдим этилган маълумот/ҳужжатлар ёки очик манбалардан олинган маълумотларга мослигини таққослаб ўрганиб боришни (асосан фронт-офис, кейинги босқичда бэк-офис ва ички назорат);

6. Иш муносабатларининг ёки операцияларнинг миждоз таваккалчилигига мувофиқлигини текшириш таваккалчилик индикаторларига асосан (банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтириш бўйича ички ҳужжатларида белгиланади) доимий ўрганиб боришни (асосан фронт-офис, кейинги босқичда бэк-офис ва ички назорат томонидан амалга оширилади, бироқ таваккалчилик даражасини ички назорат ходими белгилайди);

7. Иш муносабатларининг ёки операцияларнинг миждоз томонидан тақдим этилган ёки очик манбалардан ўрганилган маблағлар манбасига мослигини текшириш ҳар доим ҳам ўтказилмайди, маблағлар манбаси ўрганилиши шарт бўлган ҳолатлар банкнинг ички ҳужжатларида белгилаб берилади, бундай ҳолатлар белгиланмаган бўлса фронт-офис ходими миждоздан унинг маблағлари манбасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига
10-ИЛОВА

Фронт-офис, бэк-офис ва қуйи бўлима ички назорати томонидан кўрилиши лозим бўлган миждозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чоратадбирлари ҳамда алоҳида вазифалар

Мижоз ҳақида очиқ манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш (бэк-офис ва ички назорат хизмати томонидан муносабатларга киришишдан кейин, лекин бир иш қунидан кечиктирмаган ҳолда амалга оширилади);

Мижоздан у томонидан амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш (фронт-офис ходимлари томонидан миждоз операциясини бажаришдан олдин амалга оширилади);

Мазкур миждоз томонидан ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг мақсадларини ўрганиш (миждоз билан муносабатга киришишдан ёки операциясини бажаришдан олдин фронт-офис томонидан махсус сўровнома орқали, кейинги босқичларда ички назорат хизмати томонидан олинган маълумот/ҳужжатлар ҳамда ўрганилган очиқ маълумотлар асосида ўрганилади);

Ушбу миждоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш (фронт-офис жорий операциялари бўйича, бэк-офис ва ички назорат хизмати ўтган операциялар бўйича, мазкур қоидаларда келтирилган юқори таваккалчилик мониторинги тартиб-қоидалари доирасида).

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига
11-ИЛОВА

Фронт-офис, бэк-офис ва қўйи бўлима ички назорати томонидан миждозларни лозим даражада текшириш давомида юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ёки уларга алоқадор шахслар аниқланган миждоз билан муносабатта қилинишни тасдиқлаш шакли

1. Миждоз фамилияси, исми ва шарифи / Фамилия, имя и отчество клиента;
2. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат рақами ва серияси / Серия и номер документа, удостоверяющего личность
3. Рўйхатдан ўтказилган манзил ёки яшаш манзили / Адрес регистрации или места жительства;
4. Юридик шахс номи / Наименование юридического лица;
5. Таъсисчилар ва бенефициар мулкдорлар номи / Имена учредителей и бенефициарного собственника;
6. Амалий иш муносабатлари тавсифи / Описание бизнес отношений (характеристика);
7. Юридик шахс манзили / Адрес юридического лица;

Ички назорат хизмати учун / Для службы внутреннего контроля:

1. Юқори мансабдор шахс алоқалари / Отношения с публичным должностным лицом;
2. Юқори мансабдор шахс бўйича тизим натижалари / Результаты запроса в системе по публичному должностному лицу;
3. Юқори мансабдор шахс бўйича натижа / Результаты по публичному должностному лицу
4. Ички назорат хизмати ҳулосаси / Заключение службы внутреннего контроля;

Бошқарув тасдиқлаши қисми / Часть для одобрения Правлением:

1. Бошқарув Раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарининг фамилияси, исми ва отасининг исми / Фамилия, имя и отчество Председателя Правления или его уполномоченного заместителя;
2. Лавозими / Должность;
3. Сана / Дата;
4. Имзо / Подпись;

Мавжуд ҳисобварақ (агар бор бўлса) / Существующий банковский счёт (если существует)

1. Барча банк ҳисобварақлари, уларнинг тури ва очилган саналар / Банковские счета, их виды и даты открытия

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни бўйича ички назорат Қоидаларига
12-ИЛОВА

Фронт-офис, бэк-офис ва қуйи бўлинма ички назорати томонидан миқозларни лозим даражада текшириш давомида юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ёки уларга алоқадор шахслар аниқланган ҳолларда кўриладиган чора-тадбирлар ҳамда алоҳида вазифалар

Юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриши (миқоз билан муносабатга киришишдан олдин, мавқеи қуйи бўлинма ички назорати томонидан очиқ манбалар асосида, бошқа маълумотлар фронт-офис томонидан махсус сўровнома ёрдамида аниқланади);

Юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина Банк бошқаруви Раиси ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосари рухсати билан киришиши ёки мавжуд миқозлар учун давом эттириши (фронт-офиснинг хизмат ёзишмасини олгандан кейин ёки телефондаги мурожаатидан сўнг, ички назорат хизмати бундай рухсатни банк раҳбарияти имзоси билан ҳолат аниқланган иш кунидан кеч бўлмаган муддатда етказди, банк раҳбарияти рухсати бўлмаган ҳолларда, миқоз билан муносабатга киришиш, шартнома расмийлаштириш ёки операцияларни амалга ошириш рад этилади);

Амалий иш муносабатларини мунтазам равишда чуқур мониторинг қилиб бориши лозим (дастлаб фронт-офис, кейинги босқичларда бэк-офис ва ички назорат хизмати томонидан амалга оширилади);

Миллий юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ҳамда уларга яқин алоқадор шахслар билан амалий иш муносабатларига киришишда Банк бошқаруви раиси ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосари рухсати талаб этилмайди, бундай рухсат ички назорат хизмати раҳбари томонидан берилади, мазкур қоидаларнинг 3.2, 3.3 ва 3.5 бўлимлар, шунингдек мазкур 8, 9, ва 10 иловалардаги бошқа барча талаблари бажарилади.

Банкнинг таркибий бўлинмалари ва ички назорат хизмати ходимлари юқоридаги чораларни юқори мансабдор шахсларнинг оила аъзоларига ёки юқори мансабдор шахсга яқин шахсларга нисбатан ҳам кўришлари керак.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашниш бўйича ички назорат Қондаларига
13-ИЛОВА

Юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ёки яқин боғлиқ шахслари билан муносабатга киришиш қондалари

1. World-Check-Data рўйхатлари харид қилинган (обува бўлинган) тизимдан XML шаклида юкланиб, кунлик тарзда ИНДМга ахборот технологиялари мутахассислари томонидан юклаб бориладиган рўйхатлардан иборат.

2. Мазкур рўйхат ИНДМнинг блокировка тизимига (306-Поиск подозрительных лиц модули) дастурий тарзда интеграция қилинган бўлиб, ўз ичига юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳамда уларга яқин шахслар рўйхатларини олади.

3. Барча ходимлар миқозларга ҳисобрақам очтишдан ва муносабатга киришишдан олдин, ИНДМ автоматик тарзда минимал солиштириш фойзалари орқали миқозларнинг номини (исм, фамилия ва отасининг исми ёки юридик шахс номи) текширади ҳамда мослик аниқланган ҳолларда, миқозга шахсий ҳисобварақ очтишни ёки бир марталик операцияларни амалга ошириш жараёниларини давом эттирмайди.

4. Муносабатларни давом эттириш тўхтатиб турилган ҳолатда миқоз билан беvosита мулоқот қилувчи ходим қўйи бўлинича ички назоратга мослик аниқланганлиги ҳақида 5 дақиқа ичида телефон орқали мурожаат этади.

5. Қўйи бўлинича ички назорат миқознинг рўйхат билан тўлиқ мос келишини текширади ҳамда тўлиқ мос келиши ёки келмаслиги бўйича мурожаат қилган ходимга 10 дақиқа ичида телефон орқали хабар бериши лозим.

6. Миқознинг юқори мансабдор шахс эканлиги тасдиқланган ҳолларда, миқознинг ҳисобрақам очтиш бўйича аризаси масъул ижрочи томонидан қабул қилинади, бироқ ҳисобрақам очилмайди.

7. Ҳисобрақамни очтиш бўйича ариза ёки бир марталик операцияни амалга ошириш бўйича ариза қўйи таркибий бўлинича томонидан қабул қилинади ҳамда рангли тарзда сканер орқали нусха олиндиб, бош банк ички назоратига 60 дақиқа ичида тақдим этилади.

8. Аризага қўшимча равишда ҳисобрақамни очтиш ва миқоз билан муносабатга киришишга рухсат сўралган хизмат ёзишмаси (бош банк ички назорати томонидан шакл яратилади, Бошқарув Раисига йўналтирилади, филиал раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади), миқоздан лозим даражада текшириш бўйича олинган ҳужжатлар махсус канал орқали бош банк ички назоратига тақдим этилади.

9. Бош банк ички назорати, ўз навбатида барча ҳужжатлар ва қўйи таркибий бўлинича хизмат ёзишмасининг сканер нусхаларини чоп этиб, Бошқарув Раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарига рухсат бериш учун етказилади, Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинган қарор салбий (муносабатга киришмаслик) бўлса, ҳужжатга “рад этилсин” мазмунида виза (устхат) қўяди ҳамда мазкур ҳужжат қўйи таркибий бўлинича ва қўйи бўлинича ички назоратига қайта сканерланиб, 60 дақиқа ичида (иш куни тугаган ҳолларда, эртаси куннинг биринчи 60 дақиқасидан кечиктирмаган ҳолда) махсус канал орқали етказилиши лозим.

10. Бош банк ички назоратида, юқори мансабдор шахсга нисбатан, унинг шундай шахс эканлигидан ташқари, соҳа бўйича суд ёки тергов (миллий ва хорижий) томонидан иш қўзғатилганлиги тўғрисида асосланган (ишончли электрон маълумот ёки верификация қилинган ҳужжат, жумладан World-Check-One маълумотлари) маълумот мавжуд бўлса, бундай юқори мансабдор шахс билан муносабатга киришмаслик бўйича бош банк ички назорати томонидан ҳолат аниқланган пайтдан бошлаб 60 дақиқадан кечикмасдан жавоб хизмат ёзишмаси қўйи таркибий бўлинича раҳбарига (нусхаси қўйи бўлинича ички назоратига) юборилади.

11. Борқарув раиси ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинган қарор ижобий бўлган ҳолларда, юқоридаги мазкур бўлим талабларига биноан қўйи таркибий бўлиничага ва қўйи бўлинича ички назоратига рухсат берилган ҳужжат етказилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига
14-ИЛОВА

Мижозлар юқори мансабдор шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ёки яқин боғлиқ шахслари бўлган ҳолларда мијозларни ҳамда уларнинг операцияларини чуқур мониторинг қилиш тартиби

1. Нақд операциялар бўйича, агар бундай операцияларнинг миқдори БХМнинг 50 бараварига тенг ёки ундан ошган ҳолда, мунгазам тушум манбаси (иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маълумотномалар) ҳамда маблаглар манбаси (иш ҳақи бўлмаган, мазкур қоидаларда келтирилган ҳужжатлаштирилган манбалар) фронт-офис ходимлари томонидан олиниши ва қуйи бўлинима ички назоратига тақдим этилиши лозим;

2. Нақдсиз операциялар бўйича бундай операцияларнинг миқдори БХМнинг 100 бараварига тенг ёки ундан ошган ҳолда, операциялар характери, фаолият хусусиятига мослиги бэк-офис ва қуйи бўлинима ички назорати томонидан ўрганилади, шубҳа туғилган тақдирда электрон хат орқали мијозга ҳолат аниқланган иш куни давомида сўров юборилади, мијоз сўровга эртаси кундан кечиктирмаган ҳолда жавоб бермаган ҳолда, мијозга нисбатан ҳисобрақамининг чиқим қисмига банд солиш ва масофавий хизматини тўхтатиб туриш чораси қўлланилади, келгусида мијоз ҳужжат/маълумот тақдим этган пайтдан 60 дақиқадан кечиктирмасдан ҳисобрақам/муносабатлар қайта тикланади;

3. Нақд маблаглар бўйича тушум/маблаглар манбаларини тақдим этмаган мијознинг режалаштирган операцияларини амалга ошириш фронт-офис ходимлари томонидан рад этилади;

4. Мазкур бандда келтирилган мијоз маълумот/ҳужжат тақдим этмаслиги ҳолатлари икки ёки ундан ортиқ марта такрорланган ҳолларда, қуйи бўлинима ички назорати ҳисобрақам очилган қуйи таркибий бўлинима раҳбарига мијоз билан шартномалар ва муносабатларни тутагиш бўйича ҳолат аниқланган иш кунидан кечиктирмасдан хизмат ёзишмасини тақдим этади;

– Очиқ манбалардан ҳамкорнинг рейтинг мавжудлигини аниқлаш ва аниқланган рейтинглар баҳолашининг салбий ёки ижобийлигини ўрганиш, рейтинг мавжуд бўлмаган, ёки янги ташкил этилган ҳамда охириги уч молиявий йилда рейтинг 2 мартадан кам эълон қилинган ҳамкорлар, жумладан рейтинг даражаси халқаро амалиётда “паст” ҳисобланган ҳамкорлар билан муносабатга киришмаслик бўйича таклиф ички назорат хизмати томонидан ташаббускор бўлинмага тақдим этилиши лозим;

– Очиқ манбалардан ҳамкорга фаолияти доирасида Таваккалчилик методологиясида келтирилган миқозлар, маҳсулотлар, амалиётлар (операциялар, ҳаракатлар) ҳамда таваккалчиликнинг бошқа сифат омиллари бўйича юқори таваккалчилик омиллари мавжудлигини ўрганиш;

– Очиқ манбалардан ҳамкорнинг обрўсини, фаолият ва назорат сифатини ўрганиш;
Ҳамкор томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни баҳолаш Wolfsberg AML сўровномаси воситасида, шунингдек олинган маълумотлар ҳамда тасдиқланган ҳужжатлар воситасида, таваккалчилик методологиясида келтирилган услублар/воситалар доирасида амалга оширилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни бўйича ички назорат Қондаларига
26-ИЛОВА

Вакиллик муносабатлари ўрнатилган ҳамкор банклар билан муносабатларни мониторинг қилиш қондалари

– Ҳамкор банклар ва ресурс берувчи/олувчи муассасалар билан ҳамкорлик шартномаларида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ кўрсатилиши лозим:

- а) банк-респондент “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБдаги ҳисобварақлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятига эга ўз миқозини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни кўрганлиги, шунингдек миқоз тўғрисида зарур бўлган идентификация натижасида олинган маълумотларни банк-корреспондентнинг сўровига асосан тақдим қилиш имкони мавжудлиги бўйича тегишли тасдиқни олиш;
- б) транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон ўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш;
- в) техник чекловлар халқаро электрон ўтказма бўйича ички электрон пул ўтказмага боғланган жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги талаб қилинаётган маълумотнинг сақланишига тўсқинлик қилган ҳолларда, жўнатувчи молиявий муассасадан ёки бошқа транзит молиявий муассасадан олинган барча маълумотлар бўйича ёзувларни беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари;
- г) халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк-корреспондентлар билан ўзаро алмашишлари мумкинлиги;
- д) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларни музлатиш, ахборот алмашиш орқали ўловни лозим даражада текшириш чоралари кўрилиши мажбурияти.

– Банк соҳасига оид янгиликлар, жумладан Thomson Reuters, Lexisnexis ва шу каби ишончли манбаларда эълон қилиб борилаётган молия институтларига оид очиқ салбий маълумотларни кузатиб бориш (таксимот бўйича), бир ойда камида икки марта;

– Банкда вакиллик ҳисобрақамлари очилган ҳамкорларнинг ички назорат тизимини мазкур тизимнинг асосий йўналишлари (тизимни ташкил этиш ва ундаги ўзгаришлар, миқозларни лозим даражада текшириш ва унинг кучайтирилган чора-тадбирлари, шубҳали хабарномаларни тақдим этиш, тизимнинг мустақил баҳоловчи регулятор/аудиторлар томонидан текширилганлиги/ўрганилганлиги, ўқитиш тизими, санкцияга оид ҳолатларни бошқариш тизимлари ва ҳоказо) ҳамда ички назорат тизими самарадорлигини Wolfsberg AML янгиланган саволномасини олиш орқали ўрганиш (камида бир йилда бир марта, ички назорат хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган режа бўйича, таксимотта кўра мажбурият юклатилган ички назорат хизматининг бош банкдаги бўлинмаси томонидан амалга оширилади);

– Вакиллик ҳисобрақамлари очилган банклар ва бошқа молия институтларининг ҳисобрақамларини ҳар ойнинг 15 санасига қадар мониторинг (номи, банк кодлари, яъни BIC кодлари орқали) қилиш ва бунда юқори таваккалчиликли мамлакатлар, ўтган 30 кун давомида БҲМнинг 1000 бараварига ёки ундан ошган ҳамда транзит хусусиятига эга бўлган транзакцияларга эътибор бериш;

– Ўтган операциялар орасидан аввало, Рўйхат ва санкциялар билан тўлиқ мослик, қисман мослик бўлган ҳолатлар (блокировка тизими натижаларига кўра) ўрганилади, тўлиқ мос келган ҳолатлар ўтган бир чоракда 2 ёки ундан ортиқ марта аниқланган ҳолда, вакиллик муносабатларини

тугатиш ва вакиллик ҳисобрақамини ёпиш юзасидан тегишли бўлинмага ҳамда банк раҳбариятига хизмат ёзишмаси ҳолат аниқланган кундан 3 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда орқали билдирилади;

– Транзакциялар мониторинги давомида, ҳамкорнинг тўлови одатий тўловлардан фарқ қилса (ўртача тўловларга нисбатан ўта йирик/кичик, одатий йўналишлардан фарқ қилувчи, схематик хусусиятга эга, тўловнинг географик хусусияти ўзгарган) тўловлар бўйича ҳамкорга SWIFT сўрови юборилади;

– SWIFT сўровларига 2 марта кетма-кет етарли жавоб тақдим этмаган ёки умуман жавоб тақдим этмаган ҳамкорлар билан муносабатларни тугатиш ва ҳисобрақамни ёпиш бўйича банк раҳбариятига (билдиришнома орқали) ва вакиллик муносабатлари бўйича масъул бўлинмага хизмат ёзишмаси орқали хабар бериш.

– Олинган ёки янгиланган маълумотларни, шунингдек ҳисобрақам мониторинги натижаларини ҳамкор билан муносабатлар мақсади ва характерига мослигини ўрганиш;

– Ҳамкор тўғрисида тўпланган барча ҳужжат ва маълумотларда салбий (масалан, ҳамкорнинг томонлари орасида юқори мансабдор шахслар аниқланиши, соҳа бўйича ҳамкорга нисбатан тергов/суд ишлари мавжудлиги, таваккалчилик даражаси юқори бўлган мамлакатларда жойлашув ва бошқалар) ҳолатлар аниқланган ҳолда, барча салбий ҳолатларни санаб ўтган ҳолда, бош банк таркибий бўлинмаларига хизмат ёзишмасида мазкур потенциал ҳамкор билан муносабат ўрнатиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хабар берилади;

– Ҳамкор билан муносабат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, мазкур йўналишга масъул бўлган бош банкнинг таркибий бўлинмаси томонидан бундай қарор қабул қилинган кундан эртаси иш кунидан кечиктирмаган ҳолда бош банк ички назоратига хизмат ёзишмаси юборилади;

– Келгусида, таваккалчилик даражаси пастдан юқори (ўрта ёки юқори) белгиланган ҳамкорлар бўйича ҳар олти ойда, таваккалчилик даражаси паст белгиланган ҳамкорлар бўйича бир йилда 1 марта таваккалчилик даражасини қайта баҳолаш ўтказилади;

– Бундай таваккалчилик даражасини қайта баҳолаш бўйича махсус дастур (график) ички назорат хизмати томонидан йилнинг январь ойи охирига қадар тасдиқланади, дастурда ҳамкорлар юқори таваккалчилик даражаси омиллари сонига қараб камайиш тартибда жойлаштирилади;

– Таваккалчиликни қайта баҳолаш бўйича айнан алоқалар ўрнатиш давомидаги ўрта/юқори таваккалчиликка олиб келган омиллар доирасида махсус саволнома тузилади ҳамда бош банк ички назорати томонидан бевосита ёхуд бош банк таркибий бўлинмаси орқали ҳамкордан, қайта баҳолаш бошланган санадан 20 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда маълумотлар тўпланади;

– Тўпланган маълумотлар доирасида қайта баҳолаш юзасидан қисқа ҳисобот ички назорат хизмати раҳбарига 5 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этилади, бунда раҳбар тегишли қарор берган ҳолларда, бош банк таркибий бўлинмаси ва банк раҳбариятига вакиллик муносабатларини тугатиш бўйича таклиф берилиши мумкин.

Ҳамкор (норезидент-банк) билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор Банк бошқаруви томонидан қабул қилинади, бундай қарорлар қабул қилиниши таваккалчилик аппетитини (риск аппетитни) белгилайди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни бўйича ички назорат Қоидаларига
27-ИЛОВА

Ҳамкорлик қилиш таклифини билдирган халқаро пул ўтказмалари тизимларини лозим даражада текшириш чора-тадбирлари

– Соҳа бўйича қўшимча гумон (шубҳа) бўлган ҳолларда, Бош банк ички назорати томонидан тақдим этилган соҳа бўйича ҳамкор томонидан тегишли чоралар қўрилиши бўйича қўшимча саволномалар ҳамда қўшимча очиқ манба орқали олиш имконияти чекланган ҳолларда, Wolfsberg гуруҳининг амалдаги шакл бўйича сўровномаси орқали ҳамкорнинг ички назорат тизимини ўрганиш (бош банк ички назорати томонидан асосли гумон, шубҳа ва таваккалчиликлар ташаббус билдирган бўлинмага ёхуд ҳамкорга бевосита хизмат ёзишмаси орқали билдирилади);

– Давлат рўйхатидан ўтиш, лицензия, таъсис структураси, бенефициар мулкдорлари, таъсис структурасида пировард натижада 10% ва ундан ортиқ улушга эга бўлган таъсисчи/акционерларнинг (жисмоний шахсларнинг) шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, бошқарув органлари (Кенгаш, Бошқарув) маълумотлари (юридик ва жисмоний шахслар бўлган бошқарув органлари ҳақидаги шаклга мувофиқ) олинади (мазкур маълумотлар лозим бўлганда ҳамкорнинг бўлинмаларидан тасдиқланган ҳолда талаб қилинади);

– Ҳамкор (потенциал) ёки ҳамкорга тегишли шахслар (бенефициар мулкдор, таъсисчи, акциядор, ҳамкорнинг 50% ёки ундан ортиқ улуш билан назорати остидаги шахслар, бошқарув органларидаги шахслар ва бошқа муҳим шахслар, жумладан ҳамкорнинг капиталида 50% ёки ундан ортиқ улуши мавжуд бўлган, ҳамкорни назорат қилувчи шахслар) Рўйхат ёки санкциялар рўйхати билан текширилиши, тўлиқ мос келган ҳолларда, бундай ҳамкорлар билан муносабатга киришни тақиқланади;

– Халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёки оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган/жойлашган ҳамкор эканлигини аниқлаш, ҳақиқатда бундай давлатларда/ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳамкорлар билан муносабат ўрнатиш тақиқланади;

– Ҳамкорнинг географик жойлашуви, яъни бош офиси, филиал, ваколатхона, доимий муассаса ва бошқа қуйи бўлинмаларининг рўйхати ва жойлашув манзилларини инобатга олган ҳолда, умумий фаолиятда таваккалчилик даражаси юқори бўлган ҳудудлар/давлатлар (ФАТФ кулранг рўйхати, оффшор, фаол террористик ҳаракатлар ҳудудлари) да жойлашган/рўйхатдан ўтган филиаллар ва бошқа бўлинмалари улуши 10% ва ундан ортиқ бўлган ҳамкорларни ўрганиш, бундай потенциал ҳамкорлар билан муносабатга киришмаслик бўйича таклиф ташаббускор бўлинмага тақдим этилиши мумкин;

– Ҳамкорга нисбатан тергов/суд органларига томонидан, регулятор (марказий/миллий банк, молия вазирлиги ёки ҳамкорни лицензияловчи бошқа регуляторлар) томонидан салбий иш, жарима, санкция ёки бошқа ҳужжатлар қўлланилганлигини ўрганиш, бундай салбий воқеалар доирасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан (шу жумладан бу йўналишдаги гумон билан) боғлиқ иш мавжуд бўлган ҳамкорлар билан муносабатга киришмаслик бўйича бош банк ички назорати томонидан таклиф тегишли бўлинмага тақдим этилиши лозим;

– Очиқ манбалардан норезидент-банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотлар (ҳамкорнинг расмий интернет сайтидан, бошқа очиқ манбалардан ҳамкорни баҳолаш учун ички назорат хизмати томонидан етарли деб ҳисобланган барча маълумотлар, жумладан тўлдирилган ва тасдиқланган Wolfsberg AML сўровномасини олишни инобатга олган ҳолда) йиғилади;

– Юқорида келтирилган чора-тадбирлар доирасидаги ҳужжатларни, маълумотларни очиқ манбалардан олиш имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай ҳужжатлар/маълумотлар ҳамкорнинг ўзидан электрон хатлар воситасида сўраб олинади (бош банк таркибий бўлинмалари ва бош банк ички назорати);

– Юқорида келтирилган чора-тадбирларни қўллаш мақсадида, ҳамкордан тасдиқланган (ички назорат хизмати жоиз деб топган ҳолларда, инглиз ёки рус тилларида нотариус томонидан тасдиқланган) маълумотлар олинади;

– Очiq манбалардан ҳамкорнинг охириги 3 та рейтинг мавжудлигини аниқлаш, ҳамкор фаолияти янги ташкил этилган бўлса, ҳеч бўлмаганда 1 та рейтинг баҳоси мавжудлигини аниқлаш ва аниқланган рейтинглар баҳоларининг салбий ёки ижобийлигини ўрганиш, рейтинг мавжуд бўлмаган, ёки янги ташкил этилган ва охириги уч молиявий йилда рейтинг 2 мартадан кам эълон қилинган ҳамкорлар, жумладан рейтинг даражаси халқаро амалиётда “паст” ҳисобланган ҳамкорлар билан муносабатга киришмаслик бўйича таклиф ички назорат хизмати томонидан ташаббускор бўлинмага тақдим этилиши лозим;

– Очiq манбалардан ҳамкорга фаолияти доирасида Таваккалчилик методологиясида келтирилган мижозлар, маҳсулотлар, амалиётлар (операциялар, ҳаракатлар) ҳамда таваккалчиликнинг бошқа сифат омиллари бўйича юқори таваккалчилик омиллари мавжудлигини ўрганиш;

– Очiq манбалардан ҳамкорнинг обрўсини, фаолият ва назорат сифатини ўрганиш;
Ҳамкор томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирларни баҳолаш Wolfsberg AML сўровномаси воситасида, шунингдек олинган маълумотлар ҳамда тасдиқланган ҳужжатлар воситасида, таваккалчилик методологиясида келтирилган услублар/воситалар доирасида амалга оширилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига 28-ИЛОВА

Ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган халқаро пул ўтказмалари тизимларини бўйича таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш чора-тадбирлари

– Ҳамкор банклар ва ресурс берувчи/олувчи муассасалар билан ҳамкорлик шартномаларида куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ кўрсатилиши лозим:

- а) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва ҳисоб рақами) тақдим этилмаган ёхуд қисман тақдим этилган халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операциялар бўйича маълумот 3 иш кунида тақдим этилиши мажбурияти;
- б) электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш;
- в) жўнатиладиган пул ўтказмаларини миқдор-жўнатувчи ҳақидаги (жўнатувчининг номи; шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёки миқдорнинг идентификация рақами ёки жисмоний шахслар учун тутилган санаси ва жойи) ва олувчи ҳақидаги (олувчининг номи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) аниқ маълумотлар билан бирга юборилишини таъминлаш;
- г) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 барабаригача бўлган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи); агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилиши бўйича мажбурият;
- д) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 барабарига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларини жўнатувчилари ҳақидаги минимал маълумотларни (жўнатувчининг номи, шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами — жисмоний шахслар учун; жўнатувчининг манзили ёки давлат идентификация рақами ёки миқдорнинг идентификация рақами ёки жисмоний шахслар учун тутилган санаси ва жойи; агар операция жараёнида ҳисобварақ ишлатилган бўлса, у ҳолда унинг рақами ёки операциянинг хос рақами) тақдим этилиши бўйича мажбурият;
- е) олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўриш мажбурияти.

– World-Check-One дастури ва ишончли очиқ манбалар (масалан, Thomson Reuters сайти ва шунга ўхшаш) орқали ҳамкорга нисбатан салбий маълумотлар мавжудлигини бир ойда камида бир марта текшириб бориш (таксимотга кўра);

– Муносабат ўрнатилган ҳамкорларнинг ички назорат тизимини мазкур тизимнинг асосий йўналишлари (tizimni tashkil etish va undagi ўзгаришлар, миқдорларни лозим даражада текшириш ва унинг кучайтирилган чора-тадбирлари, шубҳали хабарномаларни тақдим этиш, тизимнинг мустақил баҳоловчи регулятор/аудиторлар томонидан текширилганлиги/ўрганилганлиги, ўқитиш тизими, санкцияга оид ҳолатларни бошқариш тизимлари ва ҳоказо) ҳамда ички назорат тизими самарадорлигини Wolfsberg AML янгиланган саволномасини олиш орқали ўрганиш (камида бир йилда бир марта, ички назорат хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган режа бўйича, таксимотга кўра мажбурият юклатилган ички назорат хизматининг бош банкдаги бўлини маси томонидан амалга оширилади);

– Муносабат ўрнатилган пул ўтказмалари тизимлари бўйича операциялар ҳар ойнинг 15 санасига қадар мониторинг (шубҳали мезон/аломатларга тўғри келган операциялар сони, бир мижоздан кўп 10 ёки ундан контрагентларга маблағ юборилиги ёки шундай схема орқали маблағлар олиниши, транзакциялар ҳажмининг ўтга 1 йил давомидаги транзакциялар сони/миқдори кескин ошиши сабаблари) қилиш;

– Ўтган операциялар орасидан аввало, Рўйхат ва санкциялар билан тўлиқ мослик, қисман мослик бўлган ҳолатлар (блокировка тизими натижаларига кўра) ўрганилади, тўлиқ мос келган ҳолатлар ўтган бир чорақда 2 ёки ундан ортиқ марта аниқланган ҳолда, шубҳали операциялар кўпайиб бораётганлиги юзасидан тегишли бўлинмага хизмат ёзишмаси орқали ҳолат аниқланган кундан 3 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда орқали билдирилади;

– Транзакциялар мониторинги давомида, пул ўтказмаси тизими мижозларининг транзакциялари одатий тўловлардан фарқ қилса (ўртача тўловларга нисбатан ўта йирик/кичик, одатий йўналишлардан фарқ қилувчи, схематик хусусиятга эга, тўловнинг географик хусусияти ўзгарган, географик мантиққа мос келмайдиган) тўловлар бўйича ҳамкорга сўров юборилади;

– SWIFT сўровларига кўра пул ўтказмаси тизимининг таваккалчиликлари баҳоланиши учун маълумотлар йиғиб борилади;

– Олинган ёки янгиланган маълумотларни, шунингдек ҳисобрақам мониторинги натижаларини ҳамкор билан муносабатлар мақсади ва характериға мослиги, бундай мослиги бўйича ҳамкорға электрон почта орқали сўров юборилади;

– Ҳамкор тўғрисида тўпланган барча ҳужжат ва маълумотларда салбий (масалан, ҳамкорнинг томонлари орасида юқори мансабдор шахслар аниқланиши, соҳа бўйича ҳамкорға нисбатан тергов/суд ишлари мавжудлиги, юқори рискли мамлакатларда жойлашув ва бошқалар) ҳолатлар аниқланган ҳолда, барча салбий ҳолатларни санаб ўтган ҳолда, бош банк таркибий бўлинмаларига хизмат ёзишмасида мазкур потенциал ҳамкор билан муносабат ўрнатиш мақсадға мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хабар берилади;

– Ҳамкор билан муносабат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, мазкур йўналишға масъул бўлган бош банкнинг таркибий бўлинмаси томонидан бундай қарор қабул қилинган кундан эртаси иш кунидан кечиктирмаган ҳолда бош банк ички назоратиға хизмат ёзишмаси юборилади;

– Келгусида, таваккалчилик даражаси пастдан юқори (ўрта ёки юқори) белгиланган ҳамкорлар бўйича ҳар олти ойда, таваккалчилик даражаси паст белгиланган ҳамкорлар бўйича бир йилда 1 марта таваккалчилик даражасини қайта баҳолаш ўтказилади;

– Бундай таваккалчилик даражасини қайта баҳолаш бўйича махсус дастур (график) ички назорат хизмати томонидан йилнинг январь ойи охириға қадар тасдикланади, дастурда ҳамкорлар юқори таваккалчилик даражаси омиллари сонига қараб камайиш тартибда жойлаштирилади;

– Таваккалчилиқни қайта баҳолаш бўйича айнан алоқалар ўрнатиш/давом эттириш давомидаги ўрта/юқори таваккалчиликка олиб келган омиллар доирасида махсус саволнома тузилади ҳамда бош банк ички назорати томонидан бевосита ёхуд бош банк таркибий бўлинмаси орқали ҳамкордан, қайта баҳолаш бошланган санадан 20 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда маълумотлар тўпланади;

– Тўпланган маълумотлар доирасида қайта баҳолаш юзасидан қисқа ҳисобот ички назорат хизмати раҳбарига 5 иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этилади, бунда раҳбар тегишли қарор берган ҳолларда, бош банк таркибий бўлинмаси ва банк раҳбариятиға муносабатларини тугатиш бўйича таклиф берилиши мумкин.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига 29-ИЛОВА

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш таваккалчиликлари аппетити бўйича баёнот (ML/FT risk appetite statment) бўлимлари

1. Таваккалчилик аппетити тушунчаси;
2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда соҳа таваккалчиликларини бошқариш бўйича мақсадларнинг умумий тафсилоти;
3. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда соҳа таваккалчиликлари чегаралари;
4. Алоҳида таваккалчилик даражалари бўйича аппетит баҳоланиши.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашниш бўйича ички назорат Қоидаларига
30-ИЮБА

Барча жорий қилинаётган ёки ўзгартириш (қўшимча) киритилаётган банк маҳсулотлари, хизматлар турлари, технологиялар ва амалиётлар соҳа бўйича таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар

1. Барча жорий қилинаётган ёки ўзгартириш (қўшимча) киритилаётган банк маҳсулотлари, хизматлар турлари, технологиялар ва амалиётлар соҳа бўйича таваккалчиликларни баҳолаш учун уларнинг жорий қилиниши режалаштирилган даврда, лекин исталган (тест, ҳақиқий) режимда жорий қилинишидан олдин ички назорат хизматиға тақдим этилиши шарт.

2. Бундай банк маҳсулотлари, хизматлар турлари, технологиялар ва амалиётлар бўйича қолдиқ таваккалчилик “паст” даражадан юқори бўлган тақдирда, ички назорат хизмати томонидан таваккалчиликни камайтириш чора-тадбирлари банкнинг ташаббускор таркибий бўлинмаларига, бундай чора-тадбирларнинг мазмуни ва ҳамда уларнинг тавсия қилинадиган жорий қилиниш вақти (қун ёки ой ҳисобида) хизмат ёзишмаси орқали билдирилади.

3. Тавсия қилинган чора-тадбирлар ва уларнинг жорий қилиниш вақти хизмат ёзишмаси билан, ташаббускор бўлинма томонидан тақдим этилган (хизмат ёзишмаси ёки бошқа расмий электрон ёзишмалар усуллари орқали) қундан эътиборан 5 иш қуни ичида тақдим этилади.

4. Ташаббускор бўлинма, ўз навбатида, бундай тақлифларни қўриб чиқиши, жорий қилиниши бўйича муаммолар (чора-тадбирнинг ўзи ёки тақлиф этилган муддат бўйича) мавжуд бўлса, муаммоларни қайта қўриб чиқиш учун ички назорат хизматиға ёзишма орқали 3 иш қуни ичида билдириши лозим.

5. Муаммоларни қабул қилиб олган ички назорат хизмати, 2 иш қунида хизматнинг раҳбари ва ходимлари ўртасида муҳокама қилган ҳолда, бошқа чора-тадбир ёки муддат тақлиф этиши мумкин. Тақлиф этиладиган чора-тадбир ёки муддат мавжуд бўлмаса, ёки чора-тадбирлар маҳсулот/хизмат/технология/амалиёт бўйича методологияда кўрсатилган таваккалчилик иштиёқини бошқариш ҳаракатлари (маҳсулот / хизмат / технология / амалиётларни чеклаш, жорий қилинишини таъқиқлаш) амалга оширилиши, яъни банк раҳбариятиға (Бошқарув Раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарига) жорий қилмаслик бўйича билдиришнома тақдим этилиши мумкин.

6. Банк маҳсулотлари / хизматлари / технологиялари / амалиётлари доирасидаги таваккалчиликни камайтириш ва ҳужжатлаштириш чора-тадбирлари, Таваккалчилик методологиясида келтирилади.

7. Банк маҳсулотлари бўйича чора-тадбирлар дастури ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилладиган шаклда ташаббускор бўлинма томонидан ишлаб чиқилади, ички назорат хизмати раҳбари, бундай ташаббускор бўлинма раҳбари имзоланиши ҳамда йўналиш раҳбари бўлган Бошқарув Раисининг тегйишли ўринбосари томонидан тасдиқланиши лозим (тасдиқланиш ЭҲА тизими орқали амалга оширилганда, электрон имзо орқали тасдиқланиши мумкин).

8. Келгусида, таваккалчиликни баҳолаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга жорий қилиниши махсус реестр (ёки ички назорат хизмати томонидан ишлаб чиқилган электрон реестр, масалан CROBS дастурида) ёрдамида назорат қилинади.

9. Банк маҳсулотлари бўйича чора-тадбирлар жорий қилиниши ташаббускор бўлинма томонидан белгиланган муддатдан қўпи билан 30 иш қунидан ортиқ кечиктирилган ҳолларда, мазкур маҳсулотларнинг амал қилиниши маълум/номаълум муддатта тўхтатиб туриш бўйича ички назорат хизмати томонидан Бошқарув Раиси ёки унинг ваколатли ўринбосарига билдиришнома киритилиши мумкин (ҳолат аниқланган пайтдан 3 иш қунидан кечиктирмаган ҳолда).

10. Келгусида, ички назорат хизмати томонидан мижозлар, улар томонидан фойдаланилаётган банк маҳсулотлари ҳамда мижозларнинг операциялари қунилик ёки даврий тарзда мониторинг қилиб борилиши натижасида, соҳа бўйича заифлик, таҳдид, таваккалчилик ёки оқибатлар ўзгариши аниқланиши мумкин. Бундай ҳолларда, таваккалчиликни баҳолаш маълум банк маҳсулотлари бўйича

ҳолат аниқланган ҳолдан 5 иш кунидан кечиктирмасдан қайта баҳолашни ҳамда мазкур бўлимда келтирилган чора-тадбирлар қайта кўрилиши лозим.

11. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, таваккалчиликни баҳолаш натижалари, таваккалчилик методологиясида келтирилгани каби, умумий баҳолаш ҳисоботиغا киритилиши лозим.

12. Банкнинг таркибий бўлинмалари қуйидаги ҳолларда миқозга операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақидирлар:

- юридик шахснинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида, жумладан рўйхатдан ўтказилган ва ҳужжатлаштирилган (ижара шартномаси) бўйича фаолият миқоз ҳақидаги маълумотлар (ўзидан олинган ёки давлат ахборот базаларидан, очик маълумотлардан олинган) билан мос келмаганда;

- атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда, амал қилиш муддати тугаган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

- қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур қондаларда назарда тутилган бошқа ҳолларда, жумладан Рўйхат, ва Санкциялар рўйхати билан тўлиқ мослик аниқланганда.

13. Банкнинг таркибий бўлинмаларига қуйидагилар таъқиқланади:

- аноним шахсларга, яъни, ҳисобварақ (омонат) очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, ҳисобварақ (омонат) очиш;

- ўйлаб чиқарилганлиги аниқ бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланмаган номларга ҳисобварақлар очиш;

- ҳисобварақ очаётган шахснинг ёхуд унинг ваколатли вакилининг шахсан иштирокисиз ҳисобварақ очиш, Банкнинг таркибий бўлинмалари аввал тақдим этилган, текширув даврига ҳақиқий ва верификация қилинган ҳужжатлар асосида идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳамда миқозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилган ёки Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан биометрик маълумотлар асосида идентификация қилинган, шунингдек учинчи томонлар амалга оширган миқозларни лозим даражада текшириш натижаларига Банкнинг ишонган ҳолатлари бундан мустасно;

- ўзлари ва доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида жойлашмаган норезидент-банклар (shell banks) билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш;

- тақдим этувчига бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар чиқариш (масалан, bearer shares);

- миқозни идентификацияламасдан чет эл валютасидаги пул маблағларини олиш ёки жўнатиш бўйича хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар ҳудудида шўъба банклари, филиаллар ёки ваколатхоналар ташкил этиш.

14. Банк жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши керак. Ушбу мақсадда Банкнинг таркибий бўлинмалари:

- янги хизмат турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқиши;

- янги ва мавжуд хизмат турлари учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаш ва баҳолаш керак.

15. Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги хизмат турларини, иш амалиётини татбиқ қилинган ёки янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак. Бунда, бундай таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолаш янги хизмат турларини (янги технологияни) бевосита жорий қилаётган бўлими Банкнинг таркибий бўлинмалари томонидан Ички назорат хизмати билан биргаликда амалга оширилади.

16. Банкнинг таркибий бўлинмалари ва Ички назорат хизмати ушбу тавakkалчиликларни мониторинг қилиш ва камайтириш учун тегишли чораларни кўришлари лозим.

17. Кўрилган чоралар натижалари тўғрисидаги маълумот Банк бошқарувига тақдим қилиниши керак.

18. Масофавий хизматлар бўйича тавakkалчилиكنи камайтириш мақсадида Банкнинг таркибий бўлинмалари:

- масофавий хизматларни кўрсатиш тўғрисида миждозлар билан имзоланадиган шартномаларда миждоз томонидан ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган шубҳали операциялар аниқланган тақдирда кўриладиган чоралар (бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида миждоз ёзма тушунтириш бергунга қадар ушбу хизматларни кўрсатишни тўхтатиб туриш ёки ушбу хизматларни кўрсатишни рад этиш)ни кўзда тутишлари керак;

- масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганиги ҳақидаги гумонлар мавжуд бўлганда Банкнинг таркибий масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган шахс томонидан операциялар амалга оширилаётганлигини миждознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиш ҳуқуқига эга;

- масофавий хизматлардан фойдаланилган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилганда, бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган муддатта масофавий хизматларни кўрсатишни тўхтатишлари керак;

19. жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий киргин куралини тарқатишни молиялаштириш мақсадида масофавий хизматлардан фойдаланилганлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида бундай хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни ўрнатилган тартибда бекор қилишлари керак.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қондаларига
31-ИЛОВА

Оффшор ҳудудлар билан боғлиқ миқжозлар, операциялар ёки ҳисобрақамлар аниқланган ҳолларда қўриладиган чора-тадбирлар

1. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган, турган ёки яшаётган шахслар юридик шахс таъсисчиси ёки бенефициар мулкдори бўлса, бундай юридик шахснинг таъсис структурасида барча жисмоний шахс бўлган таъсисчилар, акциядорлик жамиятининг (ёки унга тенглаштирилган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг) 10% ёки ундан йирик улушга эга акциядорлари (жисмоний шахс) тўлиқ идентификация қилингандан сўнг муносабатга киришиш мумкин.
2. Оффшор ҳудудларда номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ваколатига эга тузилмаси (бош офиси, бошқарув органи) жойлашган ёки рўйхатдан ўтган юридик шахслар билан муносабатга киришиш таъқиқланади.
3. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган, турган ёки яшаётган жисмоний шахслар билан фақат миқжозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўллангандан сўнг ҳамда ички назорат хизматининг рухсати мавжуд бўлган ҳолларда муносабатга киришиш ёки ҳисобварақ очилишига рухсат этилади.
4. Лозим даражада текшириш чора-тадбирларини қўриш имконияти чекланган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда, миқжоз билан муносабатга киришилмайди, мавжуд муносабатлар тутатилади, операциялар рад этилади.
5. 15-иловада келтирилган тартибда гумонли ва шубҳали операциялар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.
6. Оффшор ҳудуд билан боғлиқ ҳолда молиялаштирилиши назарда тутилган (қонда тарикасида импорт шартномалари бўйича) кредит / инвестиция лойиҳаларида пул маблағларини олувчининг (миқжознинг оффшор ҳудуддаги ҳакорининг) таъсисчилар структураси, таъсисчилари бўлган жисмоний шахслар ҳамда бенефициар мулкдорлари бўлган шахслар (қонда тарикасида жисмоний шахслар)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин.
7. Оффшор ҳудудлардаги ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар ва бундай ҳудудларда рўйхатга олинган, турган ёки яшаётган шахслар билан муносабатларга нисбатан “юқори” таваккалчилик даражаси қўлланиши, миқжозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўлланилиши лозим.
8. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган ёки бош офиси бундай ҳудудларда жойлашган/рўйхатдан ўтган молия институтлари, инвесторлар ҳамда халқаро пул ўтказмалари билан муносабатга киришиш мумкин эмас.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига
31-ИЛОВА

Оффшор ҳудудлар билан боғлиқ мижозлар, операциялар ёки ҳисобрақамлар аниқланган ҳолларда қўриладиган чора-тадбирлар

1. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган, турган ёки яшаётган шахслар юридик шахс таъсисчиси ёки бенефициар мулкдори бўлса, бундай юридик шахснинг таъсис структурасида барча жисмоний шахс бўлган таъсисчилар, акциядорлик жамиятининг (ёки унга тенглаштирилган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг) 10% ёки ундан йирик улушга эга акциядорлари (жисмоний шахс) тўлиқ идентификация қилингандан сўнг муносабатга киришиш мумкин.
2. Оффшор ҳудудларда номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ваколатига эга тузилмаси (бош офиси, бошқарув органи) жойлашган ёки рўйхатдан ўтган юридик шахслар билан муносабатга киришиш таъқиқланади.
3. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган, турган ёки яшаётган жисмоний шахслар билан фақат мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўлланилгандан сўнг ҳамда ички назорат хизматининг рухсати мавжуд бўлган ҳолларда муносабатга киришиш ёки ҳисобварақ очилишига рухсат этилади.
4. Лозим даражада текшириш чора-тадбирларини қўриш имконияти чекланган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда, мижоз билан муносабатга киришилмайди, мавжуд муносабатлар тугатилади, операциялар рад этилади.
5. 15-иловада келтирилган тартибда гумонли ва шубҳали операциялар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.
6. Оффшор ҳудуд билан боғлиқ ҳолда молиялаштирилиши назарда тутилган (қоида тариқасида импорт шартномалари бўйича) кредит / инвестиция лойиҳаларида пул маблағларини олувчининг (мижознинг оффшор ҳудуддаги ҳақорининг) таъсисчилар структураси, таъсисчилари бўлган жисмоний шахслар ҳамда бенефициар мулкдорлари бўлган шахслар (қоида тариқасида жисмоний шахслар)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин.
7. Оффшор ҳудудлардаги ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар ва бундай ҳудудларда рўйхатга олинган, турган ёки яшаётган шахслар билан муносабатларга нисбатан “юқори” таваккалчилик даражаси қўлланилиши, мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қўлланилиши лозим.
8. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган ёки бош офиси бундай ҳудудларда жойлашган/рўйхатдан ўтган молия институтлари, инвесторлар ҳамда халқаро пул ўтказмалари билан муносабатга киришиш мумкин эмас.
9. Оффшор ҳудудлар билан боғлиқ мижозлар ёки транзакциялар мониторинги давомида, уларнинг оншор (оффшор бўлмаган, жумладан Ўзбекистондаги) алоқалари ўрганилиши мумкин;
10. Оффшор ҳудудлар билан боғлиқ мижозлар ёки операциялар мижознинг таваккалчилик даражасини баҳолашда мамлакат рискин ҳамда анонимлик заифликларини келтириб чиқариши мумкин.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни бўйича ички назорат Қондаларига

32-ИЛОВА

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштириш таваккалчиликлари
КАРТАСИ***

№	Хизмат, маҳсулот, технология ёки амалиёт тури (қисқа таъсиф)	Таваккалчиликнинг қисқа таъсифи	Таваккалчилик амалда пайдо бўлиш усули	Таваккалчилик даражаси	Занфилли даражаси	Таҳдид даражаси	Мавжуд назорат инструментлари	Жорий қилиниши лозим бўлган назорат инструментлари	Масъул бўлишма	Таваккалчилик қолдини даражаси	Чора-тадбирларнинг режалаштирилган амалга ошириш мuddатлари
---	--	---------------------------------	--	------------------------	-------------------	-----------------	-------------------------------	--	----------------	--------------------------------	---

*Мазкур карта таваккалчиликлар баҳоланиши натижадарига кўра тўлдирилади ҳамда Банк бошқаруви томонидан тасдиқланади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни бўйича ички назорат Қоидаларига 33-ИЛОВА.

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик шахслар (ёки ЯТТлар)га хорижий валютада ҳисобрақамлар очиш ва Норезидент жисмоний шахслар билан муносабатга киришиш тартиби

Юридик шахс ёки ЯТТга хорижий валютада ҳисобрақам очиш

1. Мижоз 7-иловага мувофиқ сўровнома тўлдириб, потенциал ёки мавжуд бўлган экспорт-импорт шартномалари нусхалари (агар мавжуд бўлса) билан бирга фронт-офис ходимига тақдим этилади;

2. Мижоз тақдим қилган экспорт-импорт шартномаларининг барча томонлари (контрагент, хорижий банклар, шартномадаги барча товар, хизмат ва ишлар) санкциялар рўйхати билан солиштирилади.

3. Юридик шахснинг манзили, фаолият жойлари, ижара ва вақтинчалик жойлари бундай жойларга таъриф буюрган ҳолда ўрганилади, ошқор қилмаслик шарт билан (мижоз рухсати билан) суратга олинади (қўйи бўлинма ички назорати бошқа ходимлар билан ҳамкорликда);

4. Ўрганиш давомида мижоз билан муносабатлар характери, режалаштирилган фаолият турлари, мижознинг фаолият (ёки бошқа) жойларида мижознинг сўровномада келтирилган режалари ва операциялар турларига мослик даражаси, шунингдек импорт-экспортни амалга ошириш учун моддий-техник шароитлар мавжудлиги ўрганилади.

5. Ўрганиш натижалари далолатнома тарзида барча саволлар кўрсатилган ҳолда БХО/БХМ раҳбари, бундай ўрганишни ўтказган ходимлар томонидан имзоланган ҳолда расмийлаштирилади;

6. Лозим даражада текширишнинг чуқурлаштирилган чора-тадбирлари натижалари ва бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда, БХО/БХМ раҳбари, бош бухгалтер, мижозга хизмат кўрсатувчи ходим ва қўйи бўлинма ички назорати томонидан имзоланган ва муҳр қўйилган хизмат ёзишмаси бош банк таркибий бўлинмаларига тақдим этилади.

7. Бош банк ички назорати ва (ёки) қўйи бўлинма ички назорати томонидан номувофиқ деб топилган мијозларга хорижий валютада ҳисобрақам очилиши рад этилиши мумкин.

8. Нақд хорижий валюта билан боғлиқ операциялар фаолият тури ёки тавсифига мос келмаган мијозлар учун ходимий валютада ҳисобрақам очилиши рад этилиши мумкин.

9. Мијоздан олинган барча ҳужжат ва маълумотлар, банк томонидан аниқланган/ўрганилган барча ҳужжат ва маълумотлар мијоз фаолиятига мос деб топилган ҳолларда, юридик шахслар (ёки ЯТТлар) учун хорижий валютада ҳисобрақамлар очилади.

Норезидент жисмоний шахслар билан муносабатга киришиш (ҳисобрақам очиш)

1. Мијознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт, хорижа чиқиб паспорт, ID ҳужжати) текширилади, мијоз визуал тарада ҳужжатдаги фотосурат билан солиштирилади (фронт-офис);

2. Хорижий паспорт, ундаги Ўзбекистон ҳудудига кириш ва чиқиб белгилари, виза талаб қилинадиган ҳолларда, виза муддати ва шартлари текширилади (фронт-офис), мијознинг вақтинчалик ёки доимий яшаш манзиллари текширилади (фронт-офис, меҳмонхона ёки бошқа манзил бўйича, бунда мијоз томонидан махсус маълумотнома нусхаси тақдим этилиши лозим);

3. Мијознинг ЖШПРи текширилади (фронт-офис, очик манбалардан верификация қилинган ҳолда);

4. Мијознинг Ўзбекистон ҳудудидаги рўйхатдан ўтган ташкилотда иш ҳақидан охириги 12 ой учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ ва меҳнат шартномаси нусхалари олинади (фронт-офис, аслидан ёки “аслига тўғри” белгиси қўйилган ҳужжатдан нусха олган ҳолда);

5. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномада 3 ойдан ортиқ вақт кўрсатилган тақдирда, ШЖБПТ ёки кредит маълумотлари базалари орқали бундай даромад манбасини верификация қилиш (фронт-офис);

6. Юқорида келтирилганлар бўйича салбий маълумотлар аниқланмаса мијозга сўровнома тўлдирилади (фронт-офис, 6-иловага асосан);

7. Мијоз (ва унинг ишонч билдирган вакили) Рўйхатлар ва санкциялар рўйхати билан солиштирилади (фронт-офис, АБТдаги махсус модуль ва ички назорат хизмати томонидан шакллантирилган жадваллар асосида);

8. Мијоз юқори мансabdор шахс бўлса, 11, 12, 13 ва 14-иловалардаги чоралар кўрилади, Рўйхатдаги шахс бўлса қонунчилик ва ички ҳужжатлар талаблари бажарилади санкция билан тўлиқ мос келса қуйидаги 9-қадам бажарилади;

9. Юқорида келтирилган талаблар бўйича лозим даражада текшириш чора-тадбирларини амалга ошириш имкони бўлмаса(ҳужжатлар/маълумотлар етишмаса, нотўғри бўлса), мијоз билан муносабатга киришиш, жумладан ҳисобрақам очиш рад этилади;

10. Юқоридаги талаблар доирасида маълумотлар ёки ҳужжатлар мувофиқ бўлган ҳолларда (ҳужжатларнинг барчаси мавжуд ва тўғри тақдим этилган бўлса) БХО/БХМ раҳбари, фронт-офис бўлими раҳбари, бош бухгалтер, мијозга хизмат кўрсатувчи ходим ҳамда қўйи бўлинма ички назорати томонидан далолатнома тузилиб, ҳисобрақам очиш учун бош банкка тақдим этилади.